

ХОСИЯТ РУСТАМ

ТУННИНГ БОШИ ҚОРОНҒУ

КУНДАЛИКЛАР

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2021

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84 (5Ў)7

Р –

Рустам, Хосият

Х.Рустам. Туннинг боши қоронғу/кундаликлар: Янги аср авлоди. – Тошкент: 2021. – 200 б.

ISBN 978-9943-20-769-1

Шоира Хосият Рустам ўзининг кўнгил мактублари – кундаликларида ботинидаги «мен»и билан суҳбат уюштиради. Мазкур кундаликларни мутолаа қилар экансиз, уларда муаллиф нафақат кундалик ҳаётида бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни баён этгани, балки ўзининг руҳий-маънавий дунёсига қатъий талаблар қўйиб, туйғуларини аллаган ҳолда тарбиялаганига ҳам гувоҳ бўласиз.

Ўйлаймизки, ушбу битиклар ўзни ва ўзгани англашга уринаётган китобхонга ўзига хос йўлбошловчи бўлади.

ISBN 978-9943-20-769-1

© Хосият Рустам, «Туннинг боши қоронғу». «Янги аср авлоди», 2021 йил.

САРКАШ РУҲ ВА РОЙИШ ВУЖУД ТАНТАНАСИ

«Шоир бўлиб туғилсайдим...» Бу дил рози менга эмас, балки замонамизнинг машҳур ва кўзга кўринган ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори Тони Моррисонга тегишли. Аммо унинг шу сўзларини ўқиганимда, юрагим бир жиз этганди. Бунн ўзимга ўзим ғоялар куйилиб келганда, бироқ сатрлару оҳангларга сололмай хуноб бўлган уйқусиз кечаларда кўп бора айтганман. Шоирларнинг кескир, бир романга ғоя бўла оладиган, ўкувчига яшин тезлигида етиб борадиган сатрларини ўқиганимда эса ўзингга ҳаддан ортиқ майда кўриниб кетасан. «Адабиётсиз!» ўксик қалбимга таскин бериш учун айтилган сўзларнинг «Шоирсиз!» деган сўзга алмашишини минг карра, миллион карра истайсан. «Сўзни ҳис қилсам, мутолаага ташна одам сувни ютоқиб ичгандай отилсам, бир сўз илинжида тунни тонгга уласам-у, бир шоирча сатр битишга кодир эмасман, менга нима етмайди-а», деган фикр тинчлик бермайди. Чинакам шоирни кўрганимда эса ўзингдаги ўша етишмаётган жиҳатни англайсан.

Хўш, ким экан, ўша шоир дегани? Телба, саркаш, ўйноқи, қўнимсиз, кайфият кули, осмон каби олис, денгиз мисоли бепоён, ер сингари хокисор, тоғлар каби баланд, оппоқ булутдай пок, момақалдирокдек шиддатли, ёмғирдай ёқимли, шамолдай жиловсиз руҳ соҳиби. Бу руҳ вужудинг ичида яшаса, қандай туйғуларни ҳис қилиш мумкинлигини билмайман. Юқорида саналган ҳислатли руҳни бошқаришининг иложи бўлса, эҳтимол, бу хузурдир, балким изтироб...



«Дунёга келганимни нима биландир оқлагим келади... Сўз қидираман! Қушларнинг ўз осмонлари бўлгани каби орзуларимнинг ҳам чек-чегараси бормикан? Йўқлик дунёсида борлигим, ўлик сукунат ичида мавжудлигимни нима биландир исботлагим келади... Бошимни кўтариб те-варакка аланглайман... ҳар томоним сўз! Фақат сўзлар билан гаплашаман! Осмондаги булутлар каби ёпирилиб келаётган сўзлар қушовида ўзимни йўқотиб қўймаслик учун оҳанглардан ҳавога аргимчоқ соламан. Кўзларим неча марта ўлиб-тирилади... титроқ қўлларим билан Худода мактуб ёзаман...»

Шоир кундалигига битилган бу сўзларни ўқийман-у, ўша телба саркаш рух ўз танасига қанчалар азоб беришини англайман. Жонсарақ жон уни ҳар қўйга солади, кечалари ухлатмайди, тонгда тагин тетик кўринишга ундайди, ичда йиғлатади-ю, кўчада одамлар олдида кулиб юришга мажбур қилади. Бу руҳнинг телбавор қамчилари зарбидан тонгга яқин қоғозга шу сатрлар кўчади:

*«Балки хотирангда қолган... қолмаган,
Балки Сен учун ҳам армон ўша он.
Ўша кун нигоҳлар гапиролмаган –
Сўзлардан қочолмай юрибман ҳамон...»*

Қаерга қочасан? Қандай қочасан? Улардан беркиниб олишинг мумкин бўлган манзил-маконинг борми? Қисматингга битилгани сўзлар олдига тагин қайтиб келасан. Ўзинг келмасанг-да, вужудингдаги муроса қилиш имконсиз бўлган асов рух сени судраб бўлса-да, улар олдига олиб келади. Кейин Сўз ишқида куйган руҳнинг адоқсиз туғёнларидан Шоир дунёсида чинакам момақалдирок қарсиллайди, бўрон ўкиради, денгиз кўпиради, осмонни қора булутлар эгаллайди – бари тизгинсиз руҳнинг ўша

вужудга сиғмаслиги оқибатида юз беради. Токи бир ғояга хизмат қилувчи сўзлар қуйилиб, янги шеър яралмагунча, у гирибонидан маҳкам тутган рухнинг исканжасидан қутулолмайди. Мақсадига эришгач, вақтинча чекинган жоннинг изтиробларидан халос бўлган Шоирнинг ройиш Вужуди нафас ростлаб кундалигининг олдига келади-да, унга ёрилади: *«Мен Сендан Сен билан кетдим. Хабаринг борми? Менимча, хабаринг бўлмаса керак... Шундай бўлиб қолди... Сендан Сенга Сен билан бораман! Мени кечир! Сендан кетсам ҳам Сен билан Сенга кетаман!...»* деган қайдлар битилади. Бу тахлит мурожаатлар, аслида, Жонсарак Рухга ёхуд Сўзга, ё бўлмасам Шоир оламида бутун борлиққа уйқусиз тундан қовоқлари шишган, бир муддат бўлса-да, оддий одам каби яшаш уйғонган ва айни мана шу ўйдан ўлгудай қўрққан, иложсиз вужуднинг кундаликка тўккан яширин нидосига ўхшайди.

*Бошимдаги телпак юмшоқ юнг –
Ўлдирилган ўрмон қироли.
Менинг битта пўстиним учун
Йўқ қилганлар қанча қуённи?*

*Ҳаёт менга қилар қанча сарф,
Бўларди-ку тезроқ қарисам.
Бўйнимдаги қимматбаҳо шарф –
Эсдалиқдир сув парисидан.*

*Жилоланар бургуткўз сумкам,
Юрагимга денгиз сочар дур.
Тимсоҳтери этигим билан
Мен атрофга боқаман мағрур.*



*Тўлдираман ҳар кун камини,
О, нақадар ўчман ҳашамга.
Ҳаёт бори жонзотларини
Дафн этар менинг жуссамга.*

Бу шеърдан атиги тўрт мисра узиб келтиролмасдим, мени маъзур тутинг, китобхон! Чунки Шоирни илк бора шу шеър ила таниганман. Шу боис ҳам у қадрли менга. Айни шу шеър мени унинг остонасига бошлаб борган, Шоир шахсиятини танишга имкон берган; бироқ айни ҳозир кундаликдаги қайдларни мутолаа қилиб туриб, у ҳақда нимадир ёзмоқликка жазм этганимда, Рух ва Вужуднинг нақадар уйғунлигини, улар бир-бирини қанчалар тўлдиришини тушуниб етдим. «Шоирнинг телба Рухи ўзини кўтариб юрган Вужудга нисбатан норозилигини изҳор этиптими ёхуд бир жусса тимсолида бутун инсониятнинг ҳашамга ўч нафси Ер юзидаги қанча жонзотни қириб юбораётгани учун исён қиляптими?» дея ўйлаб қоласан. Адоқсиз саволлар гирдобиди Шоирнинг ўзи англамаган жиҳатларни синчков кузатувчи нигоҳ билан илғайсан ва шеър фақат бир ғояни чиқариб бериш учун сўзларни зўрма-зўраки сатрларга тизиш дегани эмаслигини-ю, мазкур жараёнда жонсарақ Рух ройиш Вужуд ичида туриб бутун коинотга сафар қилишини, эҳтимол, ўзи билмаган манзилу маконларда бўлиб қайтишини тушунасан ва сўзлар бунда қуюлиб келади. Аммо уларнинг оқими шу қадар кучли, шиддатли бўладики, буни тутиб қолган, қанчадир сонияларда қоғозга туширолган қудратли Вужуднинг қўлларидаги қаламгина унга Шоирлик мақомини ҳадя этади. Илҳом илоҳийдир ва айни шунинг учун ҳам у ўзига мутаносиб Рухни танлайди, асосийси, у юқорида санаб ўтилган хислатга эга бўлиши керак, акс ҳолда, Шоир олами шунчаки Хаосдан иборат бўлади...

Бахтсиз... иложсиз... ожиз... Шоир дунёсидаги денгиз тўлқинлари соҳилга маъюс урилади... Бўм-бўш бўшлиқ... Борлиқ зулматга чўмган, уни ёритадиган ақалли битта нур йўқ... Қўлга қалам тутилади, аммо ундан сўз тўкилмайди, чунки Шоир дунёсида Хаос... Ёзолмай қолиш – бир муддат бўронларнинг чекиниши, шамолларнинг қутурмай қўйиши, Руҳнинг коинотга учадиган қанотларининг кўтарилмаётгани, уни чинакамига даҳшатга солган Хаосга рўбарў қилади. «Мен беш йилдан буён ёзмаяпман...» йиғи аралаш иккимизнинг суҳбатимиз асносида шивирлаб айтилган бу сўзлар «Шоир бўлиб туғилсайдим...» дея ўқинч ила ҳатто ўзимга-да овоз чиқариб ёрилишга ийманган дардимнинг ноласини босиб кетади. Ич-ичимдан баъзан ўқингандирман ва алам қилгандир, аммо чинакамига бахтсизликни туйиб йиғламадим... йиғлолмадим-ку ахир. Ҳа, фақат Шоир шеър учун шундай йиғлайди, фақат Шоир шеър учун шундай куюнади ва шивирлаши ҳам тунни иккига ёра оладиган даражада шиддатлино даҳшатли ҳайқирикка ўхшаб эшитилади; бундан бир сесканиб тушасан. Шеърсизликни чин фожиага айлантирган бахтсиз Руҳ ройиш Вужудга қанчалар ором бермаётганини туясан, сўнг Яратганга унинг учун дуолар қиласан. Ўша телба Руҳ шеър оламига кутилмаганда қайтса, қандай тантана қилишини кўрмагансиз-да, азиз китобхон! Бу шундайин фавкулудда тантанаки, уни тасвирлагани қалам ожизлик қилади ҳам. Шоирнинг терисига сиғмай кетган қувончини кундаликка шу тариқа тўкилган кечинмаларидан сезиш мумкин: *«Деярли қўлимга қалам ушламай қўйгандим. Кунларни икки дунё орасида яшаб ўтказаятгандим... Умримнинг қуёшини қаердан чиқиб, қайси тарафга ботишини ҳам узук-юлуқ билмасдим. Ёмғирлар эътиборимдан четда, шамоллар эсимдан чиққанди. Тонглар деразамни чертганида, синиққина жилмайиб қўяр-*



дим. Кўлимни кўтаришига куч қайда? Ўша куни қаттиқ ёмғир ёгди Ханойида... Шеър кайфиятида паришон юрган сочларимиз ивиб кетди. Ҳамма шеър ўқирди. Ҳамма Вьетнамни тараннум этарди. Мен эса ҳеч нарсага тушунмасдим. Шеър дунёсида эдим. Ўзим биринчи марта дуч келиб тургандай, ҳали ҳеч қачон бўлмаган дунёларда юрардим. Ҳаёт мени шу аҳволга солганди. Ва мени мутлақо қизиқтирмай қўйган бу дунё билан ўша куни орани очиқ қилдим!»

Бир куни ишхонага Баҳром ака (Рўзимуҳаммад) кириб келди, одатдагидай Шоирларга хос ғайритабиий кўринишда, еттинчи осмонда учиб юрган кайфиятда эди у ҳам... Шоир хона тўридаги ҳашаматли курсида раҳбар ниқобини кийиб (хизматчилик, энди жамиятда ҳаммамиз амалимизга мувофиқ равишда ниқоблардан фойдаланишга мажбурмиз), таҳририятга келган мақолаларни ўқиб турарди, лекин у ҳаддан ортиқ ҳолдан тойган тушқун кайфиятда юришини ҳис қилардим, чунки шеър ёзолмай юрган ўша машъум кунлари эди. Эшик очиқ қолди ва камина икки Шоирнинг суҳбатига гувоҳ бўлдим. Ишонасизми, у бир лаҳза ичида ўзгарди-қолди, Баҳром ака шеърдан оғиз очиши билан курсида ноқулай кимирлаб қўйди, бир қизаради, кўзлари ёшланиб кетади, баъзан завқланади; бир маҳал қарасам, курсидан туриб оддий стулга ўтириб олибди, хайратланарли нарсани кўриб тонг қотиб қолган ғўр қизалокқа ўхшаб қолганди; шу тобда уни бошқача яхши кўриб кетдим, раҳбарлигини унутгандим, у ҳам Шоир ака олдида раҳбарлигини унутганди. «Мен ёзмайпман... ёзмай кетганман ҳозир...» дея жавдираб суҳбат орасида айтган гапларидан юрагим қон бўлганди ўшанда... Мен билардим, у одамлар орасида фақат шу сўзларни айтиш билан кифояланар, бироқ тушқунлигининг дардини қаергадир тўкаётганини билардим... акс ҳолда, саркаш Рухнинг ни-

малар қилиши мумкинлигини хаёлга келтириб бўлмайди. Мен ҳатто тасаввур қилганимда, кўркиб ҳам кетганман... Бир тунда, соат иккилар эди чоғи, Шоир телефон қилиб қолди: «Хемингуэйдан қилган таржимангизни ўқидим, яхши чиқибди, охирини ўқиб ғалати бўлиб кетдим; олти ой ёзмай кетгани учун жонига қасд қилган экан-а», деди. Ҳа, бу фожиа унга яхши таниш эди, шу боис қаттиқ ҳаяжонга берилган. Ҳар сафар Шоирнинг хонасига кирсам, буни янада кўпроқ туярдим, деворнинг бир томонида Цветаева, Пастернак, Есенин, иккинчи томонида эса Навоий, Бобурларнинг суратларию китоблари деворларга жавонларга териб қўйилган эди, кимлардир уни буни ҳашам ёки бировга кўз-кўз қилиш учун, деб тушунарди, аммо менинг қалбим улар бошқаларнинг ҳаваси ёхуд ҳасадини келтириш учун эмас, балки ўша телба Шоирлик Рухини ройиш Вужудга қайтариш иштиёқидан хонасида тирикдай, гўё олислардан Шоирга овоз бериб турганга ўхшарди: *«Марина, «Дераза ортида кимгадир илҳақ одам ўтиради», деб ёзган эдингиз бир китобингизда. Шу гапингиз ростми?»* Кундаликдаги битиклар Шоирнинг уларнинг нафаси нечоғлик яқиндан ҳис қилганини ва: *«Сизнинг кетишингизни истамаётгандим. Сиз эса югурганча зиналардан шошиб тушиб кетдингиз. Билдим, Марина, сизни кўчада Пастернак кутиб турарди... Парда ортида яширинганча деразадан пастга бўйладим. Сиз чиндан ҳам Пастернак билан кетиб борардингиз. Мен шошиб деразани очдим. Икковингиз ҳам бир пайтда менинг деразамга қарадингиз...»* шеър кайфиятини қўмсаш, ундан айрилишни истамаслигини билдириб турибди.

Хуллас, Шоир бир неча кун ўша ҳикоянинг таъсирида юрганини сездим-у, унинг бу тушқунлик гирдобидан чиқиб кетишини сўраб, Яратганга дуолар қилганим ёдимда. Кундаликдаги: *«Қачонлардир бошланиб, ҳануз-*



гача давом этиб келаётган ичимдаги бир йиғи хаёлимда уммонларга айланадигандек... Оғзимни чурқ этиб очолмайман, гўёки ер ютиб юборадигандек... Кимга беришни билмайдиган саволларим кўп...» каби қайдларни ўқиб туриб, негадир хозир эслаб қолдим. Шоирнинг ўзи ҳам: «Кундаликка ёлғон кечинмаларни ёзиш мумкин эмас, шоир ўзини ўзи алдаса, демак, унинг ижоди ҳақиқий эмас», деганди. Акс ҳолда, куйидаги сўзлар кундаликка бу қадар табиий битилмасди: «Бир вақтлар Худойим шундай кунларни берди... йиғласам, йиғиларим қофияга тушди! Кўз ёшларим шеърга айланди... Атрофимда оҳанглар учиб юрганини ўз кўзим билан кўрдим. Булутларни соябон қилган осмонни ўз қўлим билан ушлаб кўрдим! Қуёшнинг этагидан тутдим, юлдузларни пинжисига кирдим... Шамол билан ҳар кун ўйнадим, ҳеч кимга, ҳеч кимсага айтмаган дардларини айтди ёмғирлар. Қорларни оёғим остида кўрдим... Назаримда, Шоирнинг Осмонда Худо, Ерда эса кундаликдан бўлак чинакам йўлдоши йўқ. Фикрларимни эса Шоирнинг: «Шеър билан ёнма-ён бўлгандим, Худони кўргандим... Худони кўргандим...» деган гаплари далиллайди.

Шоир менга кундалигини илинди... Бу ҳаммагаям такдим қилинмайдиган кечинмалар... Ахир, унда бахтли кунлар қувончи... қайғули кечаларнинг изтироби бор... Сочларини ёйиб, шамол ховлисига кириб келганда, шоирнинг хаёллари билан ёлғиз чой ичаётган пайтидан тортиб то дунё билан чиқишолмай қолганда бошқа одам бўлиб уйғонган кунларининг тасвиригача мужассам. Бу саҳифаларда у йиллар давомида Шоирнинг Рухий олами нечоғлик улғайганини ва бу ЭВРИЛИШнинг оқибатини туйиш, шунингдек, ёзиш қувончи ва ундан айрилиб қолиш фожиасини дилдан туйиш мумкин. Мен кўп ёзувчи-шоирларнинг шахсиятига қизиқаман, бу қизиқиш

каминани уларнинг кундалигини ўқишга ундайди. Ижодкорларнинг айримлари кундаликка узук-юлук, тушунарсиз, мужмал қандайдир қайдларни битиб қўйганига гувоҳ бўлдим, бу баъзан менга худди маст одамнинг алжирашига ўхшаб туйилди. Аксариятининг кундаликлари уларнинг ҳаётлик чоғида нашр қилинмаган ва таҳрир кўрмагани учун бўлса керак, деб ўйлаб қоламан. Нима бўлганда ҳам, улардаги айрим қайдлар мақсадсиз ёзилганга ўхшаб туйилади. Шу боис, кўпчилиги уларни китобхонга ўз қўли билан тақдим этишга журъат қилмайди, бунга қўл уриш учун отнинг калласидай юрак керак, албатта. Лекин Шоир ана шу журъатни топди... Саркаш руҳ ва ройиш вужуд, ниҳоят, тантана қилаётган даврга эришибди. Шоир тагин ёзишни бошлади!!!

Инглизчага таржима қилинаётган кундаликдаги қайдларни ўқиб, америкаликлар уни шеър каби қабул қилаётган экан. Шоирнинг кундалиги бошқача бўлиши мумкинми?

«Пушкин билан уришиб кетмасмикан Есенин. Туни бўйи мижжа қоқмайман. Икки портретга қараб чиқаман. Есенинни уришқоқ бўлган деб эшитганман-да, ахир. Аммо менинг уйимдаги Есенин сира уришқоқ эмас. Мен уни бир кўришдаёқ ёқтириб қолганман. Фақат Есениннинг чилим чекаётган қилиб тасвирлаган рассом озгина хато қилган. Чунки Есенин чилимсиз ҳам чиройли кўринади...» Мана шундай битикларни кундалигига битиб қўйган Шоирни қанчалар яхши кўришимни тасаввур қилолмайсиз. Ишонманки, бу китобни ўқиб сиз ҳам уни шундай СУЙИБ ҚОЛАСИЗ!

P.S. Бу гапларимни ўла қолсам, Хосият Рустамованинг ўзига айтолмасдим. Кундаликни тўрт кун ичида ўқиб тугатдим-у, сўнг ёзишга муваффақ бўлдим. Юзма-юз кел-



сам, фикрларимнинг бари тумандай тарқаб кетади. У ҳақда ёзсам, исмини аташдан кўра, ШОИР дея чақиргим келганига ҳайрон бўлманг. Чунки у ҳамиша: «Шоирнинг миллати ва бегонаси бўлмайди», дейди. Менга уни опа деб атагандан, Шоир дея чақириш кўпроқ ёқади, чунки опалар кўп, чинакам Шоирлар эса анқонинг уруғи!

Шаҳноза РАҲМОНОВА, журналист

СЕНГА МУНОЖОТЛАР





БИЗ ИККИ ДУНЁДАН КЕЛГАН ИККИ МУСОФИР ЭДИК

Иккимиздан бошқа ҳамма нотаниш эди... Ҳали та-нишганимизга санокли ойлар бўлган эса-да, иккимиз бир-биримизни минг йиллардан буён биладигандек эдик. Бир-биримиздан кўз узмасдик, бошқа тарафга қарасак ҳам, бир-биримизни йўқотиб қўядигандек, кўрқардик! Мен сенга кўзларимни катта-катта очиб қарардим, сени қандай бўлсанг, шундайлигингча кўзларимга жойлаб олишга тиш-тирноғим билан тиришардим. Сен эса шундай сокин термилардингки, бир нафас бўлсин, мендан кўзларингни узмасдинг. Сенинг шундай сокинлигингга мен махлиё эдим... Ахир, бу сокинлик ичида ғалаён, улкан бир денгиз борлигини қанийди билмасам. Қанийди билмасам эди, юрагингда ёнаётган олов осмонга ўрлаётганини, қанийди кўрма-сам эди...

Биз иккаламиз ҳам тўлқинга қарши сузаётган гул-моҳи эдик гўё.

Ҳаётнинг бизларга қилган шафқатсизлигига муно-сиб жавоб қайтараётган ва бунини кўз ёшларимиз билан олқишлаётган эдик! Биз бу шаҳардаги икки мусофир эдик... Кетсак, икки тарафга кетишимиз керак эди! Биз бир куни кетишимизни билардик. Бизнинг беадоғ йиғиларимизнинг сабаби шундан эди. Бу дунёдан ҳам-ма кетади, дедим таскин бермоқчи бўлиб. Сенинг кўз ёшларинг катталашди. «Мен шунча масофадан сен би-лан хайрлашиш учун келдимми?!», дединг овозинг қал-

тираб. Мен бошимни секин қимирлатдим... Ва бир кун икки мусофир икки тарафга қараб кетдик.

Кунлар ўтаверди... Кунларга ҳеч нарсанинг фарқи йўқ эди.

Бугун сени эслаб куни бўйи йиғладим... Ва шу лаҳзада сени ҳам йиғлаётганимни ҳис қилардим. Югуриб уйга кирдим ва кундалик дафтаримни очиб ёза бошладим: «Мен бу дунёга сен билан хайрлашиш учун келганмидим?!»

1989 йил, октябрь



ҚУШЛАРДАН ҲАМ РАШК ҚИЛАРДИНГ

Кеча бошқа эди дунё! Биз ҳам бошқача эдик... Сен ерни кўтариб олиб югуришга тайёр эдинг... Бемалол кўтара олардинг. Менга кулиб қараган қушлардан ҳам рашк қилардинг. Эсингдами, бир куни сен нима дегандинг? «Айтмасам бўлмайди, ҳаётимда сенга бир маротаба ёлғон гапирганман!» Сенга сездирмасам ҳам, тўғриси, кўрқиб кетдим. «Қандай ёлғон эди у?» – зўрға овозим чиқди.

«Мен сени рашк қилмайман, деганимда ёлғон гапирган эдим...» Сенинг каҳва рангига ўхшаб кетадиган киприкларинг пирпираб турганида, менинг юрагим қандай аҳволга тушганини тасаввур қиладиган ҳолатда эмасдинг. Мен эса осмонни бағримга босгим келарди. Қучоғимга ботиб кетган юлдузларни кўлларим билан ушлаб кўрарканман, Ойни елкамда бир кафтгина бўлиб турганини ҳис қилардим. Ва лабимни унинг юзларига яқинлаштирарканман, сенинг кўз узмай турганингни кўриб, кулиб юборардим. Ой ҳам тушунарди... Юмшоқ кўллари билан менинг бўйнимга осилган кўйи сенга қараб тураверарди... Ойнинг бу эркидан жазавага тушган юлдузлар қизариб кетган кўйи бирин-кетин ўзларини ерга отганда, бағрим бўшаб қолган бўлса ҳам, юрагим тўла сен эди. Мен атрофга мағрур нигоҳ ташлардим. Севги билан ёнаётган юрагимга киприкларимни ўтин каби қалаётган шамол гирдикапалак бўлиб атрофимизда айланарди... Биз бошқача эдик... Бунинг хатто дарахтлар ҳам сезарди! Бизнинг бошқачалигимиз нимада эди, айта оласанми? Биргина сабаби бор эди бу бошқачаликнинг... Сенда мен бор эдим! Менда

сен бор эдинг! Бўлди... бошқа ҳеч нарса эмас! Бугун эса... ҳамма нарса ўз жойида турибди. Осмон осмонга айланган. Юлдузларнинг нигоҳлари бошқа тарафда! Ой ўзини осмонда тутаётгандек... Биз ҳам оддий одамлар қаторидамиз! Кейин... кейин билиб қолдим, менда сен йўқ эдинг! Сенда мен йўқ эдим. Худдики, ҳеч қачон бўлмагандек!

1989 йил, ноябрь





МЕН СЕНИ ХУДОДАН СЎРАБ ОЛГАНМАН

Мен сени Худодан сўраб олганман! Кечаю кундуз сўраганман... Сен келгунча умрим етмай қолишидан кўрқиб, бетоқат бўлиб сўраганман! Ўлим келиб қолишидан кўрқиб, кўрқиб сўраганман. Ҳа, айтгандай, ўлим келса ҳам сендай келсин! Қаердан келганини билмай қолайин... Ва уни ҳам севиб қолсайдим зора. Худди сени севган каби... Мен сени Худодан сўраб олганман!

1989 йил, декабрь



СЕН ШУНДАЙ КЕЛДИНГ

Сен шундай келдинг...

Мен сенинг йўлингга югуриб чикдим... Булар унчалик ҳам қизиқ эмас... Қизиғи, мен сени умримнинг қаерида кутиб тургандим? Сен қаерда пойлаб тургандинг? Имкони бўлиши билан кириб келишни кўнглингга тулганмидинг? Мен эса сенга югуриб пешвоз чиқишни ўйлаганмидим? Қандай содир бўлди бу ҳолат? Ёки биз актёрлармизми сахнада роль ижро этаётган? Биз киммиз? Юрагимиз – дунёнинг қайсидир бурчагига жойлашган севги мамлакатими? Асло Худони айбламан! Худо айбдор эмас! Лекин Унинг изнисиз ҳеч нарса бўлмайди-ку... Бу ерда бир сир бор! Нимадир мақсад бор! Мени уйқусиз қилиб яратган Аллоҳ сени менга беорга дуч қилмади... Сен кўркма... Аллоҳнинг ишлари кўрқинчли эмас... Аллоҳ ҳаммасини билади... Изтироб, йиғи, соғинч билан ўтаётган бу кунларнинг ҳам ажри бордир! Шунчаки берилмагандир бу кунлар... Шунчаки келмагандирмиз дунёга! Чунки менинг ҳаётим тулгул уйимга ҳам ўйлаб қадам босадилар... Қулоғингга пичирлаб айтаман, яқин келолмайдилар! Сен шундай келдинг! Кўркмай келавердинг! Хуш келибсан, севги мамлакатига!

1990 йил, 7 январь

* * *

Сен бирор шаҳарнинг эмас, менга бирор дарахтнинг номини айтгин эди, мен учиб борардим!

1990 йил, март



СЕНДА ЭЗИЛГАН ЮРАК, МЕНДА ЭЗФИЛАНГАН ҚАЛБ

Биз денгизни икки қирғоғидан томоша қилаётган, бир-биридан беҳабар икки соҳилмиз! Сенинг бу дунёда борлигинг ҳақидаги хабар менга етиб келмаган. Сен эса менинг борлигимни билмайсан. Узоқ-узоқларга қарайман... Сен ҳам кимларгадир термиласан ўйчан! Шу кичкина қорачиқларимга сикқан дунёда сени кўрмайман! Бу дунёдан каттароқмисан, баҳайбатроқмисан очундан? Биз дунёни икки тарафидан томоша қилаётган икки дунёмиз! Атрофимиз тўла одам... Уларнинг ичида иккимиз йўқмиз...

Ҳар куни кўчага чиқасан кийиниб, ҳар куни қаҳва ичасан ким биландир, ёмғирларда юрасан ивиб... Сўнг уйга қайтасан мени тополмай. Худди ўша пайт мен ҳам сени қидириб юрган бўламан одамлар ичидан. Одамлар эса бешафқат, менга сени айтишмайди, кўрсатиб қўя қолишмайди сени! Сен уйда кийимларингга ўраниб, ғужанак бўлиб ухлаётган пайтинг мен ким биландир чой ичаман сен ҳақингда ўйлаб. Ҳаёт ҳам меҳрибон эмас, биз унга яшаш учунмас, айланиб кетиш учун келгандай тутади ўзини. Бир куни... кетиш вақти келганини билиб қоламиз. Сенда эзилган юрак, менда эзфиланган қалб. Ҳатто шу ҳолимизда ҳам бизга бир-биримизни танимоқ ва билмоқ учун имкон бермайдилар. Биз ҳам жимгина жимиб кетамиз. Ўзимизни бу дунёга айланишга келган одамлардай тутамиз. Биз денгизни икки қирғоғидан туриб томоша қилаётган икки соҳилмиз! Атрофимиз тўла одам. Аммо биз уларнинг ичида йўқмиз. Бу дунёда менинг борлигимдан беҳабарсан сен ҳам. Менга эса сенинг борлигинг ҳақидаги хабар етиб келмайди...

1990 йил, апрель

АММО СЕН ҚАЕРДАСАН?

Мен Сенга қараб, ўзимни кўришим керак, эшит-
япсанми, ўзимни кўришим керак! Ўзимнинг ҳолатим-
ни текшириб олишим керак! Мен сени аввалгидан ҳам
кўпроқ севапманми, билишим керак. Илтимос, менга
бир бор имкон бер. Мен сени кўзларингга қараган пай-
тим, бутун дунёни кўраман! Бу менинг дунём! Менга
ўша дунёнинг қаерида турганинг жуда муҳим. Баъзи
кунлари йўқотиб қўяман, тополмай қоламан сени! Ўша
вақтлари бошимни ойга ургим, юлдузларни ғижимлаб
отгим келади. Шамоллар, эси йўқ шамоллар эса жо-
нимни ҳикилдоғимга келтиради. Мени ички дунёмни
ағдар-тўнтар қилиб ташлайди. Шундай пайтларда мен
бу дунёга кўриниб қоламан. Қанча ҳаракат қилмай,
юрагим мени яширолмайди, юрагим мендан яшири-
нади... Яхшиям, ёмғирлар бор. Яхшиям, сен борсан!
Сенинг дилингни оғритсам, мен ўзимни ёмғирга тутиб
бераман, бир хумордан чиқсин! Мен сенга ўзимни икки
қўллаб топширган кунимдан кейин ўзимнинг қўлим-
дан чиқиб кетдим. Бироқ ўзимни анча хавфсиз ҳис қила
бошладим. Менинг бутун ихтиёрим сенда... Аммо, сен
қаердасан?

1990 йил, апрель



МАТНЛАР ИЧИДА ЯШАЙ БОШЛАДИМ

Менинг роппа-росса бир йилим сен билан яшади! Роппа-роса бир йил! Кам эмас, кўп ҳам эмас. Шу бир йил ичида мен жуда кўп яшадим! Анча-мунча одам саксон йил яшаб ҳам бу қадар узоқ ва бахтли яшамаслиги мумкин. Биз ҳаёт билан шартнома тузганмидики, йўл кўрсатгичнинг қизил чироқлари ёнди ва биз етиб келганимизнинг хабарини берди. Биз истамайгина хайрлашдик! Сен жуда узоқларга кетдинг, аммо мендан сира узоқлашмадинг. Мен сенинг кетганингни кўрган бўлсам ҳам кўрмасликка олдим. Мен шу куни уйғонмасликни қанча хоҳлаган бўлишимга қарамай, уйғондим! Билмадим, балки саксон йиллардир, кўзим очиқ ётавердим... Ҳаётнинг имо-ишоралари жонимга теккандан кейин ўрнимдан турдим. Менинг шу кундан сўзлар ичидаги ҳаётим бошланди. Матнлар ичида яшай бошладим. Вергул ва нуқталар билан ҳеч қачон бундай яқин бўлмаган эдим. Қўштирноқларнинг ўткир тирноқларига дош бердим. Бўғинлар ичида нафас олдим. Яна бу ҳам етмагандек, менинг сўзга бўлган эҳтиёжим шу қадар юқорилаб бораётган эдики, ҳар бир сўз, нуқта-вергулгача тўғридан-тўғри юрагимда илдиз отаётганини билиш ва кўриш қийин эмасди. Мен ўзим учун катта ва кичик ҳарфларнинг кесишган жойида қаср курдим. Бизнинг ўртамизда шамолли кунлар бошлангандан кейин сени қайтиб кўрмадим. Шамол иккимизни икки тарафга учуриб кетган бўлса ҳам, ҳаёлларимизни қимирлатолмади... Ҳаёт, биламан, бир куни бу дунё жонингга тегади. Ўшанда фақатгина менга аталган муҳаббатингни елкалаб, кўч-кўронингни ортиб келавер! Мен сеникиман!

1990 йил, апрель

МЕН ЖУДА БОЙИБ КЕТДИМ!

Шу қадар бойиб кетдимки, мендаги бу чексиз бойликдан Аллоҳдан бошқа ҳеч ким хабардор эмас. Дунёга кўриниб турган тарафим дунё тарафда. Менинг эса дунё билан ишим йўқ. Бу дунё жамғармалари менинг бойликларимни сақлаш қувватига эга ҳам эмас. Ожиздир ҳаммаси! Мен жуда бойман! Сенинг хотираларинг билан бойиб кетдим! Кундан кунга соғинчларинг билан тўкилиб кетдим. Тўкилганим сари ўсдим, ўсганим сари юксалдим! Бу дунё соғинчга айланган шу кунларда сенга бир саволим бор, ҳаёт, айт-чи, тўлқинланиб оқаётган денгизни тўхтата оласанми? Қани, ҳаракат қилиб кўр-чи, қўлингдан келса, менинг соғинчимнинг олдини тўсиб бер, қани, кучинг етармикан? Тоғу тошларинг уваланиб кетишидан қўрқмасанг, шу ишни қил! Мен сенинг шафқатсизлигингни биламан, бу ишни ҳам уddалайсан, деган умидим бор. Акс ҳолда, бу соғинч мени оқизиb кетиши ва ҳалок қилиши турган гап!

1990 йил, май

ЭНДИ БИР УМР...

Мен бугун кун бўйи сени ўйламаслик ҳақида ўйладим. Эртага ҳам кун бўйи сени ўйламаслик ҳақида ўйлайман! Энди бир умр сени ўйламаслик ҳақида ўйласам керак...

1990 йил, июнь



* * *

Гўёки алланарсамни йўқотиб қўйгандекман, қидириб юрибман тун ва кунларни оралаб... Қани топиб бўлса? Оёғим остида шамол ўралашгани ўралашган. Ой чиқиб келади дум-думалоқ бошини ердан кўтариб, юлдузлар йўлимдан қочишга уринади ва бир-бирига туртиниб йиқилади... Мен эса уларни тўғри келган томонга улоқтираман. Улар ҳам анойимас, ўрниларидан зўрға туриб, чангларини қўйлакларидан қоқиб, яна менга қараб келаверадилар... асабимга тегиб, хузур қилсалар керак! Мен эса йўқотган нарсамни умримдан умр бўйи қидиряпман... Яшаган умримнинг ҳар бирига кириб чиқяпман. Ҳар бир соатларини титиб ташладим, дақиқаларини бўлак-бўлаклаб, дуч келган тарафга отдим. Мўралаб қараган қуёшга юрагимни парда қилдим. Булутлар яқин келолмади... Қушлар, менинг жажжигина маликаларим кафтларимда ухлашни қанчалик истамасинлар, чурқ этиб оғзиларини очолмадилар. Кўз ёшларини яшириб, мени яна азобга қўйдилар. Мен эса ҳамон қидиряпман. Лоақал, йўқотган нарсамни нима эканини билсайдим! Нимани қидираётганимни тушунсайдим. Балки унинг олдидан билмай ўтиб кетгандирман, танимай кетгандирман унинг олдидан. Балки у менинг паришон хаёлларим етиб бормаيدиган жойдадир. Балки у менинг қўлларим етадиган жойда тургандир-у, мен кўрмаётгандирман. Яна қаер қолди мен қидирмаган? Менинг қидирган нарсам, мабодо, сендамасмикан? Дафтарларингнинг орасини, китобларингнинг букланган саҳифаларини, хаёлларингни энг ичкарисини бир қараб кўр-чи! Мен қидириб юрган нарса, мабодо, сенинг ўзингмасми?

1990 йил, июль

ЭНДИ СЕН БОШҚА КЕМАЛАРДАСАН

«Кема кетиб бўлди». Қаерга кетди у? Қайси тарафга? Мен қаерда қолдим? Сен-чи? Мен чўкиб кетдимми, ғарқ бўлиб кетдимми сувнинг остига? Сен... бошқа кема топдингми? Ва омон қолдингми у билан? Фақат яхшилаб қарадингми, сен топган кема дарз кетмаганми? Бирор жойидан лат емаганми, бус-бутунми ишқилиб? Мен шундан хавотир оляпман. Чунки мен бу ҳаётнинг тўлқинлари билан узоқ ўйнадим. Ўлим рақсини тушдим у билан! Севги мени ҳар кўйга солди. Менга сув билан ҳаводан ҳам кўпроқ кераксан, дердинг, сув билан ҳавонинг қаҳри келган экан! Сув билан ҳавонинг қаҳри ёмон бўларкан, бизни ғарқ этди! Аммо осон бўлмади... мени чўктиргунча ўзи ҳам анча-мунча ҳолдан тойди! Менинг кўз ёшларимга аввал сувнинг ўзи ғарқ бўлди! Ҳавонинг нафаси ичига тушиб кетди... Ҳаёт бир четда биздан кўзини узмай қараб турди. Ким билсин, қарамай қолган пайтларимизда балки йиғлаб ҳам олгандир бизга раҳми келиб. Ўзини ўлдирмоқчи ҳам бўлгандир балки. Юраги бўлса, бизга қараб туролмаслиги аниқ. Ҳар тарафга дод солиб югуриши, дунёни бошига кўтариб чир айланиши аниқдан ҳам аниқроқ эди! Чунки мен бу ҳаётнинг жуда ҳам бешафқат деб ўйламайман! Бешафқат бўлса, сен туғилмасдинг! Бераҳм бўлганда, бизлар учрашмас эдик... Тўғрими, ўзинг айт, ўзинг менинг гапларимни тасдиқлаб турардинг-ку киприкларингни пирпиратиб, яна бир марта шу қиёфангни кўргим келяпти, яна бир марта.... охирги марта! Оҳ Худойим, мен нималар деяпман? Ахир, сен бошқа кемадасан-ку! Мен бўлсам ўз севгисига ғарқ бўлган ва ўлган одамман! Фақат тўлқин-



лардан эҳтиёт бўл! Улар ўлим билан ҳам ўйнашишни
яхши кўраркан. Тўлқинларга ким билан ўйнашишнинг
фарқи йўқ экан... Илтимос, эҳтиёт бўл!

1990 йил, август



МЕНИ СЕНДАН БОШҚА ҲАММА НАРСАМ БОР

Фақат сен йўқсан! Йўқсану нега кўз олдимдан кет-
майсан, ҳамма жойдан чиқиб келаверасан, нега? Ай-
ниқса, ибодат қилаётганимда кўзимга ёш бўлиб тўлиб
қоласан! Инсофинг борми? Уятку ахир! Ҳеч йўқ, ибо-
дат пайти кетиб тур, илтимос! Йиғлаганимни кўрма!
Мен адои тамом бўлдим. Сен ўзи кимсан, сени кўр-
ганманми ҳеч? Нега менга азоб берасан! Менга айтчи,
учиб кетаётиб ўлган қушни кўрганмисан? Кўрмаган
бўлсанг, энди кўришинг аниқ, мен бунга шубҳа қил-
майман! Ўша учиб кетаётиб қанотларига таслим бўл-
ган қуш – менман! Ўз севгисига енгилган ва соғинчини
кўтаролмай шиддат билан ерга қулаган қуш – менман!
Сен кўрқма, албатта, сен уни кўрмайсан. Сен уни на
севгисини кўрдинг, на соғинчини! Энди ўлимини ҳам
кўрмайсан. Ўлаётган маҳали айтган Сенинг исминг
Унинг тилидаги охирги калима каби Дунёни бир тит-
ратиб юбориши шубҳасиз! Ўшанда дарахтлар ерга
қулайди, қушлар мевалар каби ерга тўкилиб тушган-
да билки, унинг жони бу дунёдан узилган, кўзлари бир
нуқтага қадалган ва бир томчи ёш кўз корачикларидан
ташқарига сизиб чиққанда ҳали ҳеч қачон содир бўл-
маган бир воқеа содир бўладики, буни на сен биласан,
на Дунё билади....

1990 йил, август



СЕН МУКОФОТМИСАН ЁКИ ЖАЗОМИ?

Сен менинг ҳаётимга шунчалар катта куч билан кириб келдингки, мен сени ундан ҳам катта тўлқин билан сева бошладим. Бир кунда ҳамма нарса ўзгариб кетди... Бутун дунёни яхши кўриб қолдим. Дарахту қушларгача меҳр қўйдим, атрофимдаги жамики жонли-жонсиз нарсаларни сенинг муҳаббатинг билан кўра бошладим! Шундай тоза эди ҳамма ёқ. Шундай озода эди ҳамма томон. Бутун борлиқни севиб қолишим учун биргина сенинг кифоялигинг жуда қизиқ туюларди менга. Дунёмиз ўхшашми, осмонимиз бирми? Бундай кайфиятда ер ҳақида ўйлаш ёқмайди... Қаерда эдинг шунча йил, қандай пайдо бўлдинг тўсатдан? Ақлимга сиғдиролмайман! Тўғриси, ақлдан озганман... Яшаганмидим ўзи? Бу дунёда борлигим ростмиди? Неча йиллик ёзмаган кунларим эвазига Худо сени қалам каби тутқаздими менинг кўлимга? Сен мукофотмисан ёки жазоми?

1990 йил, ноябрь

ЎЛСАМ ҲАМ СЕНДА ЯШАЁТГАН БЎЛАРДИМ

Ортингдан чиқмасам, сенинг кетишингни кўрмасам канийди...

Сен кетган тарафга қарамасайдим! Йўллар мени йўлдан урмасмиди... Дарахтлар алдамасмиди? Машинанинг ортидан ўзимни ерга ташлагим келди. Сени мендан узоқларга олиб кетаётган машина менинг жамики орзуларим, бахтим ва ҳаётимни ҳам ортиб кетди. Ҳеч нарсасиз қолдим дийдираб... Тонгнинг менга раҳми келмади. Шаҳар безрайиб тураверди. Дийдалари қотиб кетган ҳаво юзларимдан чимчилаб, сочларимнинг ичига кириб яширингандагина менга нима бўлганини англадим ва бирдан уввос тортиб юбордим. Кейин... кейин нима бўлди, билмадим. Ҳушимга келганимда эса қуёшнинг қора нурлари атрофга ёйила бошлаган эди... Ҳозиргача ўйлайман, нега машинанинг ортидан югуриб бормадим? Борсам бўларди-ку, югурсам бўларди-ку... Йўлларга тўкилиб қолсам майли эди... Оёқларинг остида ўлиб қолсам ҳам майли эди. Ҳар ҳолда ҳозиргидан яхши эди... Ўлсам ҳам сенда яшаётган бўлардим... Шуниси яхшироқмасмиди?

1990 йил, ноябрь



ОСМОНЧА ЯХШИ КЎРАМАН

Бугун яна амин бўлдим! Бугун яна иймон келтирдим, сени ўзимдан кўпроқ яхши кўраман. Сочимдан тирноғимгача жимишлаб турган жоним ҳаққи, сени бу дунёдан ортиқроқ яхши кўраман! Болалигимда дадам кўчадан келган заҳотлари мени ачомлаб, мени қанча яхши кўрасан, деб сўрадилар. Мен осмонни кўрсатардим! Бу осмонча яхши кўраман, деганим эди. Қанча кўп яхши кўришимни кўрсатишнинг бу турини ўзим ўйлаб топгандим. Дадам хурсанд бўлиб кетардилар. Мени кўтариб, осмонга яқинлаштирмоқчидек қўлларини юқорига чўзардилар! Менга бу ҳолат жуда ёқарди. Мен ўзимни осмонда ҳис қилардим... Бугун эса ердан пастдаман! Қўлларимни сенга чўзяпман! Бармоқларим ҳавода рақс тушаётган кушларга ўхшайди. Фақат йиғлаб рақс тушаётган кушлар... Кўз ёшлари тушган жойини куйдирадиган кушлар. Куёш ивиб кетди, ер илма-тешик! Ўзим адоий тамомман! Соғинчдан ўлай деб юрган кунларимдаги бу шафқатсизликдан ўзимга келолмаяпман. Ўлиб қоламан бу аҳволда, ачинмайсанми, раҳминг келмайдими? Кўчадаги мушукчаларга раҳминг келарди-ку, наҳотки, бир мушукча йўқман?!

1990 йил, ноябрь

КЎЗИМДАН КЕТИБ ТУР!

Мен сени унутдим!

Ҳаммаси тугади! Сен ҳақингда ўйламаяпман, ази-зим! Қайтанга шуниси яхши. Ҳар кунги сен ҳақингдаги хаёллар билан тонг отиб, тун кўксимга ботаверишидан юрагимда, ойнинг ўрнича жойда яра пайдо бўлган-ки, ҳар куни азоб беради... Сени унутдим, энди бу яра ҳам тез кунда битиб, ўрнида ҳеч нарса қолмайди, деган умиддаман. Худо хоҳласа, энди бошқача яшайман! Фақат ўзим ҳақимда ўйлайман ва ҳатто шеърларимда ҳам эсламайман! Сени унутдим! Бошқа сен ... Фақат сенинг бир ёмон одатинг бор, ўзинг ҳақингда ўйламайсан, тушлик қилдингмикан? Кийимларинг иссиқми? Совуқмасмикан сен яшаётган жой? Ҳозир қаердасан? Айтгандай, сени унутганман-ку... Бўлди, сен ҳақингда ўйламаяпман, буткул унутдим! Шундай ҳам шеър ишқи тинчлик бермайди. Сўзларнинг ҳар бири бир аждар, ютиб юбораман, дейди. Мен ҳозир сўзларга ем бўлиб кетмаслик ҳақида ўйлашим керак. Бугун жуда кўп ишладим, сен ҳақингда ўйламаслик учун ҳам кўп ишляпман. Чарчадим. Сен чарчамадингми? Қорнинг оч эмасми? Ия, кўзларимдан қуйилиб келаётган нарса нима, ёшми? Нега йиғлаяпман? Сени соғиндимми, йўқ, йўқ, ҳечам соғинмадим! Сени унутганим қачонлар эди... Ҳозир эса... Шунчаки... шунчаки ўзимни тўхтатолмаяпман! Илтимос, кўзимдан кетиб тур, додлаб юбораман бўлмаса...

Сен эса мени тушунмайсан! Чунки сен мен эмассан! Сен мен бўлишинг учун камида мен бўлиб туғилишинг



ва бир бошдан мен бўлиб яшашинг керак. Эҳ, сенинг шу кадар беғубор кўзларинг бор ва тоза нигоҳларинг! Улар яна сендан бошқа кимдадир борлигига ишонмайман! Бу аниқ! Бу менинг шоирлик ташхисим эмас, ҳаётим!

Ё Худо, нималар деяпман! Сен эшитмадинг, тўғри-ми? Мен ақлдан озганмиканман? Сени унутганим қачонлар эди... Ҳа, ҳа, сени унутдим! Бу осмон ёлғон гапиришни билганда эди... Юлдузлар ёлғон қасам ичса! Тун ёлғон гувоҳлик беролса эди... мен сени унутардим!

1991 йил, январь



КЎЗ ВА СЎЗ ҚУРБОНЛАРИ!

Дунёда ҳамма нарса унутилади... Ҳамма нарса эсдан чиқади! Унутиш мумкинмасдай туйилган энг яхши хотиралар ҳам йиллар ўтгани сайин ўтмишга айланади. Лекин сенинг кўзларингни унутиб бўлармикан? Мен ўшанда ҳам бу кўзларга қарашга кучим етмаганди... Эрталаб сени қандай рад этган бўлсам, ҳеч қанча вақт ўтмасдан, мен сенинг итоаткор кулингга айланган эдим. Эсингдами? Нима учун деб ўйлайсан? Ҳеч ўйлаб кўрганмисан? Ўшанда сенинг кўзларинг менга кўп нарсалар ҳақида гапирди! Кўзингдан тушган ҳар бир юлдуз сўзга айланди... Мен эса шу сўзларнинг қурбонига айландим... Энди иккимиз ҳам бир умр шундай яшаймиз! Кўз ва сўз қурбонлари!

1991 йил, ноябрь



МЕНИНГ ҲАЁТИМ ТУҒИЛАДИ!

Мен ўлганимдан кейин менинг ҳаётим туғилади!
Мен яшай бошлайман. Ва кунларнинг бирида менинг
ҳаётимда сен туғиласан! Мен ҳаётдан кўра сен ва ўлим-
ни яхши кўриб қоламан!

1992 йил, январь



МЕН СЕНДАН КЕТДИМ!

Мен сендан сен билан кетдим. Хабаринг борми? Менимча, хабаринг бўлмаса керак... Шундай бўлиб қолди. Хафа бўлмайсан... Хафа бўлсанг, олдинроқ ўйлашинг ва бу дунёда менга дуч келмаслигинг керак эди. Энди иложи йўқ, сендан сенга сен билан бораман! Мени кечир! Седан кетсам ҳам сен билан сенга кетаман! Мен ҳам олдинроқ билмадим, бу дунёда сенга дуч келмаслигим керак экан... Мениям кечир!

1992 йил, май





ЯШАБ ТУРИШ УЧУН ИМКОН БЕР

Қўллларингни менга чўз, азизим, мен сенинг қўллларингни йўқотиб қўйяпман! Мен уларсиз қандай яшайман? Мумкинми, ахир? Ҳаётдан чиқиб кетаётган кунларим улар мени ушлаб қолмаганмиди? Бугунгача, бугунгача яшаб туришим учун менга имкон бермаганмиди бу қўллар? Мен яна... кетиш тадориғидаман... ундан кейин мени бошқа кўрмайсан! Ёки сенга барибирми, айт, ўзингдан эшитай шу сўзни! Ундан кейин менга ҳам барибир бўла қолсин! Ҳозирча... ҳозирча мени кўзларинг ва сенинг хотираларинг ушлаб турибди... Қўлингни узат... Менинг сенга узатган қўлларим қуруқ қайтмасин, озгина яшаб туриш учун имкон бер! Қара... қўлларим сен томон узаниб турибди, қара...

1993 йил, январь

ҚАЙТИБ КЕТИШ УЧУН КЕЛМАГАН

У дийдираб турибди... Эшигингга суяниб қалтираб турган итинг каби кўринади шу аҳволида! Эшигинг кулфми, қаердасан? Қаерга кетгансан? Овозининг борича чақирса, етиб келасанми? Қаердасан, айт? Ҳеч кимга ялинмаган бу шўрлик эшигинг олдида, хабаринг борми? Қанча эшикларнинг олдидан ўтиб келди, қанча эшикларни очишди, қараб ҳам кўймади! Начора, унинг феъли шу, у шундай яратилган! Унинг ғалати, одамларга ўхшамаган феълидан атрофидагилар баъзан жазавага тушишса, баъзан ҳавас қилишади. Сен уни кўнглингга кирит! Юрагингни оч. Ҳаётингдан қувма! У сенинг олдингга ҳаёт излаб келди, ҳаёт кидириб келди... У бечора билмайдики, сен ҳам худди шу нарсани кидириб юрибсан! У билмайдики, сен ҳам худди шу нарсани кидириб кетгансан! Топсанг-топмасанг, қайтиб келавер, у сенинг эшигингга қайтиб кетиш учун келмаган...

1993 йил, март. Тошкент



МАЙЛИ, МЕН ИШИМНИ ҚИЛАЙ...

Мен шу кунларда ёзув машинкасига айланганман! Ёш болалар кичкина леголاردан турли уйлар, шаҳарлар ясаган каби, мен ҳам ҳарфлардан сени барпо этяпман. Сени бошқатдан қандай бўлишингни хоҳласам, шундай қайта қуряпман. Сени қайта яратганим сари ўзим нураб боряпман, кундан кунга ўзим қулаяпман, эскирган уйга ўхшайман. Баъзи тунлари кўзгуга кўзим тушиб қолса, ўзимни танимайман. Афтим афтодаҳол!

Мен шоирдан кўра кўпроқ қурувчига ўхшайман. Сени бошқатдан, заррама-зарра тиклаётган қурувчига. Бу ишнинг қанчалар азоб эканини билсайдинг... Қандай даҳшат оғриқ эканини тасаввур қилолсайдинг! Йўқ, сен бунга қодир эмассан. Сендаги юрак жуда майда! Сен ҳаёт қийинчиликларидан ўтаётган пайтинг зарраларга бўлиниб кетгансан. Менимча, ўша пайт юрагинг ҳам майдаланиб кетган. Рухинг ўлган. Тирилмайдиган бўлиб ўлган! Бу сенинг ўзингга билинмайди.

Мен ҳам кейин билдим, кейин кўриб қолдим. Кўриб қолган пайтим кўзларимни қаттиқ юмиб олдим ва севишда давом этавердим.

Ҳозир ҳам ҳарфлар билан ўйнаяпман, атрофим тўла сўз! Саккиз йил ёзмаган кунларим эвазига Аллоҳ саксон йилнинг дарду ҳасратларини ҳам қўшиб бергандай. Буни нима эканини билсайдинг... Ҳеч йўқ тасаввур қилолсайдинг. Ҳозир яна ҳарфлар ичидаман, қўлим қўлимга тегмайди. Сўзнинг карвони саф тортган, қўлла-рида қурол ушлаган аскарларга ўхшайди гўё.

Мен бир нарсани аниқ биламан, сени қуриб битказган куним ўзим ўламан. Аммо мен шунга ҳам розиман. Сени тикласам бўлди. Сени менда нафас олаётганингни ҳис қилсам ва худди ўзимнинг болам каби атрофимда ўйноқлаб юрганингни кўришдан бошқа орзум йўқ. Майли, мен ишимни қилай...

1999 йил, июнь





ЖОНИМ ЎСИБ ЧИҚАРДИ ҚАЙТА

Мен шу сўзга илиниб тургандим... Мен шу сўз билан яшаб тургандим, шу сўз билан нафас олаётгандим! Мени шу сўздан айирдинг, шу сўздан жудо қилдинг.. Сени шу қадар шафқатсизлигингни билдим бугун! Сени таниб қолдим бугун. Айт-чи, мен қандай яшайман энди шу сўзларсиз? Мен шамолларга шивирлардим сенинг исмингни айтиб... Ёмғирларнинг пешонасидан ўпардим шу сўз билан. Йиқилсам, мени ердан кўтариб оларди шу сўз. Йиқилишга қўймасди шу сўз! Кечалари уйқумдан уйғотарди шу сўз! Ибодатда адашиб кетсам ҳам шу сўз сабабчи эди! Тезроқ шу сўзни эгасига етказсам, дердим... шошардим! Сенга айтиб бўлгунимча жоним ўзимда бўлмасди, бўғзимда потирлаб турарди. Ҳозир ўлиб қолсам керак, деб ўйлардим, аммо ўлмасдим. Шу сўзни айтишим билан менинг жоним ўсиб чиқарди қайта. Қушга айланардим. Ўлмайдиган қушга. Биласанми, сен нима қилдинг бугун? Сен менга рад этган ўша сўз билан бирга мени кўмдинг. Энди ердан сўзлар униб чиққунча, алвидо, азизим!

1999 йил, сентябрь

МЕН ОЗОДЛИКДА ЭДИМ

Мендаги севги шу қадар кучли эдики, жуссам кичиклик қилгани етмагандек, кўтариб юришга юрагим ҳам заифлик қиларди. Сени кўлларим етадиган жойдан кидирдим, ҳолбуки, йўқлигингни, анча узоқда эканингни, ҳатто хаёлларим билан ҳам боролмаслигимни билардим. Айниқса, сени кўргим келганда ўзимни ҳеч нарса билан овутолмадим. Шеър ёзиб ҳам кўнглимга таскин беролмадим. Сен мени ўзимдек севасан, деб ўйладим. Менга тун билан куннинг фарқи қолмагани каби сенга ҳам менинг узоқ-яқинлигимнинг фарқи йўқ, деб ишондим. Энг қизиғи, менинг севгимнинг захираси жуда бой, ҳеч қачон тугаб қолмайдигандек эди! Аммо унинг ўргимчак уяси каби ҳамма томони очиқ ва ҳаммага кўриниб турганидан беҳабар эдим. Бугун нима ҳам бўлди-ю, елкамдаги осмонни сидириб ташлаб, ташқарига чиқдим. Соғиниб кетган ҳаво юзларимдан ютоқиб ўпа бошлади. Шунда менга кўп нарса аён бўлди. Юрагим оғриётганини билиб қолдим туйқус. Ва ўрнимдан турдим! Шундагина билдимки, мен озодликда эдим...

2000 йил, март



СЕН ТУФАЙЛИ ҲАЁТ ДУРГА АЙЛАНДИ

Дунёга қачон келгандим, эсимдан чикқандай... Яшаётганим унутилгандай! Сен қаердан келдинг ёмғир ёғаётган пайт? Қайси шамолларнинг этагидан тушиб қолдинг? Менинг ижодим сени мафтун этган кун мен ундан анча узоқда эдим... Сенга яқин эдим ўзимдан. Ҳаёт қилтанокли балиқ эди, мен уни қанча ушлаб туришим керак эди қўлимда, айт! Унинг ўзини кўтариб уришларига қанча вақт дош беришим ва қанча вақт чидашим керак эди, айтавер! Айтганингни қиламан, дунё! Қўлларимда типирчилаётган ҳаётни кузатиб туриш оғир... Унинг кўзингга санчилиб турган юрак товуши, жавдираган қорачиқларига бир дақиқа бўлсин, бефарқ бўлишнинг иложи бўлганда эди, орқа-олдимга қарамай жимгина кетардим... Кетсанг, йўлларингни кесиб чиқаман... нигоҳлар найза отади. Қилтаноклар камонга айланади... Ва ўша пайт шаффоф ёмғирлар ичидан марварид томчиларни елкангга ортиб сен чикиб келдинг! Мен қуллуқ қилдим! Бошимни хиёл олдинга эгиб, салом бермоқчи бўлдим. Овозларим қалтираб кетди... Ўзини кўтариб отаётган ҳаёт қўлларимдан чикиб, ўзини ерга урди. Ер қон рангидан бироз хижолат эди. Кўзларимни сенга тикдим! Нимадир дейишингни кутдим. Сен эса жуда бепарво эдинг... Елкангда ҳалиям кўтариб турган марварид томчиларинг бирдан ёдингга келиб қолгандай, секингина ерга туширдинг... Осмон ярақлаб кетди... Оёғим остида хайрлашаётган, жон таслим қи-

лаётган ҳаёт яшин тезлигида дурга айланди ва ҳавода
ҳаёт расмини чиза бошлади... ва шунча одамлар ичида
мен сени танидим!

2000 йил, октябрь





СЎЗЛАРИМ ИВИБ КЕТАДИ...

Мен Сенга ҳар куни сўнгги мактубимни ёзаман! Ҳар куни, эшитяпсанми? Шу охиргиси, дейман ҳар сафар. Ва яна озгина вақт ўтар-ўтмасдан яна кўзларим тўла ёш билан мактуб ёзишга тутинаман. Ёзаётган сўзларим ивиб кетади, кўзларим хиралашиб бораётганини ҳис қиламан. Мени тўғри тушун, мен кўр бўлиб қолишдан кўра, Сени кўрмай қолишдан кўпроқ кўрқаман. Лекин энг ёмони, сени ким эканлигингни билмайман. Бутун қалбим бир сўзга айланган, бу Сўзнинг исми севги эмас, бу севгидан кўра анча баланд. Кўзимдан тўкилаётган томчиларга қараб, кўз ёш эмаслигини кўриб тураман. Улар сенинг суратинг, улар сенинг турли қиёфадаги суратларинг... Сени кўзларим қаерда туширган экан суратга? Бунинг аҳамияти борми денг! Мен шу суратни бир куни кўз ёшлар билан бирга кафтимга оқиб тушишига ишонаман. Ўшанда ўзингни кафтимда кўриб, кўрқиб кетма, илтимос. Менинг хатларим Сенга ҳеч қачон етиб бормаслигини ҳам биламан. Лекин, билиб туриб Сенга мактуб ёзавераман! Бугун яна Сенга сўнгги мактубимни ёзаяпман! Худо хоҳласа, бу сафар энг сўнггисини...

2002 йил, апрел



ЎЗИМДАН ҲАМ ЯҚИНДАСАН

Яна сенга келдим, денгиз! Сендан ҳам кўпроқ ҳаяжондаман. Юрагимнинг тўлқинлари мени бу дунёдан бошқа дунё соҳиллари томон отажак. Атрофимда айланаётган қушларнинг кўзларида ёш кўрдим. Бу қандай оташ эдики, тушган жойини ғалвир каби тешиб юборадиган? Атрофингда бир ўзим телбаларча тантирайман... дарбадарларча кезинаман! Шамолларга бошимни уриб олганимдагина бир нафас олгудек лаҳза ўзимга келаман ва сенинг нафасингни ҳис қиламан... Сен менга ўзимдан ҳам яқиндасан!

2003 йил, март. Истанбул





СЕН ЭҲТИЁТСИЗСАН

Нега учаётган юлдуз ерга тушмайди? Сен мени фан билан алдамоқчи бўласан. Нима?.. Йиғлаяпманми? Йиғлаган бўлсам, шунчаки йиғлаяпман. Сени деб эмас. Кўзларимга тўлган ёшлар – ўша сен билмай ўчириб қўйган юлдузлар. Сен эҳтиётсизсан. Қўлингда турган нарсани хоҳлаган вақтингда ташлаб юбораверасан. Бу ўйин сенга ёқадигандек туйилади менга. Мен ҳам сендан ўргандим, шекилли, қанча ҳаракат қилмай, кўзимдаги ёшларни тўкиб қўявераман оёқларинг остига.

2003 йил, октябрь



ХАЁТ ИШИНИ ҚИЛСИН!

Мен бугунги ўзимни сенинг хаёлингга бағишладим, денгиз! Эшитяпсанми? Бугун буткул сеникиман! Бошқа иш қилиш ниятим йўқ, ҳаммасидан воз кечдим. Мен бугун фақат сен ҳақингда ўйламоқчиман. Ҳаёт ишини қилсин! Сени охирги марта кўрган ўша кунимдан кейин қанча ойлар, кунлар, соатлар ва дақиқаларни яшадим экан? Яшадимми ўзи? Йўллар ўртамизга ташлаган йўлакларда қолдим. Туравердим. Чайқалдимми, йўқми, эсимда йўқ! Лекин ўла бошлаганим аниқ эсимда. Ҳаво йўқ эди... Кўзларимнинг туб-тубида йиғига айланаётган, йўғ-е, айланолмаётган фарёд бор эди. Оғзим қон таъмини сезмади, тишларим қасирлаб кетгандагина билдимки, мен тирик эдим! Икки ёнимда шалвираб турган кўлларимга беихтиёр кўзим тушди. Улар менидан ҳам аянчлироқ эди... Ахир... кечагина эмасмиди, ёнимда бораётган икки кўлим осмонни кучоқлаб мени уялтирмаганмиди? Сендан хижолат тортиб, кўзларимни бошқа ёқларга олиб қочмаганмидим? Сен эса кўрмасликка олгандинг, денгиз! Иккимиз узоқ гаплашдик сўзсиз! Ҳеч гапимиз тугай демади. Сен ўз тилингда осмонлар ҳақида гапирармидинг, юлдузни мақтармидинг, шамолларни қандай қувлаганларинг ҳақида гапирармидинг, билмайман, аммо тўлқинланиб-тўлқинланганинг ва хайрлашаётганимизда кўзларинг ёшга жикқа тўлиб қолгани аниқ эсимда. Мен ўша пайт бебош булутлар ва ёмғирлар ҳақида гапираётган эдим... Нафасим ичимга тушиб кетди. Сен менинг ҳаётимга кириб кўрмагансан,



денгиз! Мен ҳам сени у қадар яхши билмайман. Балки бизни ана шу билмаслигимиз бирлаштиргандир. Лекин бирга, бир кунда туғилган эгизаклардан кўра яқин бўлиб кетдик. Бу севги эмасди, бу севгидан минг чандон баланд эди. Мен тепангда, атрофингда чарх уриб учаётган қушларга айланиб қолишга, ўлай агар, минг чандон рози эдим. Орадан қанчадир вақт ўтиб, сен ҳақингда ҳаёл сураб эканман, кўзларимдан оқиб тушаётган ёшга термилиб туришга тоқат қилолмаёйман, дош беролмаяйман. Чунки сени жуда соғинганман! Бугун бугунги ўзимни сенга бағишлай туриб, сени жуда соғиниб кетганимни минг чандон кўпроқ ҳис қилдим ва йиғламаслик, йиғлаб юбормаслик учун чуқур-чуқур нафас ола бошладим. Аммо ҳаволар тош, дунё зимистон эди... Мана шу зимистон қаърида сенинг борлигинг, яшаётганинг менга таскин берди ва сенинг бугунингга, бугунги ўзингга келдим. Аммо, афсуски, мен аллақачон ўзимда эмасдим!

2003 йил, октябрь

КЎЗЛАРИМНИНГ БОШИ ҚОРОНҒУ ЭДИ

Биз узоқ йиғладик... Юракларимиз эриб-эриб тушаётганини кўриб турдик. Денгиз, сенинг тилингга тушунмасдим фақат! Йиғингга эса бутун вужудим билан тушунардим! Кўшилиб оққим келарди сенга! Менга гапираётганингда мени тушунишимни шунчалар хоҳлардингки, бу сенинг гапираётган кўзларингдан билиниб турарди. Ёмғирлар томчилаётган юзингга юзимни босиб шунчалар юқорилаб кетдимки, булутлар ўзини йўқотиб, маст кишилар каби шамолларга суяниб тушиб кела бошладилар. Шу пайт деразага зарб билан урилган қуёш бизни ўзига қарашимизни хоҳлади. Биз эса қарамадик. Бир-бирларимизнинг елкаларимизга суяниб йиғлайвердик. Йиғиларимиз ҳам гўзал эди! Бу йиғида минг йиллик ҳасратлар билан бирга амалга ошмай қолган орзуларимиз, беҳуда ўтказган вақтларимиз, ўқилмай қолган китобларимиз ва яна кўп нарсалар бор эди... Денгиз, ўша куни мен сени биринчи марта кўраётган эдим! Йўқ, мени тушунмадинг, мен биринчи марта сени шу ҳолда кўришим эди. Ёш томчилаётган кўзларинг ва киприкларингни унутиш, ҳаётга қасамки, энг оғир гуноҳдир. Кетаётиб ортга бурилдинг... Мен айнан шу ҳолатдан қўрқардим. Улкан-улкан кемалар бир-бирига тўқнашиб кетди... Ҳаво чайқалди... Сув оғир хўрсинди. Шамол шиддат билан кетаётган пайт киприкларимга урилиб кетди... Бутун орзуларим ер билан бир бўлди. Менинг кўзларим қоронғулашиб кетди! Кўзларимнинг



боши қоронғу эди. Теграмда айланаётган кушларни энди кўрдим... Кўзлари маъюс кушлар. Ҳамма нарсадан хабардор кушлар... Оёқларингизга илиниб кетиш мумкин бўлганда, кетмасмидим бу дунёнинг баҳридан кечиб! Сиз оёқларингизни силкитган дунёдан кетмасмидим... қўлимни силтаб! Бу дунё ғалати экан! Чиндан ҳам бу дунё экан... Биз чиндан ҳам бошқа дунёдан эканимиз билиниб қолди шу кун, денгиз! Биз бошқа дунёдан эдик! Биз икки тарафга кетишимиз мумкин эмасди... Сен мени тўхтаб кутаётган эдинг. Ҳамма томон жим эди. Тўлқинлар оҳиста қулоқ соларди! Мен сенга термилиб бироз турдим. Шу бироз ичида жуда узок яшадим. Елкасини тутиб берди шамол! Қанча ёмғирлар ёғди... қанча сувлар оқиб кетмади... Ҳа, бир умр шу нарсадан кўрқардим. Ҳатто кетаётган одам ҳам ортига бурилмаса! Сен эса шиддат билан кетаётган ерингда ортга бурилдинг. Бу бурилишнинг ўзи бўлмаганини биламан. Бу бурилиш шунчаки қараш эмас. Бутун ҳаётингни силкитиб ташлаб бурилиш. Бу бурилиш устингдаги чангларни қоқиб, кийимларинг тоза эканига ишонч ҳосил қилишдай гап эди. Ҳаётнинг мана шу сахнасига дош беролмайман! Қараб туролмайман! Кўзларимдан оқаётган ёш билан киприкларимдан тўкилаётган титроқ сенинг юзларингга томчилай бошлаган пайт мен дунёдан чиқиб кетаётган эдим... Эшитяпсанми?

2003 йил, октябрь

ОДАМ ШАКЛИДАГИ ФАРИШТАМ!

Дўзах азоби балки шудир! Бошимдан оёғимга қадар ёнди. Ҳар замон чарсиллаб овоз чиқарганда ёки руҳим ташқарига учиб чиқаётганда ҳам атрофга боқиб сени қидирдим! Қаердасан? Теваракка боқиб, ҳеч нарсани кўраётганим йўқ! Бу ердаги ҳаёт қаерда? Наҳотки, ҳаммаси сен билан кетган бўлса? Наҳотки, ҳаммаси сен билан тугаса?

Ахир, бундай бўлиши мумкинмас! Одамниям шу қадар соғиниш мумкинми? Ўлай агар, ўлиб қолишим мумкин! Энг қизиғи, айна шу аҳволимда сенга кўрингим ҳам келмайди! Кўргим келади фақат! Ҳозир кўчада кетаётган бўлсам-у, сен билан тўқнашиб кетсам, ўлиб қоладиган аҳволим бор. Руҳим жуда хароб! Уч кундир, кўз ёшларим тинмади. Уч кундир, қушларнинг овозлари ҳам менга телефон қўнғироқлари каби эшитилади. Кафтларимда эзғиланавериб киртайиб кетган киприкларим орасидан оқиб тушаётган нарса қонми, кўз ёшми, билмайман! Қалбим тилка-пора, юрак яраланган қуш каби типирчилайди. Бу шунчаки севги эмас. Сираям шунчаки севги эмас. Агар бу одамларнинг севгисига ўхшаган севги бўлганда бу қадар куйдириб юбормасди, бу қадар жаҳаннам оловига ташламасди... Бунда нимадир бор! Бу муштоклик издиҳомида нимадир яширин! Балки Ўзининг нигоҳидир! Балки Яратганнинг бизлар учун навбатдаги иноятидир, билмайман. Фақат бир нарса, ўзимни тушунмай турган вақтларим сен мени тушунишга ҳаракат қилсанг, яхши сўзлар айтиб юпатсанг,



баттар жазавага тушаман! Ўзимни ўлдириб кўйгим келади. Ё Худойим, сени ялинган, ёлборган ҳолда кўриш менга осонми? Менга осон деб ўйлайсанми, сенинг кўз ёшларингни кўриш! Ўша куни эслайсанми, қаергадир кетаётгандинг, мен сени ташқаригача кузатиб чиқдим! Машина сени олиб кетгандан кейин хонамга бир ўзим қайтдим. Бир ўзим! Эсингдами, мен бу дунёда бир ўзим қолгандим! Бир ўзим! Ҳеч ким йўқ эди бошқа. Ҳеч ким! Тасаввур қияпсанми? Кўзимдан оқаётган ёшнинг охири йўқ эди... Сал ўзимга келиб қарасам, ёстикларим ивиб кетибди. Нима қилишни билмасдим. Мувозанатсиз қолган қуш эдим. Ҳавода илиниб турардим. На осмоним бор эди, на ер! Ҳатто қўл-оёқларим ҳам ўзимники эмас эди. Ёнимда шалвираб турган бармоқларим кимнидир сўраётгандек. Кўзларим атрофдан кимнидир қидираётганини яққол сезиб тураман. Индамайман! Ёшлигимда нимагадир дадам мени «Одам шаклидаги фариштам», деб эркататардилар. Мен бу сўзнинг маъносини катта бўлганимдаям тушунмадим. Аммо шу бугунги кўз ёшларим ҳақи, соғинчнинг чидаб бўлмас азоби дадамнинг ўша сўзларини яна ёдимга солди: одам шаклидаги фариштам!

2005 йил, ноябрь

РУҲАН СЕНГА КЕТИБ БЎЛГАНМАН

Кимнидир жуда қаттиқ яхши кўраман! Жудаям! Ҳаммани бир-бир кўз олдимга келтираман... Сенга келганда тўхтаб қоламан, қиёфасиз севгилим! Сени қандай тасаввур қилишним билмайман, севгимни қандай билдиришним... фақат қўлимдан келадигани, руҳан сенга кетиб бўлганман! Сеникиман ва сенга муҳтожман!

2006 йил, июль





ЎЛМАЙМАН, ДЕБ АЙТ!

Сен касал бўлма! Ҳеч қачон! Ҳеч қачон касал бўлма, илтимос! Сен ўлма! Қаерга кетсанг, мениям олиб кет. Қаерга бўлсаям майли! Қаерда яшасак ҳам ҳеч нарсаси демайман! Яшамасак ҳам майли ёнингда бўлсам... Ёнингда бўлсам майли... ҳаммасига чидайман! Майли, кийимларим қимматбаҳо бўлмасин... майли, оч қолай... нима бўлсаям! Бугун жуда қўриқиб кетдим, сен касал бўлишинг мумкинми, ахир? Ўлишинг ҳам мумкинми? Йўқ, йўқ... асло ўйлаш ҳам мумкин эмас! Мен тасаввур қилолмаган нарсалар бўлмаслиги керак. Ҳеч қачон! Бугун жуда совқотдим ва атрофга қараб билдимки, ташқарида қиш экан. Музлаган қўлларимни секин деразадан тортиб оларканман, кўз қорачиғимдаги музни кўриб анча вақт ўзимга келолмадим. Ва иккимизнинг айланиш учун ташқарига чиққанимиз ва қайтишда чўнтақларимизни тўлдириб қуёшни олиб келганимизни эсладим... Биз яна шундай қиламиз, майлими? Қуёшни кўтарган қўлларинг чарчаса, бармоқларинг қизиб кетса, мен ёрдамлашаман сенга! Чунки ёнингда бўламан, тўғрими? Ўзинг айт, ҳамма эшитадиган қилиб айт, илтимос! Сен ўлмайсан! Ўлмайман, деб айт! Ўлмайман ҳеч қачон, деб айт...

2008 йил, январь

МЕН ЯНА КЕТЯПМАН...

Мен яна кетяпман, қанийди, бир ўзим кетаётган бўлсам. Қанийди хаёлларим менга бўйсунса... Хаёлан Франкфурт кўчаларида кезарканман, сени чиқиб қолмаслигини яхши биламан. Аммо мен сени севишда давом этавераман! Наҳотки, бу ҳол умримнинг сўнгига қадар давом этади? Бирор дақиқа бўлсин, сениз яшаётганим йўқ. Ҳамма-ҳамма лаҳзам сен билан! Сени Худодан кам севолмаганим учун ўзимни кечиролмайман, Худо кечирсин мени! Қанийди, сени яратмаган бўлса, мен ҳам келмаган бўлсам дунёга! Аслида, ҳаммаси яхши, азизим, нолийдиган жойимиз йўқ-ку. Фақат севги билан бўлиб дунёни кўролмай қолмаётганмиканмиз, деган хавотир бор-да... Ҳаёт ёнимиздан ўтиб кетаётганга ўхшайди. Мен эса унга қайрилиб ҳам қарамайман, кўзларимдаги сен билан безрайиб туравераман! Бу иш менга жуда ёқади... Урушдан келган кунларинг сен худди шундай тутгандинг ўзингни, бошқа жойда эдинг! Менга қараб турсанг ҳам мени кўрмасдинг! Мен билан гаплашиб бошқа дунёларда юрардинг... Қанийди, мен буни билмасам? Ҳаммасини билиб турардим. Шоир юрагим тушунгиси келмаган вақтлари ўзимни қаерга қўйишни билмасдим ва ўшандай сиёҳранг кунларда мен бунинг йўлини топдим, сени ўзимдан яратдим! Энг осони шу эди... Энди сени ҳар кўйга сола олардим! Севгилисига шеър ёзиб юрадиган шоиралардан жаҳлим чиқарди. Шеърларида «куйиб кетган»ларидан нафасим қайтарди. Бир ерда ўтиролмасдим. Ўзи бошқа, шеърла-



ри бошқа нарсадан гапирарди! Кўнглини ўйинчоқ каби ўйнаган тоифалардан безор эдим! Кўнгли олдида ўйинчоқ бўлганлардан эса нафратланардим. Заминдан озгина узоқроқ жойлашган бўлсам ҳам одамларнинг ҳаммасини жону дилим билан яхши кўрардим. Ҳозиргача шундай... Мен яна кетяпман... Хайрлашмайман! Мен сени Худога топшираман!

2009 йил, октябрь. Франкфурт



КЕТГИМ КЕЛМАЙ ҚОЛИШИ МУМКИН

Ҳаёт, мени кўп эркалатдинг... гўёки осмонни икки кўллаб менга топширгандайсан... Бошида қуёшга ёқмасди, ойнинг энсаси қотиб, ранглари оқариб кетганини кўп кўрганман! Қаерга борсам, юлдузлар йўлимни тўсиб чиқаверарди... Бошимни қўйсам, музга айланарди парку булутлар. Ҳаёт, мени кўп яхши кўрдинг... ўзим истамаган ҳолда сенга меҳр қўйдим. Сени яхши кўриб қолдим, ўйлаб қарасам, сен мени унчаям билмас экансан... Мен яхшилиқни билмайдиган одамман, кетгим келмай қолиши мумкин!

2009 йил, октябрь. Брюссель





ҚОҒОЗГА ЁЗИЛГАН СЎЗ ДЕБ ЎЙЛАЙСАН

Сен мактубни оддийгина қоғозга ёзилган сўз деб ўйлайсан, шекилли, унчалик ҳам аҳамият қилавермайсан! Лекин мен мактуб ёзганимда томирларим узилишини билармикансан? Сочларимнинг оқаришини-чи? Сенинг исмингни ёзганимда овозларим бўғилиб қолишини сезасанми? Ҳа, айтгандай, ўшандай тунларда овозларим сенга эшитиладими? Сенга мактуб ёзаётганимда, исмингни пичирлаб айтсам ҳам, бутун дунёга акс садо берадики, бир сенга эшитилмай қолиши мумкин эмас... Мен сени ўқиётганимда, сенинг овозинг билан ўқийман, ишонасанми? Мактубингни ўқиб бўлганимдан кейин ҳам кун бўйи овозларинг муаззин каби эшитилиб туради... кулоқларим остида... Бу нима дегани? Бу қандай саодат?!

2009 йил, октябрь

БОШҚАЧА ЯШАБ БЎЛМАДИ

Ҳаммасига Ўзинг гувоҳсан, Раббим! Босган қадами-
му олган нафасимгача...

Агар шеър ёзиб гуноҳ қилган бўлсам, шу ишни жону
дилим билан қилдим.

Бу дунё билан бошқача гаплашиб бўлмади... Шеър
ёзиб алаимни олдим, хумордан чикдим.

Агар шеър ёзишдай гўзал ибодатим бўлмаганида,
севиш нималигини билмай, яхшилиқни фарқлолмай
ўтардим.

2009 йил. Нидерландия





ЭРТАГА, АЛБАТТА, ЁЗАСАН, ДЕБ АЙТ

Сенга суяниб ўзимни кўтармоқчи бўляпман, зинҳор ўзингни олиб қочма – таскин бер! Бугун ёзмасанг, эртага, албатта, ёзасан, деб айт. Ёзишимга мени ишонтир. Менинг ҳаётимга сен шахдам қадамлар билан кириб келганинг йўқ, сен мен билан бирга туғилгансан. Тўғри, сен урушда бўлдинг, мен эса курашларда омон қолдим. Йўлларим дўстларим ўйлаганчалик равон эмас. Баъзан йиқилиб ўлишга, баъзан ўлиб йиқилишга тўғри келади. Мен ҳар куни умримнинг қайсидир йўллари билан хайрлашгим, қайсидир йиллари томон кетиб қолгим келади. Оғир сукунати билан ўлимни эслатиб турувчи тирилтириш хоналарида сенинг ёш томчилаган киприкларингга осилиб тирилганман. Бирдан тирилиб қолганимни кўрган шифокорлар ёқа ушлашгача боришган. Мен бутун борлиқни ўша кундан кейин яхши кўриб қолганман. Дарахтларидан тортиб қушларигача юрагимга қамаб қўйганман. Дунё билан келишолмай қолган кунларим сенинг юрагингга рухсатсиз кирай, изн бер. Изн бер, мен сени олдингидан ҳам кўпроқ муҳаббат билан севай.

2010 йил, ноябрь. Германия

КЕЧИКИШИМ МУМКИН

Исмимни айтиб чақирган ўша кунингдан кейин мен ҳаёлларимдан ҳам хижолат тортмай қўйдим. Сени йўқотиб қўйдим! Йўқ! Мен бунга асло ишонмайман! Мен сени қайтадан яратдим. Сен аниқлашдинг! Мен энди ҳамма жойда сени танийман! Сен буткул меники бўлдинг. Меники эканинг билан фахрланаман. Неча йиллар олдин, мен ўзимдан кетдим. Ва ўзимдан кетиб сени топдим. Кетаётиб кимгадир айтиб қўйиш истагида атрофимга жавдираганларим эсимда, аммо ҳеч ким йўқ эди. Ҳамма ўзи билан банд... Ҳозир ҳам қаергадир кетиб бораётганимни айтиш учун одам тополмайман. Ҳеч курса, қўлимдаги калитни олиб қоладиган одам йўқ. Эртага қидириб қолишлари мумкин. Мен ўзимни ўйламайпман. Болалигимда дарвозамиз олдида бир кичкина дарахт бўларди, биз калитни унинг шохлари ичига яшириб қўярдик. Бир куни укам эшикни қулфлаган ва калитни қаерга қўйишни билмай, (балки дарахтга бўйи етмагандир) калитни бир тошнинг остига «яширган» ва бир қоғозчага «калит тошнинг тагида», деб ёзиб эшикка ёпиштирган ва мактабга кетган. Укам энди ёзишни ўрганаётган эди, унга ёзиш жуда қизиқ эди. Унинг қий-шиқ ҳарфлар билан ёзилган ўша сўзларини эсласам, юзимда кулги пайдо бўлади. Баъзан ўзим ҳам шундай қилсаммикан, деб ўйлайман, вақт оз қоляпти, шошяпман, ахир! Калит қолдирадиган одамни қидириб топгу-нимча, кечикиб қолишим мумкин...

2017 йил, апрель



СЕНИ КЎРМАСЛИГИМ КЕРАК ЭДИ, ҲАЁТ!

Менинг севгим сенга оғирлик қилди, кўтаролмадинг, ҳаёт! Ҳечқиси йўқ! Айб менинг ўзимда, сени яхши кўрмаслигим ва бунинг учун сени кўрмаслигим, сени кўрмаслик учун эса бу дунёга келмаслигим керак эди... Энди иложи йўқ... Мен бу дунёдаман! Аммо бу дунёдан эмасман. Шунинг учун бир-биримизга ўрганолмаяпмиз. Бир-биримизга оғирлик қияпмиз. Сени кўрган илк кунимдан ақлимни таниганимча, оқ билан қорани фарқлаб олганимча жуда қийналдим. Сени жону дилим билан севдим. Тўғриси, бу севгидан тирик қолишимга ишонмадим... Ёниб кетдим. Ёнаётганимда ҳам сени кидирдим. Лекин сен менга жавоб бермадинг... Лойиқ эмасдинг чунки. Мен буни тушунганимча анча вақт ўтди, ҳаёт! Сенга боришга менда йўл йўқ, ортга қайтишга эса анча кеч эди. Мен ўртада қолдим! Икки дунёнинг ўртасида. Қаерга боришни билмайман, жавдираб атрофга аланглаганим аланглаган. Лекин баъзи-баъзида юрагимнинг ёниши эшитилиб қолади. Мен худди шу лаҳзаларда яшаб оляпман, ҳаёт!

2017 йил, апрель

БИР ОСМОН СОҒИНЧ

Сени соғиняпман! Бу соғинчдан ўлиб қоладигандай-ман гўё! Юрагим янаям оғирлашиб кетган, мени буткул адоийи-тамом қилаётгандай... Ҳаётимдан ташқарига чиқиб, қаергадир югуриб кетгим, овозимнинг борича чунонам дод солиб, исмингни айтиб чинқиргим келади! Қаердасан? Менинг овозим етиб бормайдиган жойдамисан, қаердасан? Бир осмон соғинчни кўтариб келаётган юрак ўлиб қўя қолмаганига ёқа ушлайман. Демак, сабрни ҳам Ўзинг берасан! Тоқатни ҳам...

2017 йил, сентябрь





ҲАММА ТОМОНИМ МУҲАББАТ

Нимаики ёзсам, ҳаммаси сен учун! Юрагимнинг уришидан кипригимнинг силкинишигача сенга қаратилган! Сени яхши кўраман! Бошимни буриб, қаерга қарасам, борсан, тўрт томоним ҳам сен билан тўлиқ. Худойим, шунақаям бўламанми, шунақаям яратасанми? Сени ўйлаётганимда юрагим озгина тўхтаб турса-чи, озгина нафас олволардим. Ҳамма томоним муҳаббат! Кимдандир жаҳлим чиқаётган бўлса ҳам ичимда бир севги чўғдай чарсиллаб ёнаверади. Кимдандир нафратлансам, кимнидир озгина ёмон кўрсам эди. Баъзан жуда хоҳлаб кетаман, кимнидир ёмон кўргим келади! Аммо қўлимдан келмайди, ҳаммасини сен яратган бўлиб чиқаверасан.

2018 йил, февраль



ХУДО ДЕБ ЮРГАН КУНЛАРИМ...

Худо деб юрган кунларимнинг бирида сени учратдим. Бу дунёда кўрган одамларимнинг ҳеч бирига ўхшамаслигинг менинг диққатимни тортди. Сен мағрур ва жудаям ғамгин эдинг, маъюс термиларди кўзларинг! Сен бу дунёда урушлар ичида яшаётганга ўхшардинг. Менинг раҳмим келарди сенга! Туну кун сени урушдан тортиб олиш, менинг дунёмга қайтариш ҳақида ўйлардим. Албатта, бунинг ўзи бўлмади! Сенинг дунёнга неча бор кетиб-келдик... Яхшиям, у кунлар биз яшаб қолдирган кунларда қолди. Сен жудаям беғубор эдинг... Йиғлагим келарди сенга термилиб. Айниқса, киприкларинг менга жуда ёқарди. Кўзларингга айланиб улгурган кунларим мендан бахтли одам бўлмаган! Ва бугун ҳам ўзимдан бахтлироқ одамни кўрмадим... Муҳаббат бизга бу дунёни кўрсатмади... Фақат Унинг борлигини ҳар нафасимизда ҳис қилиб яшадик. Худо деб юрган кунларимнинг бирида сени учратдим... Сен ҳам ўша кунлари Худо деб юрганмидинг?

2019 йил, февраль. Вьетнам



СЕН ТОМОН ЙЎЛДАМАН

Сен қаердасан? Овозим етган жойларда йўқсан? Овозим етмаган жойлар узоқми? Сен қаердасан? Мен сен томон йўлга чиққанимга кўп бўлди, лекин ханузгача йўлдаман! Етолмайман! Энг қизиғи, сени ўзимда эканингни биламан! Билиб туриб соғинаман! Билиб туриб соғинавераман!

2019 йил, октябрь

МЕНИ ЎЗ ҲОЛИМГА ТАШЛАБ ҚЎЙМА

Менга нима бўляпти? Нима қиялман? Аллоҳим, мени шу қадар катта муҳаббат билан яратгансанки, баъзан кўтариб юриш оғирлик қилади, қийналиб кетаман... Бу менга жазомидики, ҳеч кимни ёмон кўролмайман! Бу менга мукофотмидики, «душман»им деган сўз йўқ луғатимда! Аниқ биламан, танамдан ҳам оғир ҳаво-ман! Оғирдан-оғир севгиман! Бу вужуддан ташқарига чиқмадим... Чиқсам, ўзанидан узилган денгизга айланаман. Ҳадеганда йўқолиб кетмайман, чунки мени Сен яратгансан! Яратаётиб, мени қандай бўлишимни истаганинг менга номаълум. Аммо, албатта, яхши бўлишимни Сенга ва Сен яратган ҳамма нарсага муҳаббатли бўлишимни истаганинг аниқ. Аллоҳим, баъзан Сендан кўра яратикларингга муҳаббатим ортиб кетаётганини сезиб қоламан... Шундай вақтларда кўриб кўрмасликка ол, Ё Раббим! Лекин ўтиниб сўрайман, ўз ҳолимгаям ташлаб қўйма!

2019 йил, октябрь

АТРОФИМДАГИ ОДАМЛАРНИНГ БИРИ ЭДИМ...

Сиз тасаввур қияпсизми, саккиз йил ёзмай яшаш нима эканини? Аслида, саккиз йил яшамай яшашдай гап! Менга тонг билан туннинг фарқи йўқ эди... Ёмғир ёғадими, корми, шамол эсяптими, осмонда ой борми ёки юлдузларсиз қолганми осмон, кўзимга кўринмаган. Атрофимдаги одамларнинг бири эдим. Ичимдан тополмай қолдим ўзимни... Қаерга кетгандим? Қаерда яшадим саккиз йил? Ўшанда ҳам тирикмидим? Аллоҳнинг раҳми келса, ҳеч нарса эмас экан, шошириб қўяркан. Нима қилишингни билмай қоларкансан! Тезроқ! Тезроқ ёзиб ололсайдим... яна... яна... ҳамма томоним Сўз! Сўзлар куршовидаман! Нафас олиш кийин, нафасингга Сўз қадалади! Бундай лаҳзаларнинг гадоси эдим кеча... Кечада ҳам бор бўлганмидим? Юрагим урганмиди, тирик эканимни нимадан билардим? Яшаётганимни-чи? Аниқ эсимда, ёзсам, ёзақолсам-чи, дердим Худога. Ёзаётганимда ўлиб колсам-чи, деб қўшиб қўярдим яна... Ичим олов бўлиб ёнаверарди. Мен оловларда ўлим рақсини тушардим. Ҳар айланганимда, оғзимдан ўлик сўзлар билан ўлолмаётган туйғулар сочиларди атрофга! Шамолнинг раҳми келарди... Ёмғир кўзларини катта очиб деразамдан мени қидирарди. Мендан умидини узган қор ерга сингиб кетаётганда, шунақаям аянчли жавдирардики, қанча қарамасликка ҳаракат қилмай, кўриб қолардим... Аммо пинагимни бузмасдим, безга ўхшаб тураверардим. Ҳаммасига кўниккандим, тақдирга тан



бергандим... лекин... ичимдаги шовқинга, бир-бир жон таслим қилаётган туйғулар шовқинига чидамоқ мушкул эди... Ва бир кун нимаям бўлди-ю, сен келдинг! Сен билан бирга кўзимга ёш келди. Мен ҳаммасини эслаб қолдим. Сўзлар шу қадар тирик эдики, мени ўз қўллари билан бўғиб ўлдирсалар ҳам лом-мим деёлмасдим. Чунки мен уларни жуда соғинган эдим...

2020 йил, июнь



СЕНИ СОҒИНЯПМАН!

Ич-ичимдаги жимликдан ёрилиб ўлмасайдим! Қон-талаш руҳимни ёриб ёруғлик қидираман, Сени соғинаман, Худойим! Елкамдаги оғирдан-оғир думалоқ бошни кўтариб чексизликларга термиламан, киприкларим нигоҳларимга санчилади ва бир лаҳзада сукунат жон талашгандай қайгадир ғойиб булади. Нега Сен ҳақингда олдинроқ ўйламадим? Осмондан дарвоза қидирган тунларим ҳам менга яқин эдинг-ку, нега билмадим? Сенга бориш учун ўлиш шарт, деб ўйлаган кунларимда ҳам Сен мен билан эканингни нега билмадим? Ақлим шу қадар қисқамиди? Мени Сенга фақат ўлим олиб боради, деб ўзимни ишонтирганимда, менга раҳминг келганини энди тасаввур қила оламан!

Ўлмасимдан кетаман Сенга! Бу муҳаббат, бу соғинч билан узоқ қололмайман бу ерда, мени кечир! Мени кечир, юрагим титраб турибди ҳозир, кўзим тўла ёш. Йўлга чиққан одамни ортига қайтарма, илтимос. Ўлиб қолишим мумкин!



СЕН ЁШ БОЛА ЭДИНГ...

Ўша куни сен ўзингни кўрмадинг... Қанийди кўрсанг! Балки кўрмаганинг яхши бўлгандир... Ўзингни яхши кўриб қолардинг аниқ! Ўша куни сен ёш бола эдинг... Шундай тоза эдинг, шу қадар беғубор. Инсон ҳаёти давомида бундай қиёфа билан жуда санокли дақиқалардагина яшаса керак. Мен ўша ҳолатингни ҳозир эсласам ҳам йиғлайман. Ўзинг ҳам бир эслаб кўр! Эсингга тушдими? Сен менга гапираётган пайтинг сен ўзингда эмасдинг, шунинг учун ҳам эслолмасанг керак! Сен мен эдинг! Ҳатто кўзларингдан қуйилиб ёш оқаётган пайт сен Худонинг даргоҳидамидингки, нурларга қоришиб кетдинг. Кўзларим ҳеч нарсани илғамай қолди. Қаердалигимни ҳам унутиб қўйдим. Ҳамма нарса эсимдан чиқди... ва ўша куни билмас эдимки, бу хотирага айланган кунлар мени умрим бўйи таъқиб этишини. Ва умр бўйи мен билан ҳамма сонияларимгача бирга яшаб қолишини билмасдим! Менинг хотирам у қадар ҳам яхши эмасди. Эслаб қололмасдим... унутиб қўя қолардим, яхшиси. Ўша куни ўша кунги сени қандай ёдлаб қолдим экан? Шу кунгача қандай унутиб юбормадим экан? Энг юқори даражадаги фотоаппарат ҳам бу каби тиниқ суратга туширолмайди. Агар озгина ўйлаб олсам, кўзингдан оққан ёшгача саноғини айта оламан. Киприкларингни силкинишигача чизиб беришим мумкин. Сен айтган сўзлар вергуллари, нуктаси, мусиқаси билан ёдланган! Улар менинг онгимни ҳар кун емириб бораётирки, мен бу оловдан ҳеч қаёққа қочолмайман,

бунинг ҳеч иложи йўқ. Юрган йўлимга куйган сўзлар тўкилади. Ҳар қадамим одам шаклидаги сўроқлар билан тўла! Мени бир умр исканжага солиш учун атайлаб ҳозирланган ўша кун мени у дунёга кузатаётган пайт ўзи ҳам ўзини ўлдирса керак...





СЕНИ ЎҚИЯПМАН, ҲАЁТ!

Ҳарфларни энди таниётган каби ўқияпман... Ҳиж-жалаб ўқияпман тушунмай қолишдан кўрқиб! Ҳали ҳеч қачон билмаган мамлакатим ҳақида биринчи марта эшитиб қолган каби ич-ичимдан бир хўрсиниқ билан ўқияпман сени... Кўзимдаги ёмғирлар аввал қорга, сўнг эса кучли изғиринга айланди. Энг ёмони, кўзимдан тушаётгани ҳам қўл ушлашган сўзлар эди... Мен эса сўзларнинг супурувчиси эдим. Катта-кичик ҳарфлар териб чиқилган сенинг кўзларинг мен биринчи марта ўқиган энг яхши китоб бўлса керак! Сен қайси жавонда эдинг, қайси қаторда? Қаерда, қандай китоб билан ёнма-ён эдинг? Сени мендан қайсидир ёзувчи тўсиб турганмиди? Кўринмай қолганмидинг қайсидир китоб ортида? Қизил муқовали китобларнинг ичидаги яшил китобмидинг ёки мен севган жигарранг китобми? Балки варақлари ғижимланиб, ўқиб бўлмай қолган, лекин менга ёд бўлиб кетган китобдирсан. Нима бўлса ҳам бормидинг ёки ўзим ёздимми сени? Аммо... мен сени қачон, қанча ўқисам ҳам тугатолмайман... Ёзсам ҳам! Сен ҳеч қачон тугамайсан... Сен бу дунёдан кетганимга қадар мен билансан! Фақат... фақат баъзи саҳифаларингни ўқиёлмайман. Баъзи саҳифаларингни ўқийин десам, тополмайман, қаердадир йиртилиб қолган. Ёки сен аввал ҳам кимнингдир китоби бўлгансан, кимлардир севиб ўқиган сени. Аммо, унутма, сени ҳеч ким мен каби севиб ўқимаган. Ҳар бир ҳарфларинг билан бирга яшамаган. Шунчаки, бу кенг дунёда зери-

киб қолмаслик учун сени қўлига олган-у, бироз фурсат ўтиб, тош қотиб ухлаган...

Бугун эса менинг қўлимдасан, ҳаёт! Энг ишончли қўлдасан, ишон! Мен сени бутун идроким, фаҳму фаросатим билан ўқияпман! Бирор сўз тугул бирор ҳарф тушиб қолишидан қўрқаман. Чунки эртага тасодиф бўлиб, қаердадир сенга дуч келсам, танимай ўтиб кетишингдан қўрқаман! Ҳечқиси йўқ, мана ҳозир ҳам қўлимдасан. Мен сени ҳижжалаб ўқияпман. Кўзларим бироз чарчаган, аммо сени ёстигим остидан ҳам қизғонаман.

Энди мен бу дунё билан хайрлашганимга қадар сен мен билан хайрлашолмайсан!





НАҲОТКИ, КЕТАЁТГАНЛАРНИНГ БИРИМАН?

Аллакимга ўхшаб қолганман! Ўзимда эмасман. Ўзимдан кетганман. Сенга кетсам-ку, майли эди, Сениям тополмайман. Қаердаман? Қаерга кетдим? Наҳотки, кетаётганларнинг бириман? Ахир, ҳали ҳеч нарса қилганим йўқ-ку... Битмаган ишларим кўп. Чала ётганлари канча. Шу бугунимгача қўлладинг. Шу бугунгача бирор лаҳза ташлаб қўймадинг. Бирор лаҳза... Ҳар ҳолда мени яратаётиб, ишларимнинг ўлда-жўлда бўлиб қолиб кетишини истамаган бўлишинг керак, Раббим! Ўтинаман, илтижо қиламан, менинг сўз куршовидаги арслонники каби панжаларимни парчалама, бургутники каби тиш-тирноқларимга зиён етказма, ярим йўлда ҳалок этма! Менга яна ёрдам бер! Ахир, мен Сен хоҳлагандай одам бўлишни истаганман. Ҳали ярми ҳам бўлганим йўқ! Яна озгина имкон бер! Шундай имконият берки, жоним энг сўнгги умидини узгунига қадар ҳафсалангани пир қилиб қўймайин!

СИЗГА МУРОЖААТЛАР





ОНАМ ТУШ КЎРМАЁТГАН ЭДИ

Онамга сиз ҳақингизда гапириб бердим... Онам, туш кўряпман, шекилли, туш кўраётган бўлай, деди секин пичирлаб. Онам туш кўрмаётган эди... Мен ҳақиқатни айтгандим! Шундоғам шунча ой ўзим билан ўзим курашдим! Агар уй бўлганимда аллақачон кулаб тушардим. Тавба, онамга айтиб анча енгил тортдим! Қушдай учиб-қўниб юрдим! Кечга бориб негадир онамнинг пичирлаган овози эсимга тушди... Телефонга ёпишдим! Бехосдан онамнинг овозини танимадим! Вакуумдан келаётганга ўхшарди овоз! Сизга нима бўлди, деб сўрадим хавотир аралаш! «Ҳамма нарса», деди онам. Мен жим қолдим, ҳайрон қолдим! Ўзимга қарадим... қушдай енгил эдим...

1989 йил, октябрь



ИККИМИЗНИ ТАҚДИР ТАҚДИРЛАДИ

Қор ёғмоқда... Бошдан товоним қадар қорнинг ичидаман. Менинг сўзларимни нотўғри тушундингиз, нима ҳам қилардимки, тушунтиролмасам... Ўша куни шу қадар жазавага тушдимки, ўзимни иккинчи қават ойнасидан отиб юборишимга оз қолди. Аммо тўғриси айтишим керак, сизни айбламадим! Сизни тушундим! Сиз жуда ақлсиз, мен ўйлаганимдан минг карра кўп... миллион баробар кўпроқ ақлсиз. Сизни жуда яхши кўраман! Иккимизнинг илоҳий туйғуларимиз бир ерда бирлашган, бунга шак-шубҳа йўқ. Иккимизни тақдир тақдирлаган, иккимизни ҳаёт учраштирган! Бўлди, биз бошқа нарсаларни ўйламаймиз! Агарки, тақдир тақдирламаса, учрашиш мумкинмиди, севиш мумкинмиди? Дунёда қанча одамлар бор, ёнимиздан бир кунда қанча одамлар ўтади... Худди шуларнинг бири каби ўтиб кетиш ҳам мумкин эди. Худога шукр, ўтиб кетмадик! Ўтиб кетаётган ҳаётни ўзимиз билан олиб қолдик! Биламан, ҳозир сиз жуда дарғазабсиз! Кўнглингизга чироқ ёқса, ёришмайди. Ташқарида ёғаётган қорнинг ҳам сизга қизиғи йўқ. Фақат бир гапни айтмай, бу дунёда бирор бир олижаноб буюк қалб бўлса, ўша сизники! Агар бу дунёда биргина садоқатли ва бахтли юрак бўлса, ўша меникидир! Ҳеч қачон, ҳеч қачон унутманг, унута кўрманг, мен сизни бир умр яхши кўраман! Сизнинг ғамга ботган каби кўринган маъносиз кўзларингизнинг туб-тубида менга аталган муҳаббат бор. Сиз овора бўлманг, мени



унутишга ҳаракат қилиб ўтирманг, барибир унутол-
майсиз! Илоҳий муҳаббат Аллоҳ томонидан берила-
ди, Аллоҳ бергани эса абадийдир! Мактубимга нуқта
қўйишни истамаяпман! Худди севгимга, ҳаётимга
нуқта қўядиган каби! Айтгандек, кеча бир шеър ёз-
дим. Ўшанда ҳам худди шу ҳолатим акс этди. Қор-
лар ёғиб турди шеъримга. Кўзимдаги ёмғирлар билан
нуқта қўйдиму додлаб юбордим! Сизни жуда яхши
кўраман!

1989 йил, ноябрь



МЕН СИЗНИ РАШК ҚИЛДИМ!

Сиз мени хафа қилдингиз... Икки кун ичида сиздан эшитган биринчи гапим шу эди. Ё Худо, бу нима деган гап?

Мен сизни хафа қилганим йўқ, мен сизни рашк қилдим. Лекин сизга айтмадим. Ўзимдан оғир севги билан безрайиб туравердим. Қайсидир қизни гапирганингизда кўзларингиз ёниб кетди... Мен эса кўкариб қолдим! Бу қадар адолатсизликка чидолмадим. Бутун дунёни ўлдириб қўйгим келди! Титрайвердим, титроқларим бутун атрофга ёйилиб кетди. Атрофимдаги ҳамма нарсанинг менга раҳми келди шу куни. Ҳар ҳолда менга шундай туюлди. Ҳар ҳолда, аниқ шундай эди! Кўз ёшларимни яшириб йиғладим. Кўз ёшларимни, азобларимни ошкор қилмадим, ғурурим қўймади. Шу куни биринчи марта юзингизни кўргим келмади. Биринчи марта сиз билан хайрлашгим ва ўлгим келди!

1990 йил, апрель



ОҒРИМАГАН БОШИМНИ ОҒРИТДИНГИЗ...

Мен Сизни севганим учун айбдор эмасман, деб
ёзган эдингиз сўнгги мактубларингизнинг бирида!
Лекин мен севганим учун Сиз айбдорсиз, Азизим!
Соғинганим, азоб чекканим учун миллион марта кўп
айбдорсиз! Оғримаган бошимни оғритдингиз, севиш-
ни ўргатдингиз ва даҳшатли соғинч билан мени жазо-
ладингиз! Сизни кечиролмайман! Кўзларимдан оққан
хар томчи учун нариги дунёда жавоб беришингизга
тўғри келиб қолса, мени чақиринг, мен етиб келаман!
Мабодо, мабодо оёқларингизга ўзимни ташласам,
мени ушлаб қолманг, мени ўзимга қўйиб беринг, уял-
манг! Чунки менинг кўзларимда қолиб кетган ёшлар
бор! Муҳаббат бор ҳали эгасига етиб бормаган!

1990 йил, июнь



СИЗСИЗ ВА ЁМҒИРЛАРСИЗ

Сизни бу дунёда кўрганим ростми, азизим! Йиғлаганим, севганим ва шеър тўлғоғида ўлишимга рози бўлганим-чи? Яшаганим ҳақиқатми? Бу дунёни Сизсиз ва ёмғирларсиз тасаввур этолмаганим-чи? Тунга ўз уйимдай қараганим, шамоллар, дарахтлар ва қушлар билан дўст бўлганим ёлғонмасми? Чунки бу дунёни ёлғончи дейишади. Ёшлигимдан шу сўзни ёмон кўраман. Бу дунё ёлғон бўлса, нега келдик биз? Келиб нима қилардик? Бизга ҳам осон бўлгани йўқ-ку... Одамлар нотаниш, бегона жойлар... Биринчи марта бўлишимиз эди бунинг устига! Яхшиям, кўзимни очган маҳалим энг биринчи онамни, сўнг дадамни кўрдим ва яна аллақандай икки аёл бор эди, уларни қайтиб кўрмадим. Менинг биринчи ҳайратим – ёруғликдан кўзим қамашиб кетган бўлса, туннинг ёпирилиб кириб келишидан юрагим ёрилиб кетай деган. Кўрқиб кетганман. Кейин эса бу ҳолат оддийлашиб борди, секин-секин ўрганиб қолдим. Нафақат ўрганиб қолдим, балки тун менинг энг хавфсиз уйимга айланди. Мен ҳар кун туннинг қорасини кўришим билан хурсанд бўладиган одат чиқардим, яйраб кетаётганимни одамлардан яширолмай қийналдим. Ва бора-бора атрофимдаги олам хабар топди, одамлар ҳам билиб қолишди. Менинг тирик туришим, тонг отса ҳам яшаб кетишим учун қулай бўлган бу мамлакат кўпчиликнинг ғашига тегди. Сиз ватанни қуёшсиз кўришни хоҳлайсиз, дейишди менга. Мен инда-



мадим. Нега тушунтиришим керак? Шундоқ ҳам бу дунёда кўп нарсa эсимда қолмади... Эсимда қолгани – сиз ва шеърларим! Чунки мен сизни топганимда ўзимни йўқотган эдим!

1990 йил, август



ЭНДИ МЕН СИЗМАН

Мени бу дунёга ишонманг! Мени бу дунёга қолдириб кетманг. Шамоллар синдириши мумкин кўнглимни! Ёмғирлар чўктирар ернинг остига. Наҳотки, наҳотки, билмадингиз, ҳар бир инжиқлигимда, ҳар бир сўзимда муҳаббат борлигини, муҳаббат яширинганини! Соғинч мени кундан-кун адойи тамом қилаётганини, наҳотки, билмадингиз? Мен кимга айтишим мумкин эди бу ҳақда? Энг ишончли инсон – онам мени тушунмаганда, яна кимга оғиз очишим мумкин эди? Ўзингиз айтганингиз каби, бу ҳаётни ушлаб туролмаймиз-ку... Бу дунёни олдимизга солиб қуволмаймиз-ку... Ҳаётнинг оёқларига бош қўяйми? Дунёнинг этакларига осилайми? Нима қилай, нима десангиз, ҳаммасини қиламан! Мен энди буткул мен эмасман! Бошқа одамман! Бошқа одам бўлиб туғилдим бугун! Сиз мени қандай кўришни истасангиз – ўшаман! Энди мен сиз истаган одамман! Сизнинг истагингизман! Энди мен сизман!

1990 йил, октябрь



АТРОФИМДАГИ ҲАММА НАРСА СИЗ ЭДИНГИЗ

Сиз менинг бутун дунёмни ўзингизники қилиб олдингиз! Ҳеч йўқ, бир оғиз сўраш керакмасмиди? Ҳеч йўқ, бир жумла айтиб хат юбориш мумкин эмасмиди?.. Биз бу ҳаётдан ўч ололмаймиз, биз бу ҳаётни олдимизга солиб қуволмаймиз! Биз ҳеч ким билан урушолмаймиз! Энг қизиғи, айбимиз ҳам йўқ, гуноҳимиз ҳам! Фақат Худонинг олдида қарзимиз бор, ҳеч қачон унутиш мумкин бўлмаган қарз! Бир тасаввур қилиб кўринг, сиз қаерда туғилдингиз, мен қайси дунёни макон этдим? Иккимиз икки хил дунё одамларимиз! На одамлари ўхшайди, на шакл-шамойили! Аммо мана шу икки дунё бир нуктада бирлашди! Ҳамма нарса Худога осон экан! Агар марҳамат кўрсатаман, деса, шундай осонлик билан истаганингни ёнингга келтириб қўяркан! Биласиз, киприкларингиз менга жуда ёқади. Кўзларингизни-ку жинниси эдим! Иккимиз йиғлаган вақтлар улар шу кадар чиройли бўлардиларки, қараб, нега йиғлаётганимни эсимдан чиқариб қўярдим. Кўзларингиздан дур тўкиларди... Кўзларингиздан нур тўкиларди! Мен уларнинг меники экани ҳақида ўйлаганимда, бу дунёга сиғмасдим. Улар менга ҳаётдан, битта эмас, минглаб ҳаётдан кўра кўпроқ керак эди... Биз кўчада юрганимизда ҳамма бизга қарарди... Ёки бизга шундай туюларди! Биз оёғимизни ерга қўймасдик, ҳаволарда учиб-учиб борардик! Дарахтлардан тўкилаётган япроқлар шун-

чаки япроқлар эмасди... Улар бизнинг келишимизни билган, баҳордан шу кунгача бизлар учун тайёргарлик кўрган, аммо бизни кўрганда ўзларини йўкотган, нима қилиш кераклигини унутган байрам аскарлари эди... Ўша кун эсингиздами, йўлимиздан бир мушукча чиқиб қолгани. Сиз жуда меҳрибонсиз ёки менинг олдимда ўзингизни шундай кўрсатмоқчи бўлдингиз, уни эҳтиёт қилиб бошини силадингиз... У ҳам қочиб кетмади... Бошларини қўлларингизга суйкалай бошлади... Мен йўлни давом эттирдим, акс ҳолда мен сизни мушукчадан қизғанаётганимни билдириб қўйишим мумкин эди. Сиз кулгиларингизни юзингизда ифода этганча ортимдан эргашдингиз, одамлар бизга ҳавас билан қараётганларини айтдингиз... Мен ҳайрон қолдим... Чунки мен ҳеч кимни, ҳеч нарсани кўрмасдим! Атрофимдаги ҳамма-ҳамма нарса сиз эдингиз!

*1990 йил, октябрь.
Талабалар шаҳарчаси*





ҚЎЛИМДАГИ СУРАТИНГИЗ БИЛЛУРДАЙ ЯЛТИРАЙДИ...

Яна озгина қолди... Ҳаммаси ўтади! Ҳамма-ҳаммаси... Фақат бироз кутинг! Сабр қилинг. Сабрингиз чидамаса, биз кечирган кунларни эсланг. Биз кечирган кунларга қайтинг. Бир соат... ярим соат... ҳеч йўқ, ўн беш дақиқа! Мени тушунишга ҳаракат қилинг. Ўзим ўзимни тушунмаганим билан, биламанки, мени тушуниш у қадар қийин бўлмаса керак. Ташқаридан сизга кўриниб турган томоним унчалик ҳам мураккаб эмас. Ҳамма гапни кўзларим айтиб туради. Кечадан бери тинмай оқаётган ёшларим кўзимдаги сура-тингизни ювиб, биллурдай ялтиратиб қўйди. Фақат кўрқаманки, бошқа одамга айлантириб қўймасин! Сизни қандай севган бўлсам, шундай қолинг! Ақлингиз, истеъдодингиз, қарашларингиз, кўринишингиз, инжиқлигингизу ғуборларингизгача шундай қолишини хоҳлайман. Менинг ҳаётимга кириб келган кунингиз қандай кириб келган бўлсангиз, шундай қолинг! Шиддатингизу шижоатингизгача... Ҳозирча озгина чиданг! Кўп эмас, озгина қолди! Озгина...

1990 йил, декабрь

СИЗ НАФАС ОЛМАГАН ҲАВОЛАР БИЛАН ЧИҚИШОЛМАДИМ

Мен болаликдан самолётларни яхши кўрардим... Уйимиз тепасидан учадиган самолётлар ортидан қўлларимни кўтарганча қолиб кетсам ҳам уларни кутардим, овозини эшитишим билан кўчага югуриб чиқардим. Юқорида мени Кимдир кузатиб турганини бола қалбим билан сезардим, покиза нигоҳларим билан ҳис этардим. Шу бугун самолётларни биринчи марта ёмон кўрдим! Сизни бошқа дунёларга олиб кетадиган самолётлар биринчи марта кўзларимга балодай кўринди. Кафтларим билан юзларимни дунёдан тўсиб аччиқ-аччиқ йиғладим. Уй кўзимга тузоқдай кўринди. Ҳозир, шу вақтнинг ўзида тез чиқиб кетмасам, мени ушлаб қоладигандай ўзимни кўчага отдим. Оёғим юрган тарафга кетдим. Менга фарқи йўқ эди. Нафас олармидим, бу ҳам унча аҳамиятли эмас. Кеча бизга ҳавас қилиб қараган дарахтлар бир кунда япроқларини тўкиб юборган, агар оёқлари ерга боғлаб қўйилмаган бўлса, ортимдан етиб келиб менга далда берадигандай ачинар, бутун вужудидан титроқ тўкилаётганга ўхшарди. Менинг эса кўз ёшларим сиз нафас олмаган ҳаволар билан чиқишолмас, уларнинг юзига чанг солаётганга ўхшарди.

1999 йил, октябрь



КЎЙЛАКЛАРИНГИЗНИ ЮВИБ...

Китобим орасидан бир мактуб топиб олдим. Қўл билан ёзилган, ҳатто тузатишга ҳам улгурилмаган мактуб...

Эсладим, мен уни ўтган йили баҳорда ёздим-у, эгасига ҳам топширолмаган эдим.

«Дунёда мену сиздан бошқа ҳеч ким йўқ, ҳеч ким бўлмагандай гўё... Кўйлакларингизни ювиб, дорга илмоқдан қанчалар завқ олаётганимни билсангиз эди... Уйимизнинг тўғрисида солланиб турган дарахтлар атайлаб биз учун экилгандай... Ҳа, ҳа, биз учун экилган улар... Қандай ҳолат бўлишидан қатъи назар, дунёни ҳеч қачон сизсиз тасаввур этолмаганман. Ишонинг, кўзларим қаърига ботиб бораётган сурачу сийратингиз бунга ҳеч қачон имкон бермаган. Аммо менинг яхши кўришимга шубҳа билан қарашингизни сезаман. Бу менга ҳақоратдай туйилади...»

2003 йил, сентябрь

ЁНИМДАН ЖИМГИНА ЎТИБ КЕТИНГ...

Мен жуда хотиржамман. Шу қадар сокинманки, тинчгина оқиб кетаётган уммонга ўхшайман. Фақат ичимга нигоҳ солманг, қандай оқаётганимга қараманг! Мени ташқаридан кузатинг. Баъзида тўлқинлар қонга айланганини кўриб қолсангиз, ёнимдан жимгина ўтиб кетинг. Ортингизга қарамай кетинг. Юрагимдаги ғалаёнлар бош кўтариб қолмасин. Унда мен ўзимни ушлаб туrolмайман! Ер ўз ўқидан чиқиб кетиши мумкин. Бу дунё шундай бераҳм бўлгани билан баъзида менинг юрагимдан юлдуз ахтариб юрганини кўрсам, дод деб юборай, дейман.

Бошимни қаерга уришни, кимга ёлборишни билмай қоламан. Бир гап айтсам, ҳеч кимга айтмайсизми, фақат ҳеч кимга, ҳеч қачон айтманг, илтимос! Мен бу дунёда бўлмасам ҳам айтиб ўтирманг, барибир, эшитаман... Тўғриси айтсам, мен ҳам жонимни қийнаб юбордим. Шундай азобладимки, қотил ҳам ҳатто душманига бу қадар азоб бермайди. Мен уни ўлишга ўзим мажбур қиляпман. Ҳали кўпроқ яшаши мумкин эди... аммо...

2006 йил, август



ИККИМИЗНИНГ ХОНАМИЗ ЁРУҒ

Ярим кечаси эшикни тақиллатмасдан очиб даҳ-лизга чиқдим. Узун йўлак мени ошхона томон олиб борди. Газга қаҳва учун сув қўйдим. Деразадан тун-ни томоша қилиб, тўсатдан сизнинг чироқлари ёниқ хонангизга кўзим тушди. Қувониб кетдим. Чарчаган бўлишингизга қарамай, демак, ухламагансиз. Демак, бу тун ичида бир ўзим эмасман...

Икки дўлчани қаҳва билан тўлдириб, сизнинг эшигингиз томон юрдим. Қўлимдаги дўлчаларнинг бирини стол устига қўйиб, эшикни очдим. Сиз ёзар-дингиз. Менинг кириб келишим ҳеч қандай аҳамият касб этмаганидан норизо бўлиб, сизнинг қаҳвангизни столингиз устига қўйдим.

Сиз шундагина бошингизни кўтариб қарадингиз ва ёнингиздаги стулга ишора қилдингиз. Мен ўтирмадим. Сизни бирпас пойлаб турдим. Ёзаётганингизни кўриб менинг ҳам ёзгим келди. Хонангиздан отилиб чиқиб, ўзимнинг хонам томон чопиб кетдим. Мен ҳамма нарсани унутдим. Қоғозларим сари шўнғиб кетдим. Қанча вақт ўтди, билмадим, эшик очилганини пайқаб, елкам оша қайрилиб қарадим. Сиз. Қўлингизда мен унутиб қолдирган дўлча. Столимга яқин келдингиз. Мен сизни ўтиришга таклиф қилдим. Сиз ўтирдингиз. Қизариб кетган кўзларингиз ухламаганингиздан нишона. Негадир шу пайт сизга раҳмим келиб кетди. Аммо менинг ҳам кўзларим сизникидан кам эмас. Бироз дам олмоқ илинжида икковлашиб кўчага чиқдик.

Ҳамма ёқ жим-жит. Боғ айландик. Дарахтларни томоша қилдик. Баланд-баланд уйларнинг олдидан ўт-

дик ва англадикки, фақатгина иккимизнинг хонамиз ёруғ. Назаримда, хонамиздаги чироқлар ҳеч қачон ўчмайдигандай туйилди.

2006 йил, октябрь. Дўрмон





МЕН НИМА ДЕЁТГАН ЭДИМ?

Хонамда эдим... Мени чақирдингиз... Иккинчи каватдан учиб тушдим. «Қайси кўйлагимни кийсам бўлади, бугун муҳим учрашувим бор». Ҳайрон қараб қолдим. «Сизга нима деётган эдим», мен сўрайман сиздан. «Ҳеч нарса, ҳозир тушдингиз-ку!» Мен баттар ҳайрон бўламан, «Йўқ, мен сизга нимадир деётган эдим...» Энди сиз ҳайрон бўласиз! Мен эса айтаётган гапимни тополмай қийналиб кетаман, «Ахир, мен муҳим гап айтаётгандим, жуда муҳим эди... Наҳотки, унутиб қўясиз!» «Барака топинг, биз сиз билан беш-олти соат ичида бир сўз ҳам гаплашмадик». Мен эса беш-олти соатдан буён тинмай гапиргандайман. Сизни кузатиб, хонамга қайтдим... Столим устидаги қоғозларни кўриб нима деётганим эсимга тушди. Йиғлаб юбордим... Мен сизга мактуб ёзаётган эдим! Дарҳол телефонингизга смс ёздим, узр сўрадим...

2017 йил, октябрь

БИР ОСМОН ЙИҒИ

«Мен сени соғиндим...» Уйдан чиққанимга ҳали тўрт кун бўлмабди-ю, соғинишга бало борми, дерсиз! Эринмасангиз, ҳисоблаб чиқинг! Соатларга айлантинг, дақиқаларга бўлиб ташланг... Бирор сония тушиб қолмасин! Бир кучоқ вақт ҳосил бўлдимиз? Бир осмон йиғи-чи? Шошилманг, қўлингиздагини қўймай туринг, шу ерда жуда ичкаридан мен чиқиб келаман қўлларимда мактублар билан! Ва Қўчқор Норқобилга аталган шеърлар...

2018 йил, 25 ноябрь. Тайланд





СИЗГА МАКТУБ ЁЗДИМ

Сизга мактуб ёздим – само бағридан гапиряпман, нега жимсиз? Бирор сўз демайсизми? Шу ҳолда осмон татийдими? Коинот кўнглимга сиғармикан? Ўз ҳолига ташлаб қўйилган юрак кўксимга оғирлик қияпти.

Ойнадан қарайман, кулранг булутлар ичидан мени олиб учаётган учоқнинг ҳаворанг қанотлари кўринади. Кўзимдан тиркираб ёш оқиб тушади. Нега эрта-лаб туфлингизни артаётган маҳалим сизга яхшилаб қарамадим? Ҳаёт хаёлимни банд этганмиди, рангсиз дунё ичида ўралашиб қолганмидим? Нега дарвозага-ча бормадим, нега музлаб қолдим, оёқларим устида хаёлларим кўзғолон қилишини билардимми? Сочларимнинг исён кўтаришини-чи?

Киприкларимни кўтариб қорачиқларимга қарайман – аллақачон кетиб бўлгансиз! Шошқалоқ ҳайдовчингиз бошқа дунёларга учириб кетган. Шамолнинг изи ҳам йўқ. Мен ҳам ортингиздан чиқдим-у, кўланкаларим устида судралиб кетавердим кўм-кўк жомадонимни судраб. Кўзларимда қорга айланолмаган ёмғир билан осмон зинапояларидан чиқиб бордим.

Стюардесса само пештоқидан жойимни кўрсатди. Биринчи ўриндикдаги икки хорижлик кўзларини юмиб, кулоқларидаги овозтўсгичдан кўлларини олмай тебраниб ўтиришарди. Коинот жим. Осмоннинг парвойи фалак! Менинг хаёлларим ҳавода қолди – икки ярим соатгина наридасиз! Менинг икки ярим соат нарида қолган ватанисиз!

2018 йил, декабрь. Боку



ЎЗИНГИЗ ТОҒГА АЙЛАНАСИЗ

Бир орзу йўлида йўлга отландингизми, қатъий бўлинг! Қайта кўрманг! Тиш-тирноғингиз билан ҳаракат қилинг. Дунёни эшитинг, томирларингизга кулоқ солинг. Тўғри, ўқишдан йиқилиш ҳаётда йиқилишнинг олдида ҳеч гапмасдир. Лекин руҳингиз чўкиши турган гап. Тоғ пастдан қараганингизда ҳайбатли кўринади, унга яқинлашганингиз сари кичрайиб боради ва бора-бора ўзингиз тоғга айланасиз!

2019 йил, январь





МЕНИНГ ЧАКАГИМ ТИНМАЙДИ

Вьетнамда сиз яхши кўрадиган ҳаво! Осмон қоронғу тусда – шоирона кайфиятда! Колумбиялик шоир шеър ўқияпти. 2006 йили биз боролмаган Меделлиндаги фестиваль эсингиздами? Ўша фестиваль ташкилотчиси! Яхши шоир ҳам! Испан тилида Вьетнамни тараннум этапти... Мени эса сизга нималардир ёзгим келади. Одатда бундай ҳавода икковимиз сайрга чиқардик, дарахтларни томоша қилардик, қунишиб турган қушлардан баҳс этардик... Ёмғир томчилаётган бошласа, бизга Худонинг бергани, ивиб кетганимиздагина уйга қирамиз. Ўқиган китобларимиз ҳақида гап кетганда, менинг чакагим тинмайди... Ҳаяжондан энтикиб кетаман! Сизни таъсирланаётганингизни кўрганимда эса ўзимдан қўшиб-қўшиб айтаман. Сизни яхши кўраман!

*2019 йил, 17 февраль.
Вьетнам, Ханойи*





ЯХШИЯМ БОРСИЗ!

Сизга қараб, бу дунёда борлигимни ҳис қиламан!
Сизнинг борлигингиздан яшаётганимни англайман.
Мен ҳаётга кетаётиб, сизга қараб ўзимни тўғрилай-
ман! Яхшиям туғилгансиз, яхшиям борсиз!

2019 йил, март





ЎЗИМНИ ҲАМ СИЗ ДЕБ ЎЙЛАГАНМАН

Анча бўлди сизга овқат пишириб беролмадим... Сизга қилиб беролмаганларим негадир менга сиздан узоқлашган вақтларим кўпроқ аён бўлади! Сизга ҳеч нарса қилиб беролмаганимни айтадиган энг сўнгги кун келгунча нима қилиб берай, айтинг! Нима қилиб берайки, сиз мендан кўпроқ миннатдор бўлсангиз! Ва мен ҳам энг яхши кўрган конфетини қўлга киритган боладай сакрасам. Конфетини ҳаммадан қизғанадиган боладай кафтларим ичида олиб юрсам сизни! Шира бўлиб кетган бармоқларимга ҳаваслари келиб қараган болаларга кўз-кўз қилиб бармоқларимни ялаб мактансам! Мактанчоқ қиёфамни кўз олдимга келтириб, мен учокда учиб боряпман. Ёнимда хорижлик аёл. Ҳали у билан гаплашмадим, саломлашдим, холос!

Негадир ёзиш эҳтиёжим бор, кайфиятимни ушлаб туришим керак. Ҳозир овозим ҳам менга халал бериши мумкин. Жуда кўп синаганман, кўзимдаги сиз билан кўзларингизга қараганимда ўзимни кўриб қолиб кўркиб кетганман! Демак, мен ўзимни ҳам сиз деб ўйлаган бўлишим керак! Азизим, ҳаёт мени кўп синаяпти. Лекин мен бу синовларда ўзимни йўқотмайман. Бу шамол дунёнинг олдидан кўксимни кўтариб, кўнглимни овоза қилиб ўтаман. Хаёлларим устимдан қаҳқаҳа отишларига йўл қўймайман! Мени эшитяпсизми? Шеърларим мендан жон истаган, кўз ёшларим қон талаб этган тунлари пойингиздан юл-

дуз тергани чиқолмасам, мени афв этинг. Мени афв этингки, мен жудаям узоқда, чақирсангиз, овозингиз етмайдиган жойда бўлганимда, атрофимда сизга аталган шеърларим менинг ҳамма томонимни тўлдириб, румиёна рақс туша бошлайдилар. Мен нима бўлганини шунда тушунаман... Менга нима бўлганини шунда англайди дунё! Ҳозирча «Ҳозирча», демайман. Бизнинг ҳозиримиз йўқ! Бизда абадийлик бор...

2019 йил, октябрь. Истанбул





КЕТИШ ЖОНИГА ТЕГМАГАНЛАРНИНГ БИРИ МЕНМАН

Кетиш жонига тегмаганларнинг бири менман! Лекин кетавериб сизнинг жонингизга тегдим, айтма-сангиз ҳам биламан. Икковимиз бирга кетишимиз мумкин бўлган ўша кун келмагунча ҳаёт бизни алдай-веради! Сизга осондай кўринган хайрлашув дақиқаларини эслатманг, адойи тамом бўламан! Яхшиям, шоирга уйланганингиздан пушаймон эмассиз... Акс ҳолда ўзимни кечиролмасдим!

Менинг шоирлигим кўпроқ ўзимга аён. Ўзим билан ёлғиз қолган лаҳзаларгина ошкор этади буни! Ўша лаҳзалардан бир қадам ташқарига чиқишим билан унутамаман ҳаммасини ва яна яшашда давом этавераман. Одамларга тааллуқли эканимни ҳис этиш — мен дунёда амалга оширган ишларнинг энг қийини! Аммо улардан озгина бошқача эканингни билиш, билиб қолиш ҳам жуда ёқимли...

2019 йил, октябрь. Истанбул



ТЕЗ ЮР, ЕР ШАРИДАН ЧИҚИБ КЕТАМИЗ...

Нима бўлса, бўлсин, кетамиз! Фақат тезроқ бўлишимиз шарт! Нарсаларимизни йиғиштириш учун қанча вақт кетади, кийинишимизга-чи?

Ҳеч нарса эсимиздан чиқмасин! Айниқса, китобларимиз! Акс ҳолда, ҳеч нарса татимайди. Толстой, Достоевский, Тургеневни қаерга жойлаймиз? Пушкин-ничи? Ахматова, Цветаева, Есенин, Пастернакни нима қиламиз? Камью, Кафка, Кортасар, Жойс...

Маркес, Ремарк, Хименгуой, Пруст!

Ие, Бульгаков-чи? Тагор, Мендельштам... Хименгуо-нику унута кўрма, илтимос!

Буларнинг ҳаммасини олиб кетсак, ўзимиз уйда қолиб кетишимизга тўғри келади, нима қилсак экан, Марина?

Ўйлаш учун вақт борми?

Йўқ! Вақт қолмаган. Тезроқ кетишимиз керак! Ҳозир шамол туриб қолиши мумкин, қор ёғар эҳтимол... лекин ёмғир ёғса қанийди! Ие, нималар деяпман? Ёмғир ёғмай тура қолсин озгина, шалаббо бўламизку... Кейин... кейин ёғаверсин истаганича, кейин розимиз, тўғрими?

Фақат ҳозир тезроқ бўлишимиз керак! Мен Сени нарсаларингни йиғиштирганингни кўрганман, чаққонсан! Кулиб қараб тургандим, қанчалар завқ олганман ўшанда! Ҳозир ҳам кўзимда турибди ҳаммаси, сўрасанг, бир бошдан айтиб бераман. Фақат ҳозир мавриди эмас... Кейин гаплашамиз бу ҳақда! Олдин кетиб олайлик!

Сен қаҳвани унчаям яхши кўрмайсан, менинг эса жону дилим! Сенга чой, ўзимга эса қаҳва дамлайман! Сен эса



хар галгидай менга кулиб қараб турасан. Ўша пайтда кўзларинг шунақаям чиройли бўладики, сен уни билмайсан! Яхшиям, билмайсан! Яхшиям, ўзинг кўрмайсан!

Эҳ, яна нималар деяпман? Тезроқ бўлишимиз керак-ку! Ахир бизда вақт кам... Нега тушунмаяпмиз? Нега хар сониямизни севгимиз билан тўлдириб ташлаймиз, бунақада ҳеч нарса олиб кетолмаймиз севгидан бошқа!

Бизнинг йўл сумкаларимизга ҳам севгидан бошқа ҳеч нарса сиғмайди. Улар ҳамиша муҳаббат билан тўлиб, йўлга тайёр турадилар. Айниқса, шу баҳайбат кулранг сумкамиз борку, қачон қарасанг, тўла туради, унда на кийим бор, на китобларимиз... Бизнинг севгимиздан бошқа ҳеч нарса йўқ унда. Шундаям йўлнинг бошида туради... Аслида энг бахтлиси шу! Шунинг учун ҳеч кимга гап бермайди, мақтангани мақтанган! Яна бир сумкамиз бор, эсингдами, анча йиллар олдин Истанбулдан сотиб олгандик. Нега эслолмайсан, қирмизи сумка! Ўша ҳам хар доим менинг йўлимдан чиқиб қолаверади. Бу гал ҳам кетгиси бор, олиб кетамизми, нима дейсан?

Айтгандай, бу сафар кетсак, бошқа қайтмаймиз, буни унутмаслигимиз керак! Шунинг учун энг керак нарсаларимизни олайлик ўзимиз билан.

Юкимиз кўпайиб кетди, кийимлар бор ҳали...

Ахир мен чашка, қошиқларимгача яхши кўраман-ку!

Ёзув столим-чи?

Суратлар... Ҳеч йўқ, Боб Диланнинг суратини олайми?

Пушкиннинг портрети-чи?

Ҳамма уйда сочилиб ётган паришон хаёлларимизни йиғиштириш керак ҳали, ўшаларнинг ўзи бир дунё!

Сенга жуда ярашадиган оппоқ спорт кийимингни оламизми?

Сен совға қилган узук қолиб кетмаслиги учун кўлимдан ечмайман, ҳамиша тақиб юраман. Эртага менга ўхшаган одамга дуч келсанг, мабодо, танишинг қийин бўлса, кўлларига қара, бармоқларини ушлаб кўр, фақат йиғлаб юборма, илтимос! Кўзларингга ёш тўлиб қолиши табиий, аммо юзингни четга бур, унга кўрсата кўрма, лабларингни тишла қаттиқроқ...

Биз ахир шошаётган эдик-ку! Акс ҳолда кечикамиз! Нималар қолди жомадонга сиғмаган?

Стол лампасини олдикми ҳеч йўқ? Мен ахир унга ўрганиб қолганман. Унинг тунда ёниб туриши сенинг кўзларингни эслатади менга.

Дераза-чи? Мени куздан ҳам қизғонадиган дарахт... Мен билан бирга кўз ёш тўкадиган кушлар-чи? Уларни қандай ташлаб кетамиз? Мен яхши кўрадиган зинапоялар...

Йўлларни қандай кўзимиз қияди, ярим йўлда ташлаб кетаверамизми?

Майли, булар ҳақида ҳозир ўйламаймиз, вақтимиз йўқ чунки. Кетаётган одам ҳеч нарса ҳақида ўйламаслиги керак. Акс ҳолда кетгиси келмай қолиши мумкин! Мана бу кўлимга урилиб кетган эшик мендан нима истаяпти, билмайсанми, балки кетгиси келаётгандир... Телефон дафтарчангни олдингми, ишқилиб? Дўстларимиз... билан ҳеч йўқ, хайрлашиш керакмиди?

Бу дунёда менга энг ёқмайдиган нарсаларнинг бири шу, хайрлашишни ўлгудай ёмон кўраман! Хайрлаша-



ётганда кўзларимни қаерга яширишни билмай қийна-
ламан. Кетмай қўя қолсам-чи, дейман... Йўқ, бу сафар
ундай қилмаймиз....

Кетамиз, дедикми, кетамиз! Балки, айтмаганимиз ях-
шидир, балки ҳеч кимга айтмай кета қолганимиз яхши-
роқдир!

Нима дейсан, вақтимиз кетяпти ахир! Жонни сумка-
ларга жойлаб бўлмайди... Қалбни ҳам!

Нима қолди улардан бошқа? Фақат йиғлагим кела-
ётганини ҳисобга олмасак, ҳаммаси яхши. Буям ўтиб
кетади бир оздан кейин, эътибор берма! Менинг ин-
жиқликларимга ўрганиб ҳам кетгансан, тўғрими? Ёки
жонингга тегиб кетганми? Шундай пайт сўраганимни
кара? Ақлим ҳам жойида эмас! Хаёл-ку аллақачондан
аллақаерларга кетиб бўлган. На мени тан олади у, на
одамгарчиликни танийди. Қачон қарама, етти қадам ол-
динда! Болалигимда, Онамдан қаергадир боришимиз
ҳақида қулоғимга чалиниши билан, (қачон кетишимиз-
ни эшитмай туриб) энг янги кийимларимни кийиб кўча-
да турардим. Шунинг учун Онам қаергадир боришимиз-
ни, «тез кийин, бувингни кўриб келамиз», тарзида маъ-
лум қилардилар. Менинг хаёлларим ҳам менинг шош-
калоқ болалигимнинг ўзгинаси... Фақат озгина фарқи
шундаки, у хатто кийим кийишним унутиб қўяди...

Сенга чой, ўзимга қаҳва дамладим! Фақат бу сафар
муסיқасиз ичамиз, чунки вақтимиз йўқ, кеч қолишимиз
мумкин. Озгина дам олиб, олиб кетадиган нарсалари-
мизни яна бир ўйлаб олиш учун қисқа танаффус. Хаёл
суришга вақт йўқ.

Сен эса нега маъюсан? Нега кўзларинг узоқ-узоқларга термилади?

Нега жимсан? Нимадир де!

Мен яхши кўрадиган сўзларингни айт, илтимос. Майли, гапирма, лекин, сукунатга ҳам йўл берма. Биласан, мен сукунатни ёмон кўраман. Сукунат яхши, фақат чинқириб, атрофимни айланиб турса! Бутун ҳаётингни бошдан-оёқ ўйлаётганга ўхшайсан шу тобда... Биласан, бизда эса вақт йўқ! Негадир юрагим тезроқ уряпти, нимадир бўляпти менга. Нима бўляпти экан? Иккаламиз ҳам қаердадир, нимасинидир унутган одамларга ўхшаймиз. Биз ҳали кетганимиз йўқ-ку... Ҳали эшик қулфланмади... Ҳали яна озгина вақт бор, эшик қулфлангунга қадар.

Негадир титраб кетяпман, ҳали эшик ҳам қулфланганими?

Ие, бизга барибир эмасми? Барибир, биз қайтмаймиз-ку, тўғрими? Сен... йиғлаяпсанми? Ёки менга шундай туюлди! Сенинг битта сўзинг билан тириламан, битта қарашинг билан яшай бошлайман. Сени ёнимда кўриб, бу дунёда борлигимни ҳис қиламан. Сенга қараб, ҳамиша ўзимни тўғрилаганман! Сен мени бу дунёда эканимни эслатиб турасан.

Энди ўйлаб кўр, сен озгина тушкунликка тушсанг, мен нима қиламан? Бу дунёга сиғмай қоламан-ку!

Кел, шу бугун ҳеч нарса ҳақида ўйламаймиз! Ҳеч нарса! Бизда энг муҳим нарса бор, тўғрими? Энг муҳими бор! Аслида бирор нарса олиб кетиш ҳам шарт эмас, шундай эмасми? Менга қолсаку тўкилган сочларимизгача олишимиз керак. Аммо...



Бизга бу дунё ҳақида эслатиб турадиган нарсалар нимага керак? Эсламасак янаям яхши! Фақат... фақат китобларсиз нима қиламиз?

Ва яна... хотиралар ҳам бор! Улар ҳақида ўйлашимиз керак. Сезяпсанми, юкларимиз кўпайгани камдай, оғирлашиб ҳам кетяпти. Ўйлаб қарасам, уларсиз ҳам яшаб бўлмайди! Хотиралар ахир энг яхши дўстларимиз! Улардан воз кечиш уят, уларсиз яшаб бўлармиди? Лекин, тошдан ҳам оғир бу хотираларни қаерга жойлаймиз? Юкларимизнинг ичида энг оғирлари шуларку аслида. Ҳар бирида қанчадан-қанча соғинч, қанчадан-қанча кўз ёш бор. Уларни елкалаб оламиз яхшиси! Дунёнинг энг мустаҳкам жомадонлари ҳам кўтаролмайди, уларга жой топиш қийин. Кўксимизни тўлдирамиз бир қисми билан, қалбларимизнинг энг чуқур жойларига жойлаймиз! Фақат чўкиб кетмасак бўлди оғирдан-оғир ҳаяжонлар билан...

Узоғи билан яна қанчада тайёр бўламиз? Ҳали кийинишимиз ҳам бор. Мен яна бир нарса айтмоқчи эдим, илтимос, уй билан хайрлашмайлик! Мен дош беролмайман, сабрим етмайди. Ўлай агар, ўзимни танимай қоляпман. Юрагим ғалати, ҳеч қачон бундай урмаган. Яна озгина пайсалга солсанг, фикримдан қайтиб қолишим аниқ. Яхшиси, мен ҳозир тез кийинаман-да, Сени кўчада кутиб тураман! Илтимос, тез кийин-да, туша қол! Қидириб юрма, паспортинг менда! Бизга паспорт керак бўладими? Менимча, шарт эмас! Фақат, қаерга кетаётганимизни айта оласанми?

БЕЛОРУС ШОИРИ, МЕНИНГ ГЎЗАЛ ТАРЖИМОНИМ СВЕТЛАНА БЫКОВАГА!

Азизим Светлана! Яхшиям, Сиз мендан шеърларимнинг ўз она тилимдаги вариантыни сўрадингиз... Мен икки кундирки, шеър қидираман... Икки хаёлим шеърларимда, лекин тополмаяпман, мени тушуняпсизми, тополмаяпман! Бугун тополмаслигимга ақлим етгандан кейин йиғлашни бошладим ва Сизни безовта қилиб, мактуб ёзаяпман. Тўғри, Сизни айбингиз йўқ... Чунки Сиз рус тилидан таржима қиляпсиз. Менинг шеърларим эса рус тилига кўпгина шоир таржимонлар оркали ўгирилган. Мен эса уларнинг шоирлигига ишонаман... ва таржималарига ҳам! Сиз менга ёзганингиздек, шеърларимни ҳузур билан таржима қилаётганингизда сизни нима ҳаяжонлантирди экан?

Ёки кўнгил учунмиди бу гаплар? Икки кундир, мен ўзимни тополмаяпман... Сатрларим ичида изғиб юрибман, ҳеч йўқ, қайсидир зарраларимга урилиб кетиш мақсадида. Афсус! Бугун боши деворга урилиб, ўзини йўқотган одам кабиман! Энди нима қилсам бўлади, сўзлар мени ёнимни олармикан? Ҳарфлар мени таниб қолармикан?

Болалигимда биринчи марта Онам билан катта шаҳарга борганмиз... ва катта кўчада мен Онамни йўқотиб қўйдим. Бир нарсаларга қараб, қолиб кетадиган одатим бор эди... Аввал Онам мени топишига ишондим, бир жойда қараб турдим, лекин, ҳа, деганда Онамдан хабар бўлмади. Йўқолиб қолганимни, Онамни йўқотганимни аниқ билдим ва дод солиб кўчани бошимга кўтардим. Онам ёнгинамда турган газета-журнал со-



тиладиган будканинг орқасидан чиқиб келдилар, менга алам қилиб, баттарроқ йиғладим. Менинг паришон хаёлларимдан безор бўлган Онам мени кўрқитиш ва хушёрроқ бўлишим учун шу йўлни топган эди. Лекин мен Онамнинг бу ишидан жуда хафа бўлиб, анча вақtgача унутолмаганман. Қачондир йўқолиб қоладигандек туйилаверганман... Ва ҳозир ҳам ўйласам кўрқаман, ҳолбуки, ундан кейин ўзимни қанча кўп йўқотганимга қарамай, Онам билан бўлган ўша воқеа мени кўпроқ ларзага солади. Ўшанда биринчи марта, йўқолиб қолиш нақадар даҳшатли эканлигини ҳис қилган бўлсам, бугун ундан ҳам ёмонроқ аҳволга тушдим. Чунки, мен ижодимни йўқотганимни билиб қолган эдим... Чунки мен ўзим устидан ичимда кулиб юрадиган шоирларнинг бири эдим! Йўқ, бу жуда оғир! Ҳар бир хужайрамда исён! Сочим ўсаётгандек назаримда, вужудимдаги титроқ атрофимда айлана ясаб, ўлим рақсини ижро этаётгандек... Энди нима бўлади? Менинг исмимни кўтариб олган шеърларим қаергача боради? Уларнинг манзили аллақачон тугаганлигини ич-ичимдан ҳис қиларканман, ичимдан бир вулқон ташқарига отилади, йў-ў-ў-қ-қ-қ, мумкин эмас! Менинг бошим ҳали елкамда! Мана шу елкамдаги бошим билан осмонга қараяпман, осмон ҳали жойида! Фақат кўзим каттароқ очилди. Энди бошқа кўз билан қарайман. Лекин осмон ҳали ҳам ўшандай! Сизга раҳмат, Азизим! Сизни яхши кўраман!

**СИЗ ОҚИБАТЛИСИЗ,
МАРИНА!**





ДУНЁ БИР ЭШИК БЎЛСАЙДИ...

Ундан фақат сен кириб келсанг. Ёмғирлар кириб келса сен билан! Осмон кириб келса юлдузлари билан ортидан ойни эргаштириб. Шамол пойлаб турса эшик олдида, кираётганларнинг ортидан илиниб ичкарига кириш учун. Дунё бир эшик бўлса... Унинг калити фақат сенда бўлса! Сен эшикка келиб, чўнтагиндан калитни қидираётган маҳалинг шамол туфлингга ўзини уриб, ичкарига сен билан киришга ижозат сўраса! Ёмғир кўз ёшларини яширолмаса сендан! Қушлар дарахтларнинг устига чиқиб мўралаб қараса... Елкасига юлдузларни мингаштириб, бўйнига ойнинг оёқларини осилтириб олган осмон турса сенинг ортингда... Эшикни очишинг билан нур ўйнаб кетса ҳовлида! Ҳар босган қадамингдан гуллар униб чиқса. Шеърлар рақсга тушса... Иккимиз яхши кўрган шоир-ёзувчиларнинг портретлари илиниб турган хонадан мен чиқиб келсам... Юзимдаги табассум сўзга айланса... Сўз эса иккимизга! Мен, Марина, сени шундай кутиб олсам... Қаҳва ичсак ҳамма нарсани унутиб, шеър ҳам эсимиздан чиқса шу куни. Биз шу кун кўзларимизни ўқисак! Маст бўлсак бир-биримизнинг ҳайратларимиздан, ҳаяжонларимиздан... Дунё фақатгина бир эшик бўлса... Ундан фақатгина сен кириб келсанг! Ўша эшик мен бўлсам, Марина!

1993 йил, август

ҚОР ҲАМ ЁҒАЁТГАНИ ЙЎҚ

Марина, «Дераза ортида кимгадир илҳақ одам ўти-
ради», деб ёзган эдингиз бир китобингизда. Шу гапин-
гиз ростми?

Агар рост бўлса, кимни кутиб ўтирибман тонгдан
то шомгача? Қор ҳам ёғаетгани йўқ. Ёмғир тинган. Да-
рахтлар ҳам томоша қиладиган аҳволда эмас. Шу тобда
мендан ҳам ғариб кўринади. Нега унда деразанинг ёни-
дан бир қадам ҳам силжигим келмайди? Дунёдан узи-
либ қолишдан қўрқишми бу? Мени ташқи дунё билан
нима боғлаб турибди?

Боғлаб турган нарса борми ўзи? Бўлса, унинг оти
нима?

1994, апрель





ЎШАНДА ҲАМ ШЕЪР ЁЗГАН

Мен ҳар куни тунга тўйга бораётган каби тайёрланаман. Кўзгу қаршисида ўзимга оро берарканман, негадир жилмайиб турганимни кўриб ҳайрон қоламан. Баъзида кўзгудан Марина Цветаева чиқиб келади. У кўпинча ўзига ярашиб тушган узун кўйлақда бўлади. Йўқ, бу асло уйқу олдидан кийиладиган тунги кўйлақ эмас, бу унинг ижодхонасида шеър ёзиш олдидан киядиган маъсумгина кўйлаги.

Мен кейинчалик Маринанинг мана шу кўйлагини сотгани учун кечиролмадим. У очликдан силласи қуриган ўғлининг бошида анча вақт ҳолсиз турган ва уйида кўлига илинадиган бор нарсаларни сотиш учун кўчага олиб чиққан. Аммо инжиқ харидорнинг нигоҳидан четда қолмаган Маринанинг устидаги мана шу кўйлаги бир бўлақ нон учун қурбон бўлган. Энг кизиғи, Марина ўшанда ҳам шеър ёзган. Ўшанда ҳам шеър ёзиб бахтли бўлган.

Бир тун мен уни жуда кўп саволларга кўмиб ташладим. У жавоб бермади, кўзларини осмонга тикиб тураверди...

Эҳ, мен Цветаевани бош эгиб турганини ҳеч қачон кўрмаганман. Ҳеч йўқ менга танбеҳ бераётганда озгина пастроққа тушса, нима қиларкин? Ўз устимда ишламай кўйган кунларим у менинг ялтир-юлтур кўйлақларимга шундай қарайдики, қани энди нафратини яширолса?

1996 йил, февраль

СИЗ ОҚИБАТЛИСИЗ, МАРИНА!

Марина, бугун осмон менинг кўнглимга қараб иш тутди: қор ёғяпти. Менинг кўнглимга ҳамоҳанг ёғяпти. Менинг кўнглим билан баробар ёғяпти. Сингиб кетгим келяпти қорга... Сизнинг кўролмаётганингиздан афсусдаман. Балки кўраётгандирсиз, руҳлар ўлмайдиларку, ахир.

Капалакка ўхшаб ёғаётган қор ичида туришим ўзимга ёкиб тушди. Шу тобда қорнинг ҳеч қачон, ҳеч қачон тинмаслигини хоҳлаяпман. Сиз билан гаплашгим келиб қолди. Уйга чопдим. Сизни чорладим. Бир зумда етиб келдингиз.

Уйда иккимиз: сизу мен. Мену сиз. Бошқа ҳеч ким йўқ. Стол устидаги қаҳвалардан буг кўтарилади. Сиз қаҳвани яхши кўрардингиз-ку... Аллақаердан таралаётган чироқнинг хира нури стол устида бетартиб ётган китобларни-да ёритади. Пастернак... Марина, мен эса... тирноқларингизни томоша қиламан – чиройли ўстирибсиз. Мени қараб турганимни кўриб дўлча ушлаб турган қўлларингиз хиёл титраб кетганини сездим. Кўзларимиз, юракларимиз бир-бирига талпинаётгандек эди, гўё. Улар тонглари бедор этадиган суҳбатларга мушток эди.

Ёпинчиғингизни елкангизга ташлаганингизни кўриб, шошаётганингизни англадим. Беихтиёр шкафни очдим... Кузатиб чиқмоқчи эканимни сиздингиз, назаримда, пошналаригача нур таратиб турган оппоқ этикчаларингизни кийиб, менга нимадир демоқчи бўлдингиз. Мен эса сиздан кўзларимни узолмасдим. Тўғрироғи, сизнинг кетишингизни истамаётгандим. Сиз эса югурганча зиналардан шошиб тушиб кетдингиз. Билдим, Марина, сизни кўчада Пастернак кутиб турарди...



Парда ортида яширинганча деразадан пастга бўйладим. Сиз чиндан ҳам Пастернак билан кетиб борардингиз. Мен шошиб деразани очдим. Икковингиз ҳам бир пайтда менинг деразамга қарадингиз. Сиз нега кетаётганингизни англатмасдан, уйимдан шошиб чиққанингиз учун хижолат чеккандай бўлдингиз. Кейин эса Пастернакка алланималарни шивирлаб менга ҳозиргина нигоҳимни узолмаётганим – бармоқлари узун-узун нозик қўлчаларингизни силкитдингиз. Англадим – сиз қайтасиз.

Марина, сиз жуда бахтли эдингиз. Мен сизни ҳеч қачон бундай бахтиёр кўрмаган эдим. Йиғлагим келди. Ахир, бахтли бўлишга ҳаққингиз бор экан-ку, Марина!

2002 йил, сентябрь



«1971 йил. ОЛМОС»

Марина, ўйчан тикилиб турганингизни кўриб, савол беришга ботинаман: «Ёшингиз нечада, қачон, қаерда туғилгансиз?» Сиз киприкларингизни оғир пирпиратганча юзингизни дераза томон буриб оласиз. Мендан юз ўгирасиз. Чой совиб қолади. Ширинликка қарамайсиз ҳам... Ўрнингиздан турганингизни кўриб маъюс термиламан. Сиз индамай кетиб борасиз.

Сизга етиб олмоқ илинжида сиз томон чопиб бораман. Аммо етиб улгурмасимдан дуч келган автобусга чиқиб оласиз. Ойнадан мени кузатаётганингизни кўриб, кўнглим жойига тушади. Кувониб кетаман. Қўлларимни силкитаман. Сиз ҳаволарга нимадир ёзасиз. Ўқишга тутинаман. «1971 йил. ОЛМОС». Нафасим ичимга тушиб кетади. Нега шундай, Марина? Ёшингиз эсимдан чиқиб кетган. Аниқ биламан, миллатингиз... ўзбек... сизнинг... Хафа бўлманг, эҳтиётсизлик қилдим: миллатингиз йўқ сизнинг...

Ҳақиқий шоирнинг миллати бўлмайди, ёши ҳам. Сиз менинг қизимга ҳам тенгдошсиз, набирамнинг набирасига ҳам тенгдошсиз... Мени кечиринг, Марина.

Ўзимни бир жойга йиғиб, ҳаёт томон талпинаётган ва бир пайтнинг ўзида нимасидандир айрилаётган, ўлаётган одам каби ортингиздан ўзимни отаман. Сиз йўқ... Автобус кўз илғамас олисликка сингиб борарди...

2002 йил, ноябрь



СЕН ЎЙИНЧОҚ ЭМАССАН, ЎЙИНЧИСАН!

Нима дединг, мен ўйинчоқ эмасман, дедингми? Ким сенга «Ўйинчоқсан», деди? Сен ўйинчоқ эмассан, сен ўйинчисан! Сен юрак билан ўйнайдиган, туйғуларни оёқ остига олиб тепкилайдиган ва боз устига, уларни масхара қиладиган ўйинчисан! Мен сенга атрофимдаги ҳамма деворларни қулатиб бордим. Мен сенга шамоллардан баландроқ, қушлардан тезроқ учдим. Мен сенга боргунча булутларга исмингни ёзиб бордим... ақлдан озиб бордим... Шеърдай тўкилиб бордим, ўзимда йўқолиб бордим. Йиғладим, йиғлайвердим... кўз ёшларим тонгни шом, ҳаёт мени адои тамом қилди... Сен эса менинг устимдан куласан, суратларинг билан мақтанасан... Бечорагинам! Мен эса сенинг суратларингга караганимда раҳмим келади, суратларингни қучоқлаб йиғлагим келади. Сен қаердаги одамларнинг гапларига ишонасан! Шундай лахзаларда сени ёмон кўриб кетаман, сен ҳам ўша одамларнинг бири бўлиб кўринасан кўзимга! Кўзларим ҳам ёмон кўриниб кетади кўзимга! Бу ҳолат бахтсизлигини яшираётган бечора одамларни эсга солади. Сенга бир савол берсам майлими? Сенинг суратларингдан бошқа мактанадиган нарсанг йўқми? Ахир, сен мен учун жуда бошқачасан-ку... фарқинг йўқми бу одамлардан? Мен ҳар куни осмонга ҳалинчак солиб учаётган маҳалим ҳаяжонларим атрофимда паға-паға оппоқ булутларга айланади! Мен булутларнинг хўжайини каби ҳис қиламан ўзимни. Балки сен ҳам менинг туйғуларимни ўйнаётган маҳалинг ўзингни подшолар каби ҳис қилаётган бўлсанг, мен сени тушунаман, чунки менинг туйғуларим ҳам, мен ҳам шунчаки ўйинчоқ эмасмиз... Сен бой бўлишинг мумкин, лекин

мени туйғуларимни сотиб олишга ҳеч қачон пулинг етмайди. Сен бекор қилдинг... ўзингни аямадинг! Сен бора-бора кўз олдимда ҳамма нарсасини ютқазиб бораётган улкан қиморбозга ўхшаб кетяпсан! Яна ўйинчоқмасман, дейсан! Биз ўйинчоқмиз, Марина! Биз тақдир қўлидаги Аллоҳнинг ўйинчоқларимиз! Бизни ҳар кўйга солади тақдир. Истаса, қумларга тўкиб ташлайди, истаса, денгизга улоқтиради. Шу «денгиз» сўзини бекор айтдим... Кўзимдан ёш қуйилиб кетди. Сен менинг Денгизимсан!

2003 йил, июнь





КЕЛ, БИР КУНГА КЕТАМИЗ!

Унутамиз ҳамма нарсани, Марина! Қаерга дейсанми? Сен хоҳлаган жойга! Нима дейсан, осмонга кетармиз балки... Денгизга борсак-чи? Йўқ, денгизга бормганимиз яхши, сен дарров денгизчи болани эслайсан! Йўқ, йўқ, мен Сенга денгизчи бола ҳақида гапирганим йўқ, Сен эшитмадинг, ҳўп? Сен эшитганинг йўқ! Аслида, сен ўша болани ёмон кўрмаслигинг керак! Сабаби, бизнинг кўпгина яхши хотираларимизга шу бола сабабчи бўлган. Бир эслаб кўр. Фақат асабийлашма! Мен Сенга ўзим ёрдам бераман. Ўша куни денгиздан қайтганимиздан кейин, нонушта қилдик, эсингдами? Сўнг хонага қайтдик. Ҳаммаси ўшандан кейин бошланди... Бирдан сен асабийлаша бошладинг! Шу қадар асабийлашдингки, мен Сенга нима бўлаётганини билмай, хайрон эдим! Сен эса ҳамма нарсаларингни йиғиштира бошладинг. Мен ҳаётнинг бу кўринишини биринчи марта кўришим эди. Қотиб қолдим. Нима қилишимни билмасдим. Нима дейишни ҳам... фақат олов бўлиб ёнаётганим эсимда! Бошқа нарсани эслолмайман! Бошқа нарсани эслагим келмайди! Ҳа, айтгандай, сенинг ўша кунги кўзларинг ҳам эсимда қолган. Ёшлар дур каби тушиб кела бошлаганда мўъжиза юз берган эди... Елкамдаги икки қанотим майдаланиб, оёқларим остига тушганда мен дунёни биринчи марта кўрдим. Сен тасаввур қилиб кўр, агар ўша балиқчи бола бўлмаганда, ким ҳам бунга журъат этарди, дейсан, тўғрими? Юр, майли, кетамиз! Қаерга бўлса ҳам майли, кетамиз! Кўрқмасанг, ўрмонга кетамиз, кийин! Фақат, фақат бирор жой бормикан бизга? Бизни яшириб турадиган

бирор соябон бормикан? Топдим! Менга ишонасанми,
топдим! Тушингга кетамиз, жоним! Тушингга кетамиз!
Фақат тополсанг бўлди! Мен Сенга ишонаман! Сен уни
топасан, тўғрими? 30 йиллар олдин кўрган тушингга
кетамиз!

2003 йил, октябрь





ЖУДА ХОРҒИН ЭДИ У

Марина!

Мен ўзимни устимда ишламай қўйдим. Ёзганларим ҳам ҳеч нарсага арзимайди. Ушлаб кўрсам – жуда енгил.

Ҳа, айтгандай, тунов куни Пастернакни кўриб қолдим. Тасодифан. Жуда хорғин эди у. Қўлида Волконскийнинг китоби. Шошиб боряпти. Биламан, у шу кетишда уйига эмас, шеърга кетяпти. Бу дунёда борлигимни билдириб қўйиш учун салом бердим. Чопиб кетаётган Пастернак илқис тўхтади. Менга кўзи тушиб хиёл жилмайди. Биз сўзсиз гаплашдик. Дарахтлар жим турди. Бир муддат шамол эсишдан, дунё яшашдан тўхтади.

Пастернак кетди... У билан мен ҳам кетдим. Ҳеч ким билмади. Ҳеч ким билмай қолди.

2003 йил, ноябрь



СИЗНИ ЎЛДИРИШГАН – СИЗ ЎЛМАГАНСИЗ

Марина, китоблар ёлғон айтган: сиз ўзингизни ўзингиз ўлдирмагансиз. Сизни ўлдиришган – сиз ўлмагансиз. Бу ҳолат қайта-қайта такрорланган ва бунга ўзларининг ҳам кўзлари етгач, индамайгина қўл силтаб қўйишган. Сиз ҳаётдан зериккан вақтларингиз Серёжа ва Алядан мадад оласиз. Дарахтларга суянасиз. Осмонларга чиқиб, ҳаволарга айланасиз. Бутхона ва ҳаттоки эчкиларингиз ҳам эсингиздан чиқмайди.

Сиз оқибатлисиз, Марина!

2004 йил, июль. Бурса





ОДАМЛАР МЕНИ ЗЕРИКТИРЯПТИ

Ҳар тонг деразадан ташқарига караб турсам, бизга карама-қарши уйларда аста-секин чироқлар ёна бошлайди. Яшаш учун ҳаракат бошланади.

Бироздан кейин ғўнғирлаган овозлару қошиқ-санчқиларнинг читирлаган товушлари эшитилади.

Мен эса дераза ёнида туравераман. Уларнинг уйдан чиқиб келишларини кўрмоқ учун шундай қиламан.

Ва ниҳоят, улар уйдан чиқиб кела бошлайдилар. Ҳамма нарсалари жойида. Ўзларига оро бермокни ҳам қойиллатишган.

Уларнинг топиб олганлари шу уй, мана шу йўл... Марина, яшамоқ дегани шуми ё?

Ҳар қанча ҳаракат қилмай менинг ақлим етмаяпти. Менинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурларим камлик қияпти.

Мен зерикяпман. Одамлар мени зериктиряпти...

2004 йил, ноябрь



ЧАҚИРГАН ЗАҲОТИМ КЕЛ

Бутун умр икки кўз таъқиби остидаман... Бу кимнинг кўзлари, ҳанузгача аниқ эмас. Нима қилсам ҳам қараб тураверади. Талабалик йилларимда кўпинча онамга ўхшарди у кўзлар. Турмушга чиққанимдан кейин то бугунимгача умр йўлдошиммикан, дейман! Баъзан Марина Цветаевага ҳам ўхшайди. Негадир ёзмаган мана шу етти йил ичида шу кўзлар ҳам йўқолиб қоладиган бўлди, мендан узоқлашди... Чақирсам, етиб келадиган Марина туманлар ичига сингиб кетгандай... Албатта, айб ўзимда... Уни чақирмай қўйдим! Лекин эсимдан чиқарганим йўқ! 26 сентябр – мен учун қадрли. Туғилган кунини бирга нишонлаймиз... Цветаева ўлган кун (шу сўзни айтгим келмайди, чунки у ўлмаган) 31 август мени яшин тезлигида узоқларга олиб кетади...

«Мен сени яхши кўраман, Марина! Чақирсам, кел! Чақирган заҳотим кел. Мени бу дунёга ташлаб қўйма! Мени таъқиб қил! Менга қараб тур! Бўлмағур ишларга бошим билан шўнғиб кетганимда, овозингнинг бори-ча чақир, ўзимга келай... Фақат битта илтимосим бор, сен эси йўқ, энг сўнгги кун қилган ишингни мен ҳам такрорлашимга йўл қўйма! Чунки менинг диним бунга изн бермайди... Уятга қоламан! Менга қараб тур...»

2008 йил, август. Ҳиндистон, Гоа



ЁМҒИР

Ёмғирни ҳаммадан кўп яхши кўришим билан макта-
наман... ҳаммадан кўп! Ёмғир ҳам биладигандек.
Ёмғирдан пана бўладиганларга пана бўлолмайман.
Энг қизиғи, Қўчқор Норқобил билан ҳам бир хилмиз.
Ёмғир ёға бошласа, биз кўчага шошамиз. Тўхтаб қолса,
юрагимиз тўхтаб қоладигандек хавотирга тушамиз. Қа-
чондир ёзган бир шеъримдан ёмғирларнинг оғрингани
ҳам бор гап... Шеър ёзамиз...

Марина билан бўладиган суҳбатларимиз ҳам айнан
шу ёмғир ва қор остида кечади! Бу балки сир бўлиши
керакдир... Маринага муносабатим ҳақида гапиролмай-
ман, бу муносабатни тушунадиганлар жуда озчиликни
ташкил қиламиз...

2017 йил, октябрь

МЕНИНГ ШОИРЛАРИМ





ЕСЕНИН

Пушкин билан уришиб кетмасмикан Есенин? Туни бўйи мижжа қоқмайман. Икки портретга қараб чиқаман.

Есенинни уришқоқ бўлган деб эшитганман-да, ахир. Аммо менинг уйимдаги Есенин сира уришқоқ эмас. Мен уни бир кўришдаёқ ёқтириб қолганман. Фақат Есениннинг чилим чекаётган қилиб тасвирлаган рас-сом озгина хато қилган. Чунки Есенин чилимсиз ҳам чиройли кўринади.

Мен уни сотиб олган куним унинг учун Пушкиннинг ёнидан жой ажратдим.

Иккаласи ҳам бир томонга қараб турган портретлар ёнига ўзимнинг портретимни осиб қўйиб (узоқдан худ-ди бошқа биров қараётган каби) томоша қилдим. Қизик, менинг суратим ҳам улар қараётган томонга жилмайиб қараб турарди.

Пушкин ва Есениндан кўра анча ёш пайтимда туш-ган бу суратим уларнинг бефарқ қолдирмаслигини ўй-лаб ғурурланиб қўяман.

Барибир Пушкин анча мағрур эди. Ҳабашлиги бор-да... Унга қарасам ҳам кўзим куйиб кетади. Есенин эса анча содда. У бечора бекорга ўйинчи қизни севиб қол-маган-да... Ичимда нимадир кўзгалаётганини сезаман. Ким биландир уришгим келади.

1989 йил, август

ШАҲАР ВА ШОИРЛАР

Ёшлигимдан шаҳар ва шоирлар, ўрмон, денгиз ва юлдузлар ҳақида хаёл суришни яхши кўраман. Ай-никса, шаҳар ва шоирлар. О, нақадар жарангли бу сўз! Умримнинг каерларидадир учрашиб қолишни орзу қилиб юрган хаёл бу. Фақат хаёлларингни ўлим ҳақидаги ўйларгина чилпарчин қилиб ташлаши мумкин.

2000 йил, февраль





ПУШКИН БУ СУРАТГА БИЗ УЧУН ТУШГАН

Ёмғир ёғаётган эди, ашқол-дашқол сотиб ўтирган кекса кампирдан Пушкиннинг суратини сотиб олдим. Ёмғир ёғаётган эди. Суратни сумкамга яширдим. Ёмғирни ивитиб юбориши мумкин-да сурат. Икки қизимни эргаштириб бахтиёр кетавердим йўлак бўйлаб. Ҳамма кўзимга Пушкин бўлиб кўринади. Ҳаммани яхши кўриб кетавердим. Аммо менинг сумкамда нима борлигини ҳеч ким билмайди. Менинг эса тезроқ бориб хонамга кўрсатгим келади суратни. Хонамдаги бари даҳоларни ҳайрон қолдиргим келади. Ҳатто баъзиларини ўтақаси ёрилиб ўлишини ўйлаб, мийиғимда кулиб кўяман. Чунки уйимда Дантес ҳам бор-да.

Юрагим титрайди. Ёмғир эса тинмайди. Ҳамма ўзи билан. У-бу нарсаларини тезроқ сотишса-ю, тезроқ уйларига даф бўлишса.

– Ойижон, Пушкинни билмайдиганлар ҳам борми? – кичкина қизимнинг саволидан ўзимни йиғаман.

– Бор, қизим, Пушкинни назар-писанд қилмайдиганлар ҳам бор.

– Шунинг учун сотишдимиз унинг суратини?

– Пушкин бу суратга биз учун тушган. Шунинг учун бу суратни бизга сотишди.

Ўртадаги бир растада мен олмоқчи бўлган кўйлакни бошқа бир аёл илиб кетди. Индамайман. Чунки сумкамда Пушкин бор, уяламан.

2000 йил, март

ЁЗУВ СТОЛИМДА

Кеча шифокор ёзиб берган дорилар рўйхати ёзув столим устига қандай тушиб қолди – билмайман. Худди атайлаб қилингандай – кимдир келиб қўйиб кетгандай асабимни ўйнамоқда бу қоғоз.

Нима бўлганда ҳам тўғри эмас. Келиб-келиб ҳозир-а... Юрагим буюклик даъво қилаётган бир пайтда-я? Жинимдан баттар ёмон кўрадиган одамлар ҳақида ҳаёл суришга ўхшамайдими бу, ахир? Яна қаерда турибди денг – Пушкиннинг сурати билан Цветаеванинг китоби ўртасида. Мен қоғозни майдалаб ташладим. Умримни узайтириш учун дори ичишдан воз кечдим.

2001 йил, апрель





«ДУЭЛ»

Туғилган кунингиз билан табриклайман, Пушкин. Ўзимни туғилган куним каби қадрли бу кун. Ўзимнинг туғилган кунимдан ҳам азиз бу кун.

Ўша куни қуёш куйиб кетган бўлиши керак. Осмон бир силтаниб олгандир. Оймомо жой тополмагани учун қоронғулик ичига яширингандир...

Дантес нега туғила қолди, Пушкин? Илк бор рус тили муаллимимдан эшитдим сиз ҳақингизда. Ва сизни қидира бошладим. Йўқ, унча ҳам узоқ қидирганим йўқ. Чунки сиз менинг хаёлларим ета оладиган ҳамма жойда бор эдингиз.

Муаллимим бир куни сиз ҳақингизда гапираётиб «дуэл» деган сўзга қоқилиб кетди. Кўз косалари ичида бир зум айланиб, менинг нигоҳларимга тўкнашиб кетди. Мен эса қўлларим билан қулоқларимни бекитиб олдим... Шу куни туни билан ухламай чикдим. Тезроқ тонг отса-ю, мактабга бориб, муаллимдан сиз ҳақингизда сўрагим келаверди...

Муаллим бу куни дарсга картина билан кириб келди. Бу мен ҳатто кўришга кўрққан, остига «Дуэл» деб ёзилган картина эди.

Шу куни менинг болалик тасаввуримга илк маротаба қора қон сачради. Ўлим кўзимга ёмон кўринди. Мен муаллимдан бир кунга уйга олиб кетиш учун картинани сўраб олдим. Деворга осиб, аввал роса томоша қилдим. Картина кўзимга чапланиб кетди. Ўқ узаётган ким – билиб бўлмай қолди. «Пушкин ўлди, аммо йиқилмади», деди мени кузатиб турган синглим. Унинг қаҳқаҳасидан

Ўзимга келиб қарасам – қаро терга ботиб ётибман бир аҳволда. Иссиғим чиқиб кетган. Гумбурлаган ўқнинг овози мен томонга учиб келаверди.

Бироздан сўнг ўзимга келиб, панжаларим орасидан деворга қардим: Пушкин.

Дантес эса йўқ. Пушкин Дантесни аллақачон уйдан хайдаб чиқарган эди...

Мен шу куннинг ўзида ҳаётимни Пушкин билан боғладим. Ўзимдаги барча муаммоларни Пушкин билан еча бошладим. Ҳамма нарсага «Пушкиннинг олдида нима бўпти?» дейдиган, «Пушкин бор жойда унга нима бор?» кабилида иш кўрадиган бўлдим. Ҳаётимнинг Пушкиндан бошқа ҳамма ёзувларини чизиб ташладим.

2002 йил, июнь





ПУШКИН!

Жуда қийналиб кетдим! Бу нима дегани? Ўтиб кетармикан бу ҳолат? Баъзида ўтиб кетишини ҳам истамайман, ўрганиб қолдим. Баъзан ўтиб кетса, ўтиб кетаколсин, дейман, аммо юракдан айтмайман бу гапни... Шунақаям севадими одам, худди ўлиб қоладигандек. Киприklarимдан, сочларимнинг толаларигача яхши кўряпман. Мана шу яхши кўриш билан ўзимни қайта яратяпман, қайта тириляпман ҳужайраларимда! Мен ўсиб чиқяпман ҳар бир сочим толаларида... Худони танияпман... Унинг менга берган мукофотларининг энг буюги, энг азоблиси ва шу билан бирга, энг тотлиси эди бу! Ҳаммага айтгим келади бу ҳақда! Тоғларга чиқиб бакиргим келади? Менга нима берса, мўл-кўл қилиб берди Худойим! Дўстлардан кам қилмади, обрў-эътибор, бойликням зиёда қилди. Нима берса, ўйлаб ўтирмай берди... Лекин кетар чоғимда бу қандай синов бўлдики, мени сувдан олиб ўтга, ўтдан олиб сувга солади! Мен исмини билмайдиган бу дунё менга шунчалар марҳаматлар кўрсатдики, ёниблар йиғламоқдан бошқа чора топмадим. Томирларим чарсиллаб кетганда, хавотирланиб одамларга қарадим! Э, эсиз, ҳеч қайсиниси билмаган, улар ўзининг майда дардлари билан овора эди шўрликлар! Менинг бахт томчилаётган кўзларимга қарашга ҳеч вақтлари йўқ эди уларнинг! Унинг шеър ўқигандаги ҳолатини аниқ эслайман, фариштага айланганди ёки менинг кўзимга оппоқ фаришта бўлиб кўринганди. Шеърининг қайсидир жойига келганда киприklари шунақаям пирпираб кетдики, қани буни сўз билан ифода этиб бўлса? Мен ўша лаҳзани кўз ол-

димга келтирганимда, нимагадир Худога ибодат қилаётгандаги қиёфам кўз олдимга келади. Ва мен бутун дунёни шу қиёфада тасаввур этаман! У чиндан ҳам истеъдодли эдими, ханузгача билмайман, аммо унинг шакл-шамойили мен билан дунё ўртасига улкан бир чиқиқ тортдики, менинг кўзларим ундан бошқа ҳеч нарсани кўрмаётгани рост, кулоқларим унинг сўзларидан бошқа ҳеч нарсани эшитмаётгани жудаям аниқ бўлиб қолди! Ундан ҳам қизиғи, мен уни ғуруримдан, ватанимдан ва ҳамма нарсамдан ҳам кўпроқ яхши кўрдим! Бу жуда ғалати нарса, менинг кунларимнинг бир кунини яшаган одам бу дунёдан орқасига қарамай кетса бўлади! Менинг кунларимни бир кунини яшаган одам нариги дунёда дўзах оловларига бемалол чидаши муқаррар!

Яна кулгили томониям бор, мен унинг шабнам каби тоза шеърларидан ҳам рашк қиламан, қайсидир қизнинг сурати акс этган шеърларидан эса ўлиб қолай дейман! Кунлар келиб деразамдан мўралаётган, менинг ночор ва бахтиёр ахволимга бўй чўзиб қараётган ушбу кунларимнинг қаеридадир унинг турганини кўриб, яна яшашда давом этавераман! Менинг ибодатларимнинг ҳадясидир балки у. Балки Худойимнинг мукофотидир, ҳозирча билмайман!

2011 йил, февраль



БОШҚАЧА БЎЛИШИ КЕРАКМАСМИ?

Бизда шеърият баланд! Мен бу тўхтамга бугун келганим йўқ. Қачон, қаерда тадбирда иштирок этган бўлсам, шундай хаёллар ичра тентирайман, бизда шеърият баланд! Кеча ҳам шундай бўлди... Литвалик шоир шеър ўқиганда, негадир кўз олдимга Жонтемир келди... Менимча, шоирнинг озғинлиги уни эслатиб юборган бўлиши керак! Мен хаёлларим кўчасида дайдиб қолдим... У шеърини ўқиб бўлди... Қанақа экан шеърлари, деб сўрадим ёнимдаги сан-францисколик шоирдан. У елкасини қисиб, бўлади, ишорасини қилди. Бошқаларга қарадим, бошқаларда ҳам худди шу каби аҳвол. Менинг назаримда, шеър ўқилган давра бошқача бўлиши, юрак кўкка отилиб кетганини ҳамма кўриши керак. Айниқса, бу денгизнинг ўртасида тўхтатиб қўйилган, шамолнинг ғашига тегаётган кемада бошқача бўлиши керакмасми? Аламини нимадан олишини билмай, балиқларни чўктиришга чунонам уринаётган тўлқинлар тўпалонида яна-ям бошқача бўлиши керакмасми?

2018 йил, ноябрь. Тайланд, Паттайя

КЕМА ЧАЙҚАЛАДИ

Белоруслик шоира мункиб кетди, лекин йиқилмади. Сўзлар атрофга шу қадар тез сочилдики, уларни ушлаб қолишнинг сира иложи бўлмади. Катта-кичик ҳарфлар келиб киприкларимга урилдию нукталар думалаб кетди... Осмон ер билан битта бўлди! Кема чайқалади... Америкадан келган шоир денгиз ҳақидаги шеърини ўқийди... Мени ҳайрон қолдиргани, денгиз эркалай бошлаганди, тўлқинлар ҳаддидан ошиб кетди! Марина кўрган денгиз шумикан? Лекин денгиздан Маринанинг кўнгли қолганди... Демак, Марина кўрган денгиз бу эмас. Шеър ўқиганингда денгиздан мусиқа эшитилиб турмаса, у қанақа денгиз бўлсин? Менинг денгизим шоир бўлиб чиқди...

2018 йил, ноябрь. Тайланд, Паттайя





БИР-БИРИГА ЎХШАМАГАН ШОИРЛАР

Паттайя. Бугунги шеърхонлик яна денгизда давом этмоқда... Тўлқинларнинг ҳар зарбаси шеърга айланишга тайёр тургандай... Шамол сочларимиздан тортиб ҳазиллашгани ҳазиллашган! Янги шоир дўстларим билан шеър ҳақида гаплашамиз... Тўлқинлар уввос солиб, бизни қўллаб-қувватлайди... Мен эса шеърларнинг муסיқийлигига кулоқ осганча, кўзлар тубидаги юракларга назар ташлайман. Бир-бирига ўхшамаган шоирлар...

2018 йил, ноябрь. Тайланд, Паттайя



БИЗ ЖОНИ БОР ДАРАХТЛАР ЭДИК

Зарина... Сизнинг исмингиз менинг Маринамга жуда уйқаш! Марина ва Зарина! Сизнинг китобингизни ўқиганимда, варақлар орасидан ҳавога кўтарилган оккушларнинг қанотларини майин силкитгани-ю, Марина иккимизнинг киприкларимизга яширинганини жуда кўп кўрганман! Бизни дарахт деб ўйлайди кушлар... Биз ҳақиқатан ҳам жони бор дарахтлар эдик... Шеърларингиздан ҳайратланиб, бир-биримизни кучиб турардик... Кулсак, кулгиларимиз гулга, йиғласак, кўз ёшларимиз хазонга айланарди. Мен икки ҳолатда ҳам шеър ўқирдим, Марина нигоҳларимга суяниб шеър эшитарди. Шеърларингизни ўқиганимда атрофга қарардим, осмонга бор вужудим билан тирмашиб кетгим келарди... Ахир, менга ҳеч қачон бу қадар чиройли кўринмаган осмон, ҳеч қачон сизнинг шеърларингиздаги каби эмасди замин... Эсимдан чиқиб қолган Марина қўлларимни арғимчоқ каби силтаб, ўзимга келтиради. Сизнинг шеър китобингиз менинг туйғулар тўла шоҳона мамлакатимда худди шундай умр кечирмоқда...

(«Горянка» газетаси Бош муҳаррири, шоира Зарина Кануковага ёзилган мактубдан)

2018 йил, декабрь



ШОИРНИНГ ВАТАНИ – ИЖОД

Бу дунёда ҳамманинг ўз ватани бор! Осмонда яшаш кушга насиб этган бўлса, ер чумолилар учун ватандир... Бу дунёда фақат яхши шоир ва ёзувчининг қарда туғилган бўлишларидан қатъи назар, ватани йўқ! Улар бутун коинотникидир! Улар ер юзиникидир! Улар куёшникидир! Улар юракникидир... Кимнингдир кўксидан жой олган шоир ўша одамникидир! Унга бошқа ватан берилмаган, унинг миллати йўқ! Унинг қайсидир жойда туғилгани, қайси бир оилада яшагани, турмуш ўртоғи, фарзандлари бўлгани ҳам чўпчак, у одамларга тенглаштириш ва мувозанатни ушлаб туриш учун айтилган гап... Аслида, унинг ҳамма нарсаси ижод! Ижод ва муҳаббатдан бошқа ҳеч нарсаси йўқ ва бўлмаган ҳам! Унинг атрофида айланадиган гаплар вақтинчалик гаплар ҳаммаси... Унинг яшагани ҳам номаълум, фақат ундан қолган китобларгина унинг бу дунёда бўлганини инкор этмайди... Бор гап шу!

2019 йил, февраль

ҚАЕРДАСАН, ВЬЕТНАМ?

Қаердасан, Вьетнам?

Қаердасан, шеърият ибодатхонаси?

Ҳозир эсимда йўқ, қайсидир йили мен қўлимдаги таклифномага термилиб шеърлар ёздим, аммо таклиф этилган жой – Вьетнамга боролмадим. Ўшанда таклифнома мен учун учар гиламга айланишини шу қадар ис-тадимки, турсам ҳам, юрсам ҳам кўз ўнгимда ҳали мен кўрмаган Ханой гавадаланаверди.

Мен Вьетнамни ўз дунёмда қайта яратдим! Рухим-нинг энг баланд кенгликларида қайта барпо этдим! У оппоқ эди... нур таралиб турган, туйнуқларидан шеър мусикаси таралаётган беқиёс маъво, йўллари юрагимга тутшиб кетган шеър ўлкаси эди. Гўёки бу ерда одамлар эмас, фаришталар истиқомат қиларди менинг назаримда. Уйқусиз тунларимда унинг зиёратига ошиқдим. Шундай ҳаволанардимки, пойимда қолаётганлар оёғимдан тортиб туширишлари мумкинлигини буткул унутардим. Кундан кунга шаффофланиб бораётган шаффоф ўлкада қалбимнинг энг теранликларидаги ранг-баранг оламларни шеърият ибодати-ла инкишоф этмоққа чоғланардим. Муқаддас Рух шамолларида елаётган тахтиравонларни кўнгил қуллари елкалаб олишган, руҳдошларим далдасида осмонлашган қалбим билан шамолларга шамоллаган кўксимни тутардим. Булутларни ёпиниб келувчилари ҳам бор эди. Мен кўксини тўлдириб нафас олаётган, шеър таъми келаётган йиғиларимни улашардим қуёш бармоқларимда! Шоирларнинг мамнун жилмайишларидан юлдузлар тўкилар-



ди. Мен бу дунёнинг юлдуз териб юрганларини кўрган
нимда кулгим қистайди. Бу дунё ҳассасига суяниб дам
олаётганида эса қаҳқаҳа отаман. Бугун яна қўлимда
чипта ва таклифнома! Худо ҳохласа, санокли кунлардан
кейин «Қаердасан, Ханой?» дея йўлга чиқаман! Шеъри-
ятнинг бу галги ибодатида ҳар сўзимдан шеърлар униб
чиқишини, кўз ёшларимнинг ҳар томчисидида оҳанглар
жилва қилишини сўрамоқчиман!

2019 йил, февраль

АДАБИЁТ ИБОДАТХОНАСИДА

Вьетнамдаги адабиёт ибодатхонаси ҳақида илк бор Аъзамжон Обидовдан эшитдим... Юрагим ғалати бўп кетган. Боргим келган ўша ибодатхонага... Мана, бугун шу ибодатхонадаман... Ҳақиқатан гўзал кайфият беради одамга. Айниқса, шоирман деганлари ўзини йўқотиб қўйди. Шунақаям ном қўйишадими вьетнамликлар! Номининг ўзига куни билан йиғлашинг мумкин. Адабиёт ибодатхонаси! Кимнинг ақлига келди экан бундай ном қўйиш?! Анча-мунча одам музлаб қолади-ку бу ном қаршисида...

2019 йил, февраль





ҲАВО НАФАС ОЛМАЙ ТУРГАНДАЙ...

Қаерга қарамай, дунёнинг ҳамма жойи адабиёт ибодатхонаси бўлиб кўринаверади.

Бугун дастурда кўрсатилгани бўйича адабиёт ибодатхонасини кўришга тонг саҳарлаб йўлга чикдик. Ҳамманинг кайфияти зўр! Ҳаммамиз бир-биримизни яхши кўрамыз! Худди ибодатга кетаётгандаймиз! Билмадим, қандайдир сеҳр бор бу ерда. Биноларда салобат. Дарахтлару гулларгача қаерда ўсаётганини билади. Қушлар анча вазмин... шамоллар ҳаддидан ошишни хаёлигаям келтирмаса керак. Ҳаво нафас олмай тургандай... Ёқимли сукунат, юрак уришини эшитиш мумкин бўлган жимлик! Ҳамма ўзи билан бўлиб кетди, анчадан буён кутганимиз янаям кўзга кўриниб қолди... Бизнинг уйимиз эди асли бу жой! Бизнинг ватанимиз эди адабиёт ибодатхонаси!

*2019 йил, 18 февраль.
Вьетнам, Ханой*



УЙҒОҚ СУКУНАТ ИЧРА

Вьетнамдаги адабиёт ибодатхонаси ҳақида ўйласам, ҳалиям ичимга сиғмай кетяпман. Шундай уйғоқ сукунат борки, юрагинг ҳайқиради... Биз борган кунимиз ёмғир ёғди... ҳақиқатан шамоллар ҳаддини билди, ҳаво ҳам кузатиб турди бизларни. Биз ҳам уларнинг иззатини жойига қўйдик, ҳар бир лаҳзани кўзларимизга жойлаб, юрагимизни кўрикчи қилиб қўйдик... 143 нафар шоир иштирок этдик. Исmlаримиз ҳам кийимларимиз каби ранг-баранг. Бирининг исмига тилинг айланмайдиги, бирининг исмидан бошинг айланиб кетади...

2019 йил, август





ДУНЁ ШОИРЛАРИ, КЕЛИНГ, БОШҚАТДАН ТУҒИЛАМИЗ

Дунё шоирлари! Келинг, дўст бўламиз! Дунё шоирлари, келинг бир жойда бирлашайлик! Бизга «Китоб дунёси» газетаси ҳаво лайнери бўлишга тайёр. Бир қадам боссак бас, дунё бизники бўлади! Биз қайси тилда гаплашмайлик, қандай қиёфада бўлмайлик, бунинг фарқи йўқ. Биз жойимиздан бирозгина силжиёлсак, дунё тарафга нигоҳларимизни қаратсак бас, шеърият осмонга айланади ва ҳаммамиз бир юракда жамланамиз! Дунё шоирлари, келинг, бошқатдан туғиламиз!

*(Бутун дунё шоирларига ёзилган мурожаатдан.
2019 йил, август)*



«ПУШКИННИ ТОПДИНГИЗМИ?»

Биз Акмал билан бир синфда ўқидик! У жуда аълочи эди. Синфда аълочиларнинг исми айтилганда биринчи мени, кейин уни айтишарди. Ҳолбуки, мен дарсларни танлаб ўқирдим. У эса ҳамма фанлардан аълочи эди. Ўзимнинг ҳам унга ҳавасим келарди. Кўзга яқинлиги учун қизлар ҳам унинг атрофида парвона эди. Унинг менда кўнгли борлигини билардим. Лекин оилаларимиз ўртасидаги фарқ бу ҳақда оғиз очишга-да қўймасди. Биз улғая борганимиз сари бизнинг қарашларимиз ҳам ўзгара бошлади. У менга гапирганда илмокли гап қилар, мен эса уни тушунсам ҳам тушунмасликка олардим! «Севаман» сўзини ўзининг тилидан эшитгим келарди. Бир куни у менга, сиз ҳаётдан Пушкин асарларидаги қаҳрамонларни қидирасиз, деди. Яна аниқ билдимки, у гапини узоқдан бошлади. «Мен ҳаётдан Пушкин асарларидаги қаҳрамонларни эмас, Пушкиннинг ўзини қидираман», дедим. У мендан бундай жавоб кутмаган эканми, юзлари оқаргандай бўлди... Мен мактабни олтин медаль билан тамомладим ва шу йилнинг ўзида университетга имтиёз билан ўқишга кирдим! Акмал учинчи йил талаба бўлди! Бу йиллар ичида биз бир-биримизни кўрмадик, аммо у ҳақидаги хабарларни уйдагилардан эшитиб юрдим. Дарвоқе, холамнинг қизи Акмалнинг қўшнисига келин бўлиб тушди. Бир кун шаҳардан уйга борганимда менинг бир суратим Акмалнинг уйида осиглик турганини айтди. Ғалати бўлиб кетдим. Мактабда ўқиб юрган вақтларимиз кўз ўнгимда жонланди. Унга раҳмим келди. Ўша пайтлар ҳам раҳ-



мим келарди. Лекин менинг раҳмим ва унинг севгиси икки оилани мурасага келтиролмаслиги иккимиз тугул бутун қишлоққа аён эди. Бир куни яна синглим айтиб қолди: «Акмал ака менга сизни гапириб йиғлади...» Бу сафар қаттиқроқ гапирдим: «Акмал ҳақида бошқа гапирма!» Шундай қилмасам бўлмасди. Ҳар гал у ҳақида бирор нарса эшитсам, куни бўйи эзилиб юардим. Совукда юпунгина кийиниб, кўзлари маъюс юрадиган Акмал кўзимнинг олдида қотиб тураверарди. Орадан қанча йиллар ўтди. Қанча ёзлару қанча изғиринлар ўтди. Фарзандларимиз улғайди. Бу йиллар ичида икки-уч марта эшитдим: «Суратингиз Акмалнинг уйида осиглик турибди». Яқинда Акмал янги уй олиб, синфдошларимизни меҳмонга чақирибди. Синфдош қизлар деворда осиглик турган менинг суратимни кўриб, хушларини йўқотиб қўйишига оз қолган. Ҳатто хотинидан хижолат бўлиб, нима дейишимизни билмай қолдик, деди менга телефон қилган энг яқин дугонам. Шу куни кечки пайт бир нотаниш рақамдан смс келди, икки оғиз сўз: «Пуш-кинни топдингизми?»

Мен смс муаллифини танидим, аммо жавоб қайтармадим...

2019 йил, октябрь



ШОИРНИНГ МИЛЛАТИ БЎЛМАЙДИ

*«Мен-ку боролмадим, келдинг, хуш келдинг,
Қушга айланолмай қийналди жоним...»*

Сиз боролмаган жой қаер эди? Қушга айланолмаган жонингиз-чи, қаерда эди у? Излаб топсам бўлармиди, изиллаб йиғласа-чи? Сўзнинг хумори тутган кунларнинг бирида шеърларингизни ўқидим... Ичимдан бир йиғи отилиб чиқди... Ва мени назар-писанд қилмай ёнимдан ўтиб кетди. Ҳолим жуда хароб эди. Қарашга на гурур, ортидан эргашишга на мажол бор эди... Ва мен шу аснода сизни танидим. Шамолнинг қўлини елкамда ҳис қилган ўша кундан бошлаб мен шеърларингизники эдим! Чин шоир борки, ҳаммасининг миллати бир! Чин шоир борки, ҳаммаси бир адабиётда жамланади! Бутун ер юзига тегишли бўлган шоирлар учун на масофа бор, на мадора! Шунга қарамай, абадий яшаш имконияти ҳаммага ҳам берилмайди... Менимча, шу имкониятни сиз аллақачон қўлга киритгансиз, Гекё Маринай!

*(Таниқли шоир, Техас университети профессори Гекё
Маринайнинг илк бор ўзбек тилида «46 саҳифа» китоби
нашр этилиши муносабати билан китоб муаллифига
ёзилган мактубдан. 2019 йил, декабрь)*



ОРЗУЛАРИ ТИРИК БОЛАКАЙ

Мирзоҳидга

Сиздан телеграм қутисига хат келиб тушганда, тун хали сочларим орасига ойни яшириб улгурмаганди. Мен ухламагандим. Юрагим мендан сал нарида хавотир аралаш менга қаради. Мен хатингизни шошилмай ўқидим ва ғижимланиб кетган хаёлларим ичидан сура-тингизни топиб олдим, орзулари тирик болакай! Сизнинг қисматингиз ухлаётган жамият ва уйкудан кўзини очолмаётган оломон қаршисидан чиқди... Сизнинг кийинчилигингиз менинг жин кўчадан мактабга бораётган болалигим олдида ҳеч нарса эмас. Ўша кунлари сумкамга ортилган оғир юрак билан мактабга бориб келарканман, йўл сира тугамаса дердим. Хаёлларим шу қадар узун эдики, йўл тугаса ҳам унинг иддаолари тугамасди, қаергадир кетгим келарди худди сиз каби! Ўйлардимки, кетсам, ҳаммасидан кетаман! Афсус, шу ёшимда ҳам шундай! Қаергадир кетиб қолгим келаваради... Аммо ҳозир мен тушуниб етган бир ҳақиқат бор, Мирзоҳид, дунё бир ер ва бир осмондан иборат! Бир тун билан бир кундуз айлангани айланган. Шу икки нарса қанча одамларни кутиб олиб, қанча махлуқларни кузатмади дейсиз! Бошқа ҳеч нарса йўқ. Қанча юртларга бордим, қанча мамлакатларни кўрдим, ҳамма жон талвасасида. Биз қутулмоқчи бўлган нарса аслида шу! Аслида, шунинг хумори! Сизни яхши кўраман!

2020 йил, январь

МЕҲР-МУҲАББАТ ВИРУСИ КЕРАК!

Мен дунёни жуда катта деб ўйлардим. Мен билган дунёнинг Осмонлари шу қадар баланд эдики, унга қараш ҳам кўрқинчли эди! Мусибат бутун бир инсониятни бир жойга йиғди. Бугун кўриб турибманки, танганинг бир тарафига сиғадиган дунёмиз бор! Бизлар эса ҳеч киммиз! Аммо яна бир нарсани ҳис қиляпманки, юрагимизда ўликни тирилтира оладиган меҳримиз, бугун яшаб туришимиз ва атрофимиздагилар, узоқдаги яқинларимиз учун зарур бўлиб турган Муҳаббатимиз бор. Бугунги кунда куёш нури қанчалик зарур бўлса, бир-биримизга бўлган меҳр-муҳаббат ҳам шу қадар аҳамиятлидир Менинг азиз дўстларим – бутун дунё шоир-ёзувчилари! Бугун сизларни меҳр-муҳаббат, инсониятни асраб қолиш, планета хавфсизлиги учун ҳажми 2-3 қоғоздан иборат бўлган асар ёзишга чақираман! Биз ўзимиз билмаган ҳолда кимларгадир малҳам бўлишимиз, шоир-ёзувчилар бутун коинотни асраб қолишимиз мумкинлигини, меҳр-муҳаббатга ҳеч қачон, ҳеч қандай вирус юкмаслигини исботлашимиз керак! Биз бутун Инсониятни кўзлари ёшсиз кўргимиз келаётганини ёзганларимизда акс эттирайлик! Сизларни чин қалбим билан яхши кўраман!

2020 йил, март



АДАБИЁТНИНГ ҲАМ ҚАРҒИШИ БОР

Бир куни бир шоир укамиз менга мактуб ёзди... Ёш шоирларнинг шеърларини чет тилларга таржима қилиш ва чет элларда чоп этилишига ёрдам беришимни сўради... Бу яхши! Ижодкор, албатта, ёзилган ва ёзаётган асарини чет элда ҳам ўқилишини истайди. Адабий муносабатлар яхши! Аммо... Ижодкор унутмаслиги керак бўлган шундай жиҳатлар ҳам борки, мен буни ўз ҳаётимдан келиб чиқиб айтаман. Ёзаётган асаримизнинг ҳам юқоридан белгиланган ўз тақдири борлигига ишонишимиз керак. Асарнинг таржима бўлиши ва ўқувчилар томонидан (миллатидан қатъи назар) қандай қарши олиниши шоир ва ёзувчининг хоҳишига боғлиқ эмас! Бу жуда ғалати жараён ҳар кимда ҳар хил фикр пайдо қиладики, баъзи саволларга жавоб беришга ҳам хижолат тортасан. Чунки ҳаёт яратилгандан буён инсон тақдири ҳали ҳам муҳокамада. Энди ёзиш мутлақо ўзингга боғлиқ бўлмагани каби унинг тақдири ҳам сенинг қўлингга эмаслиги ҳақиқатдир.

Ўз юртингизда қадр топмаган асарингизни қаерга кўтариб чопяпсиз? Сизни ўз юртингиздаки ўқишмаяпти экан, қайси хорижий юртдан умидворсиз? У ердаги одамлар сизнинг асарингизга муҳтожми?

Сиздан илтимос, ҳеч бўлмаса, ватанингизни ўйланг, миллатингизни оёқости, миллатдошларингизни хижолат қилманг! Агар ўз юртингизда ўқишаётган бўлишса, кўрқманг! Фақат озгина кутинг, ҳамма нарсанинг ўз вақт-соати бор. Бу ҳам худди инсоннинг қисматига ўхшайди. Ҳозирча ёзинг! Ёзаётган вақтингиздаги рухий

ҳолатингизни бир кузатинг (агар ўзингизда бўлсангиз), яхшилаб ўрганинг. Аслида, мана шу жараёндан ҳам яхшироқ нарса борми? Бошқа ҳеч нима арзимади-ку! Португалиялик адиб Жозе Сарамаго Нобель мукофоти олганда, журналистларнинг «Таассуротларингиз қандай?» деган саволига «Ҳеч нарса ўзгармади», деб жавоб қайтарганди. Сиз нимани ўзгартирмоқчисиз? Аслида, ҳақиқатан ҳам ҳеч нарса ўзгармайди. Наридан борса, ўқувчиларингиз озгина кўпаяр, лекин нима бўпти? Биз ёзаётган пайтимизда ўқувчилар ҳақида ўйлашимиз – мутлақо! Агар шоир ёки ёзувчи ёзаётганда ниманидир ўйларкан, яхшиси, ёзмасин. Ўйлашни уддалаётган экан, демек, ёзмаслик учун ҳам куч топа олади. Агар шундай қилолса, ёзганидан кўра кўпроқ нарсага эришиши мумкин. Энг яхши томони, ўзини бу дунёда кўп сарсон-саргардон қилмайди. Менинг табиатан шоир-ёзувчи бўлиб туғилган дўстларим кўп. Мана шу мақолани ёзиш жараёнида уларни кузатдим... Ўзи билан ўзи овора! Доим нима биландир банд, нима қилаётганини сўрасанг, ўқиётган китоби ҳақида гапиради, бир-биримизга халақит бермаслик учун кўп-да гаплашавермаймиз. Лекин гаплашмасак ҳам ҳар куни гаплашадиганлардан кўра кўп нарса биламиз бир-биримиз ҳақимизда. Қаредадир ёритилган суҳбат ёки қайсидир давлатда чоп этилган китоб учун табриклаб нимадир ёзсангиз, жуда қисқагина жавоб оласиз, бу ҳақда гапиргилари келмайди. Мен бу ҳолатни энди тушуняпман, энди-энди ҳис қиляпман. Сабаби, бошқа мамлакатларда, бошқа тилларда чоп этилаётган китобингизда сен қанча фоиз қолдинг?



Ўша сенинг исминг билан чоп этилган китобда фақат сенинг исминггина сеники бўлса, бу фожиа-ку. Доғистонлик шоир Расул Ҳамзатов каби таржимонинг бўлса, хавотир олмасанг ҳам бўлади. Лекин бу жуда қийин масала! Яхши таржимон топиш мумкиндир, лекин ўзингга ўхшаганини ҳеч қачон тополмайсан. Тилдан тилга бўлаётган таржималар ҳақида-ку гапирмасаям бўлади...

Шунинг учун кейинги пайтларда ёзишдан бошқа ҳамма нарса ҳеч нарсага арзимади, деган фикрга келдим. Фақат ёзиш керак. Ҳозирча жонимиз ўзимизда экан, ҳеч нарсани ўйламай, ҳар лаҳзамизда узилиб қолаётганимизга қарамай, бу дунё ҳақида унчаям ўйлаб ётмай ёзиш керак. Албатта, ёзгимиз келса!

Мен ўзимни ҳам қийнаган бир мавзуга тўхталгим келяпти... Ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим бўлган бир ҳақиқат бор – бу адабий фаросат! Биз хорижлик бирор шоир ёки ёзувчини таржима қилар эканмиз, ундан умидвор бўлиш, сенинг ёзганларингни у ҳам ўз тилига таржима қилиши ҳақида ўйлаш ҳам бизнинг абадий фожиамиздир! Бу жуда уят! Сен уйингга меҳмон чақириб, эртага ўзинг ҳам унинг уйида меҳмон бўлишинг ҳақида ўйлаш каби жирканч бир нарсаки, уни сўз билан тасвирлаб бўлмайди!

ЎЗИМ БИЛАН ЎЗИМ





МЕНИНГ ҲАЁТИМ

География дарси тугагандан сўнг Бельгия ўрмонлари ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолгандим. Кўзимга осмонўпар дарахтлар, уларга тиллақош каби осилиб турган олмаҳонлар, бўрилардан қочиб юрган – ўтакаси ёрила-ёзган куёнлар келарди. Айниқса, менга ўрмонни бошига кўтариб, ўкириб чиқиб келаётган шерлар ёқарди...

Шундай пайтлар дарсга кириш учун чалинган қўнғи-рокларнинг овозидан чўчиб тушардим. Бир-бирларига ҳазиллар қилиб, сув сепиб юрган синфдошларимни кўриб эса ўрмон аллақачон эсларидан чиқиб кетганига хайратланардим.

Йўлнинг икки четидаги пастак дарахтларни (менга шундай кўринарди география дарсидан кейин) Бельгия ўрмонзорларидаги баланд-баланд дарахтларга солиштириб уйга қайтардим. Елкамга ботиб кетган оғир сумкамни кўтарганча уйга кириб келсам, синглим телевизор бор хонага чопиб кириб, алланарсани олиб чиқади-да, онамнинг орқасига яшириниб менга кўз-кўз қилиб ея бошлайди.

Бобомнинг вафотидан кейин аза қўйлагини ҳали ечмаган ойим чўнтагидан нимадир олиб менга ҳам узатади. Бу устига куённинг сурати туширилган конфет эди. Менинг хурсанд бўлиб кетишимни кутган ойим индамай қўяқолганимни кўриб, қанд берганига пушаймон бўлгандай ошхонага кириб кетади.

Ичкарида жойлашган ўзимнинг кичкина хонамга киришим билан ортимдан қўлида қалам ва ўчирғич кўтарганча синглим кириб келади. У конфетни еб қўйишим-

дан қаттиқ чўчиган бўлса керак, улгуриш учун терлаб ҳам кетганди.

– Алмаштир, – дейди конфетдан кўзини олмай.

Менга қалам билан ўчирғич ниҳоятда зарурлигини синглим қаердан била қолди экан? (Бугун ўрмоннинг расмини чизмоқчи эдим.) Лекин ирисқандни ҳам егим келаётганди-да. Ҳа, майли, қалам билан ўчирғич кўпроқ керак! Синглимга кўлимни узатсам, у ҳам менга кўлини узатди. Аввал ирисни кўлига олиб, кейин кўлидагиларни менга берди-да, ирисни қоғозидан бўшатиб, шундай ея бошладики, умрбод кўзимнинг олдида қолди! Ундан ҳам кўра менга таъсир қилгани бошқа нарса эди. Кийимларимни алмаштириб ҳовлига чиқаётсам, кўлида қалам, ўчирғич ва чиройли гуллар ва кушларнинг суратлари туширилган расм дафтари билан ойим кириб келсалар бўладими? «Ялт» этиб синглимга қарасам, синглим аллақачон ирисни еб бўлган кўйи менга тиржайиб турибди.

Кейин маълум бўлишича, онам синглим билан шаҳарда яшайдиган опасиникига боришган ва йўл-йўлакай ўқув куруллари сотиладиган дўконга кириб, у-бу нарсалар харид қилишган. Ҳеч нарсадан қуруқ қолмайдиган синглим ҳам хархаша қилиб қалам билан ўчирғич олдирган. Ирисга келсак, онамнинг опаси болаларингга берарсан, деб бир кафт ирисни чўнтақларига солган, синглим эса онамнинг, тишинг оғриб қолади, дейишларига қарамай йўл-йўлакай конфет еб келган...

Куни бўйи синглим кўзимга ёмон кўринди. Куни бўйи куённи тутмоқчи бўлган бўридай юрдим. Наргиз ҳам ўз айбини билиб менга яқинлашмади.



Кечга томон телевизорда намойиш этилган табиат мавзусидаги кўрсатувгина кўнглимдаги ғуборни туман каби тарқатиб юборди. Унда ўрмонда бўлаётган воқеалар намойиш этилаётган эди.

Шерлар бир-бири билан уришаётган, илонлар жамики майда жонзотларни еб битираётган, мен номларини билмайдиган қайсидир ҳайвонлар қайсидир ҳайвонларни тишларида эзғилаганча, оғзиларидан қон томиб чопиб кетаётган эди...

Эрталабдан буён хотирамдан чиқаролмаётганим – ўрмон кўзимга жуда ваҳший бўлиб кўринди.

– Кеча газетадан ўқидим, Россия ўрмонзорларида бўрилар кўпайиб кетганмиш, – дедилар дадам телевизордан кўз узмай.

Қарасам, хозиргина бидирлаб турган синглим кўрпача устида ғужанак бўлиб ухлаб ётибди.

Ойим қарамай турган пайтларида билдирмайгина юзидан ўпиб қўйдим.

1989 йил, август

ЎШАНДА ҲАМ ЁМҒИР ЭДИ

Баъзан одамга бахт ҳам халақит қиларкан... Баъзан атрофингдаги яхши одамлардан асабийлашаркансан! Шундай бўлмаганда эди... худди бошқача бўладигандек! Ўшанда ҳам ёмғир эди... Ўшанда ҳам ёмғир ёғаётган эди... Кушлар каби қунишибгина турган дарахтлар томоша қиладиган аҳволда эмас, кушлардан эсаном-нишон йўқ эди! Мен сени ўша қуни кўрдим... Агар ўша қуни бўлмаганда мен сени кўрмасмидим! Ёмғир ҳамманинг кайфиятига таъсир қилган ўша кунда сен шеър ўқидинг! Негадир ғалати бўлиб кетдим, нигоҳларим титраб кетди. Ёшлигимдан сўздан таъсирланиш касалим бор, балки ўша хуруж қилгандир! Аммо бармоқларимдаги ҳаяжонни яшириш қийин эди... кейин... фақат ўша кундан кейин, ҳозиргача ҳам жуда олис-олисларда кимдир шеър ўқийди. Тоғлар эсан акс садо беради! Овоз келган тарафга кетгим келади баъзан... пиёда бўлсан ҳам майли, ҳеч нарса керакмас... дуру марваридларим, узукларимгача қолдираман! Мен уларга қўл силкишга розиман, мени қўйиб юборсалар бас...

1989 йил, октябрь



МЕН БУТКУЛ ЎЗИМНИКИ ЭМАСДИМ

Бизлардан яшашни ўрганган октябрнинг ўша тонги ҳаёт тирик эканини бутун дунёга маълум қилди! Дераза олдида ибодат қилаётган икки жуфт кўз дунёнинг дарбозаси каби Маккадан маҳшаргача очилган эди. «Худога раҳмат айт, бир умр ибодат қилишга сўз бер», дерди бири иккинчисига. «Ичимда айтсам ҳам бўладими», дерди овозидан ийманган иккинчиси. «Бўлади, фақат тезроқ, тезроқ айт. Биз айтмоқчи бўлган гапларни бошқа биров айтиб қўймасин...» Улар шу қадар бахтли эканларига қарамай ибодат қилишнинг унутишмасди... Худони эсдан чиқаришмас, шу бебаҳо кунларни ҳадя қилгани учун тинимсиз Худо ҳақида гапиришар, йиғлашарди.

Дераза ойнасидан кўчага қарадим! Қани бирор нарсани кўрсам? Отиб келаётган тонг юмшоқ нафаси билан сочларимга эгилганида ичимдан отилиб чиқаётган йиғини қайтариб қолишнинг сира иложи йўқ эди. Бу йиғида норозиликдан кўра шукроналик туйғуси устун эдики, менга қараб турган қарши тараф деразаларию кузнинг ҳали батамом тўкилиб улгурмаган япроқларигача сезиши қийин эмасди. Аҳвол кеча бошқача эди. Ҳеч нарсани кўзларим кўргиси келмас, кўриниб турган жамики нарсалардан ижирғанардим! Менга нима бўлаётганини тушунмасдим, ойнадан қараб турган нигоҳларим тешиб юборай дерди бутун дунёни. Бугун эса... Мен шунча йил яшаб биринчи марта шундай сокин эдимки, мен буткул ўзимники эмасдим. Кечаги

мендан асар ҳам йўқ эди. Хотиржам нигоҳлар, хумор кўзлар кимнидир соғина бошлагандики, албатта, буни ҳам Аллоҳ билан боғламаса, ношукирликнинг энг юқори чўққисига тенглаштириш мумкин эди! Энг қизиғи, бутун дунёни севаётган эдим. Менга жуда катта бўлиб кўринган осмон кафтларим орасида турганга ўхшар, мен уни кўзимга суртардим. Кўзимга суртиб йиғлардим. Баногоҳ чертилган эшикдан кўз ёшларимни яшириб ўтирмадим. Ким бўлса ҳам йиғлаётган одам эканини билардим! Чунки шу маҳал, менинг бутун умрим шу тонгга ўзини маҳкум этган пайт бошқача бўлиши мумкин эмас эди. Мен кечаги эмас, мен бугун, ҳозир туғилган яп-янги одам эдим...

1990 йил, октябрь





ОСМОН ЖИМ ЭДИ

Менимча, бу эшик ҳали ҳеч кимга очилмаган! Ўша кунни биринчи марта очилди ва биринчи марта муҳаббат кириб келди... кучокларини очиб! Бирдан ҳамма тараф жимиб қолди. Ҳамма хонага виқор билан кириб келган муҳаббатга қаради. Сукунат ўзини унинг оёқлари остига ташлади. Минг йиллардан буён деворда осифлиқ турган сурат ҳушини йўқотди ва маст одамлар каби ўзини унинг кучоғига отди.... Ер бир лаҳзада дунёни саккиз юз етти марта айланди. Чироклар йигирма марта ўчиб-ёнди! Парданинг ортига яшириниб турган дераза бир кўзини бармоқлари билан яшириб, ўнг кўзи билан ўн маротаба қаради. Аммо икки вужудсиз юрак бирлашиб кетган, ажралиш кераклигини иккиси ҳам унутган эди. Уларни кутиб-кутиб чарчаган жиҳозлар яна ўзларини ишларига шўнғиб кетишди. Фақат елкасига йигирма уч рақами ёзилган тун деразадан ҳаяжон билан қараб турарди. Икки юрак эса на тунни, на бошқа нарсани кўрарди. Жим туришларига қараганда улар мана шу ҳолатларида аввал бирга яшамаган кунларини яшаётган эдилар. Аввал кўрмаган дунёларини бирга саёҳат қилаётган эдилар. Ташқарида осмон жим, уларни кўриб кўрмаганга олар, айтиш мумкинки, уларга худди кўриқчилик қилаётганга ўхшарди. Бу хонадан ўтиб кетаётган вақт уларнинг олдида яқинлашганда бир лаҳза тин олди. Сўнг дунёни икки минг ўн тўққиз марта айланиб чиқди. Аммо икки қалбнинг олдидан ҳар ўтганда негадир уларга раҳми келар, секингина кўз ёшлари-

ни артиб қўярди. Неча йиллардан буён бир-биридан ажралолмаётган икки юрак эса бор-йўғи икки ярим кун яшаган эди...

1990 йил, ноябрь





ДУНЁНИНГ ҲАММА НАРСАСИ БОР

Дунёнинг ҳамма нарсаси бор... Ҳамма нарсаси етарли. Лекин унга атаб нимадир совға тайёрлагим бор, туғилган куни қачон экан? Болалигимда энг кўп ўйлайдиган нарсам шу эди... Бир куни беихтиёр онамдан сўраганман: «Худонинг туғилган куни қачон?» Нима деганлари ҳозир эсимда йўқ, лекин онамнинг катта очилган кўзларини ҳали унутганим йўқ. Шу биргина қараш етарли бўлган, қайтиб сўрамаганман... Лекин онам дадам ишдан келишлари билан мени эшитиб турганимни билмай, чақимчилик қилганлар: «Қизингиз Худонинг туғилган куни қачон?» – деб сўради...» «Ўзи шу қизингнинг саволлари ғалати...» Бу бошқа гапирмай кўяқол, оҳангидаги гап эди. Тавба... Нега ғалати бўларкан? Ахир, ҳамманинг туғилган куни бўлади-ку... Шу кундан бошлаб ҳатто ўқитувчиларимга савол бераётганимда ҳам саволим ғалатимасмикан, деб ўйлайдиган бўлдим. Бугун яна шу кайфиятдаман... Ҳаётни табриклагим келяпти! Ҳеч йўқ кўзимнинг очиклиги учун, яшаётганим, яхши кўраётганим ва ўзимнинг тириклигим билан ҳаётни табрикласам бўлармикан?

1996 йил, август

МЕН ҚАЕРГА ЖОЙЛАШГАНМАН?

Мен қаердаман ўзи? Дунёнинг қаерида жойлашганман? Бошидами, ўртасида ёки чекка-чеккасидами? Қаердаман? Менга қараб турган мана бу дарахтлар чиндан ҳам дарахтлармикан? Улар ҳам мен каби йиғлармикан? Йиғлай олармикан мен каби... Юраги ўртанганда нимадир ёзармикан? Ёзмаган тунлари тонгда нега кўз очганидан пушаймон ермикан?..

1999 йил, сентябрь





* * *

Сочларини ёйиб, шамол ҳовлимга кириб келганда мен хаёлларим билан ёлғиз чой ичаётган эдим. У тўғри келиб, мен неча йиллар аввал яхши кўрган, ҳозирда батамом унутган атиргул пояларига оёқларини чалкаштириб олганча мендан кўз узмай ўтираверди. Мен янги қуйилган, ҳали буғи ҳавода айланиб, шакллар ясаётган чойимни унинг башарасига сочиб юбориш ҳақида ўйламадим. Раҳмим келаётганди унга. Қовжираб қолганга ўхшаган оёқлари қирмизи атиргулга тегай-тегай деб турган эдики, мен ўзимни зўрға босиб турардим. Худди тегиб кетса, мени жоним чиқиб кетадигандай эди. Кўзим тиззам устидаги Булгаковнинг китобида бўлса ҳам, икки хаёлим қовжираб қолган оёқларда эди. Икки саҳифа ўқидим ва унга қарадим! У тебранганча мени кузатишда давом этарди. Кейин яна ўқишга тутинарканман, қаерда тўхтаганимни тополмаганимдан билдимки, миямга ҳеч нарса кирмаётган эди. Шамолни сўкиб бўлмайди, дердилар онам. Шамолни сўкиш-ку ниятим ҳам йўқ, бу шамол озгина чидасам, ўтиб кетади, аммо ичимдаги шамолни тўхтатиб бўлмаслигини ўйласам, юрагим орқага тортиб кетади. Ва бу шамолнинг қовжираган оёқларини ҳам яхши кўриб қоламан. Беозоргина, беозоргинам!

2000 йил, март

НИМАДИР ҚОЛЯПТИМИ ЎЗИ?

Шеърларим жудаям саёз. Мен буни ёзганим сайин англаяпман. Ўқиганим сайин ҳис қияяпман. Наҳотки, шу ҳолда тўртта китобим чиқди? Нималар қияяпман? Наҳотки, ҳамма нарса мумкин? Қаерга кетяпман? Худо кўрсатган йўлдан ўзимни қандай олиб ўтяпман? Нималар қоляпти? Нимадир қоляптими ўзи? Саволлар чақмоқ каби столимда «портлайди». Ёшга тўлган кўзимни олиб қочаман. Ҳар тугул, олиб қочишни биламан.

Ҳануз мудраётган юрагимни тирилтирмоқ учун чопаман. Қани бунинг уддасидан чиқиб бўлса! Бир кун «Ҳамма нарса ёзиб бўлинган», деган жавоб. Бир кун «Ёзишга ҳеч нарса арзимаиди», дегандай гап... Бу гапларга ишониб бўпман.

Ўзимни ўнг қўлимда айлантириб туриб отаман. Китобларга урилиб қайтаман. Баъзан пешонамда пайдо бўлган ям-яшил доғни кўриб қувонаман. Баъзан сочларимни силаётган қўлни кўриб хайратланаман...

2000 йил, август



ҚОРАЧИҚЛАРИНГДА КИМНИНГ АКСИ БОР?

Нега йиғлаётганингни билмайсан... Ахир, йиғлаётган одам ўзингсан-ку, ўзингнинг кўзинг-ку, биллур томчилар юзингни юваётгани рост-ку, нега, нима учун йиғлаётганингни билмайсан. Наҳотки, йиғламаслигининг иложи йўқ? Бу нима дегани? Атрофга аланглайсан, бу дунёда кўриб бўлмайдиганни соғинганинг аниқ, нега қидирасан? Тополмаслигинингни билиб туриб қидираверасан? Кўзингда кулги билан қидирасан, кўз ёш билан қидирасан, қидираверасан! Бу дунёда йўқлигини биласан, тирик турганингда кўролмаслигинингни билиб туриб ҳам ўлгинг келмайди. Нега? Ақлу хушингни олиб қўйган бу дунёга шунчалар маҳлиё бўлдингки... Баъзида ўлгинг келади... сабабини тополмайсан... Уни кимдан қидирган бўлсанг, энг кўп ноҳақликни ўша инсонлардан кўрасан. Ҳатто, бунга ўзинг амин бўлдингми ёки бирор жойда ўқиганмисан, фарқлолмайсан ҳам! Нима бўлса ҳам, ҳеч кимни Ундан кўп яхши кўрма! Айниқса, ибодат вақтида эҳтиёт бўл! Унинг пойига тиз чўкиб, бошқалар ҳақида ўйлама... Айниқса, йиғлаётганингда қара, қорачиқларингда кимнинг акси бор? Кимнингдир акси борми? Балки... балки Унинг ўзидир!

2000 йил, август

ЙЎҚОЛИБ ҚОЛИШДАН ҚЎРҚАДИМ!

Онамнинг кўйлаклари узун эди! Мен онамнинг эта-
гида ўралашганим ўралашган эди. Кўйлак этагини кўй-
иб юборсам, онамни йўқотиб қўядигандек туйиларди.
Йўқолиб қолишдан қўрқардим. Баъзан кўчада ҳам шу
холат давом этарди. Одамлар келяпти, кўйлагимни
кўйиб юбор, дердилар онам. Қўлларимни секингина
бўшатардим. Одамлар ўтиб кетиши билан яна қўлла-
рим кўйлак этагини ғижимларди... Мен ўша кунларни
соғинаман! Ҳаётдан қўрққан кунларим онамнинг узун
кўйлакларининг этагига яширингим келади! Атро-
фимда эса ўша кунлардан қолган узун хотиралардан
бошқа ҳеч нарса йўқ... Онамнинг кўйлакларидан ҳам
узун хотиралар...

2002 йил, август





«БАЛИҚЧИ ЙИГИТНИ КЎРМАДИНГИЗМИ?»

Хали осмон тўлиқ уйғонмаган, шаҳар кўзларини ишқалаб, ўрнидан туришга энди ўзини чоғлаётган пайт эди. Улар денгизни томоша қилиш учун йўлда боришарди. Бу шаҳар нафақат уларга бегона, улар ҳам атрофдаги ҳамма нарсага ҳадик билан боқар эдилар. Ўзлари ҳам бу ҳадикнинг сабабини тушунишмас, бу шаҳарга келиб тўғри қилдиларми-йўқми, хануз шу ҳақда фикр юритардилар. Улар денгизга яқин келганларида, билдиларки, денгизнинг бу тарафлари инсонлардан қатъиян ҳимоя қилинар экан! Улар жимгина ортга қайтаётган вақт шу ерлик одамлар уларнинг бу ерлик эмасликларини пайқадилар ва ҳурмат кўрсатиш мақсадида бир хизматкор болага уларни денгизни айлантириб келишга буюрди. Қиз уларнинг тилини билгани учун у бола билан бемалол гаплашар, денгиз билан боғлиқ ҳар хил саволлар берарди. Балиқчи бола билан гаплашганининг асосий сабаби, фақатгина тил билгани эмас, қўллари қора меҳнатдан қавариб кетган бу бечора болага раҳми ҳам келаётганди. Қиз балиқчи билан гаплашганда, йигит узоқ-узоқларга қарар, нималарнидир ўйлар эди. Унга сари қиз балиқчи билан кўпроқ гаплашардики, кўринишларидан кўриниб турган бу икки зиёли, ўзига тўқ одамлар балиқчини назарга илмагандай кўриниб қолишдан ийманарди. Хуллас, ярим соатча денгиз айланишгандан кейин йигит ва қиз балиқчига раҳмат айтиб, хоналарига қайтишди. Бу воқеанинг эслашнинг сабаби, балиқчи қизнинг хаёли-

да қўллари кир, бир бечора балиқчи каби қолган бўлса ҳам, аммо йигитнинг хаёлида қиз билан яхши суҳбатлашган балиқчи йигит бўлиб қолди! Бу қизга азоб берар, қанча тушунтиришга ҳаракат қилмасин, йигит тушунай демасди. Йигит ҳар сафар балиқчи бола ҳақида гапирганда, қиз ўзини денгизга тушиб кетгандай ҳис қиларди. Энг қизиғи яқинда бўлди... Қиз бола билан кечирган ўша кунларни хотирлаб, уларнинг бахтли кунлари кечган ўша йўллар сари йўл олди. Атрофида ҳеч ким йўқмиди ёки қизнинг кўзи ҳеч кимни кўрмадими, йиғлайверди, йиғлайверди... Юзларини шиддат билан юваётган ёшлар қаердан келаётганига қиз ҳам ҳайрон бўлар, бу қалбидаги муҳаббат ва соғинчнинг борган сари юксалиб бораётгани, йигитнинг қиёфаси эса қиз билан бутун дунё ўртасига қўйилган тирик девор каби эди. Ўша куни қиз хотиралар илдиз отган, уларнинг кўз ёшларидан униб чиқаётган майсаларгача расмга олди ва йигитга расмларни юбораркан, маҳбубига севгисининг суратларини юборгандек мамнун эди. Аммо... ҳеч қанча вақт ўтмай йигитдан келган мактуб қизнинг кўз олдида ер ва осмонни чирпирак қилиб ташлади, унда қуйидагича ёзилган эди: «Балиқчи йигитни кўрмадингизми?»

2003 йил, декабрь. Туркия, Истанбул



* * *

Ҳаёт ва ўлим.

Менинг йиғи ва табассумим орасида сакраб юрган
бахтиёр қизалокқа ўхшайди...

2004 йил, август

ҚАРЗ

Менинг ёшлигимни қайтариб бер, ҳаёт! Қарзимни
сўраб турибман эшигинг олдида. Сен эса эшитмаганга
оласан ўзингни. Мен эса ўзингдан ўрганган ақидамни
қўллайвераман – эшигинг олдида сурбетларча тураве-
раман – сенинг чиқиб қолишингни кутиб. Сен бари-
бир чиқасан-ку, тўғрими? Мени кетган дея гумонсираб
барибир чиқасан-ку...

Ўшанда мен сенинг оёқларингга йиқиламан. Йиғлаб
ёлвораман: ёшлигимни қайтариб бер, ҳаёт! Фақат сен
ҳеч нарса сўрама... «Сен ҳам олган қарзларингни қай-
тар», дема. Менинг олганларим олдида сеники ҳеч
нарса эмас... Уларни сўрай кўрма. Уларга тегма. Ахир,
фарзандларим олдида ёшлигим нима деган гап?!

...Ҳаёт, мени кечир. Ҳеч йўқ титраётган қўлларим
ҳаққи, кундан кунга нурсизланиб бораётган кўзларим
ҳаққи, мени кечир. Мен сендан ҳеч нарса сўраганим
йўқ. Сен ҳам сўрама...

2004 йил, сентябрь

ҚАЕРГАДИР КЕТСАМ

Қаергадир кетсам...

Ҳаётимни бошқатдан яшасам...

Ҳеч ким кўрмас ва кўринмас жой бўлса-ю, яшири-
ниб олиб ўз устимда ишласам. Ҳар лаҳза панд бераёт-
ган саводсизлигим жонимга тегиб кетди.

Ҳаётда байрамлар шу даражада кўпки, улардан
қочиб қутулишнинг сира иложи йўқ. Мудом кулиб
юришлар-у, турфа кийинишлар, сочларингни ҳар тур-
га бўяшлар...

Оҳ, булардан тезроқ қутулсам эди... Бу кетишда жин-
ни бўлиб қоламан. Балки жинни бўлиб бўлгандирман.

2004 йил, ноябрь





ЭНДИ МАКТАБГА БОРГАН КУНЛАРИМ ЭДИ

Мактабга энди борган кунларим эди...

Ботинкамни тескари кийиб мактабга борганман. Ва буни бир синфдошимнинг оёғимга қараб қолганидан тушуниб олганман. Чунки уйдагилардан жуда кўп дакки эшитардим бу борада...

Ўшанда...

Синфдошимнинг қарашларидан ботинкамни тескари кийганимни англашга англадим-у, синфдошимнинг олдида тўғрилаб кийишга ғурурим йўл қўймади. Унинг нима биландир андармон бўлишини ёки мендан узоқроққа кетишини кутиб турдим...

Бугун ҳам шундай... Мен ҳаётимни ўзимники деб ишонаман. Уни ўзимга қулай томонидан кийишни яхши кўраман. У менга ярашадими, йўқми, ким нима деб ўйлайди, аҳамияти йўқ. Бунинг оқибатида баъзан бўлиб турадиган йиқилиб тушишлар ҳам менга ёқади...

Айтилишида, биргина ҳарф билан фарқ қилиб турган ҳаёт ва ҳаёл менинг ҳаётимда унчалик ҳам аҳамият касб этмайди. Ҳаёлда яшаш кўпроқ завқ беради. Мен шу сабабдан ҳар икковини адаштириб юраман.

Одамлар билан қандай гаплашиш, қандай муомала қилиш кераклигини билмайман, дарбадарларча шеър-га кетиб қолавераман...

2005 йил, июнь

ШУ БИЛАН ҲАММАСИ ТУГАЙДИ

Бошқа дунё йўқмикан, кетсам! Ҳаммасини унутсайдим... Бу дунёда яшаётганим эсимдан чиқса! Бу асло ношукрлик эмас, ҳаммаси учун шукр! Ҳаммаси учун ташаккур! Аслида, мен яшаётган ҳар бир лаҳза кимларнингдир етолмаган орзуси! Кимлардир бутун умр орзу қилган ҳаёт. Аммо мен кимлардир эмасман! Мен ҳар кунимни мўъжизалар билан яшайман! Ҳар кунимни ўзим кутиб оламан! Мен ҳар тонг (аслида, менда тонг билан туннинг фарқи йўқ) ўзим учун янги кунни кутиб оламан! Мутлақо янги кун! Ҳали ҳеч ким яшамаган, ҳали ҳеч ким ўлмаган яп-янги бир кун! У менинг ҳаётимга кириб келади ҳаяжон билан! Ва қоронғулик тушиб бир-биримизни танитай қолгунга қадар мен билан яшайди! Кетаётганга қараётганини сезиб тураман... Чунки у мени бошқа кўрмайди! Ҳаётимда бир кунгина меҳмон бўлган кун мендан кетаркан, оғир-оғир ҳўрсинаётганини, қарасам, йиғлаб юборишини биламан. Мен ҳам зўрға тишларимни тишимга қўйиб чидайман! Ўкириб юбормаслик учун кўзларимни олиб қочаман! Лип этиб яна янги кун кириб келиши билан мен уни унутамаман ва яна янги кун билан яшай бошлайман! Мен яшаб қолдирган кечаги кун қаерда қолди? Ҳаётимнинг қайси бурчакларига беркинди? Мен унда яшаганим ростми? Шеър ёзганим-чи? Севги мени ҳар кўйга солганда қаерда эди у? Менга қараб раҳми келганмиди ёки қулгисини қайга яширишни билмасмиди? Шунча яшаган кунларнинг ичидан бор-йўғи ик-



кита кун қайд этилади! Сен туғилган ва ўлган кунинг!
Бошқа кунлар сен ечиб қолдирган кийимлар каби
муҳтожларга армуғон этилади ёки шкафнинг бир бур-
чида қолиб кетади... Ўзинг билан олиб кетадиган икки
кунга исминг ёзилади, шеърларинг тамға каби босила-
ди, суратинг борасида баҳслар бўлади... ва бир сурат
суратларинг ичидан танлаб олинади! Сен ҳаммасини
билиб турасан, айниқса, сурат танлашаётганда гапир-
гиларинг келиб кетади! Тириклигингда унга ёққан энг
яхши суратингни қўйишларини чунонам хоҳлайсанки
ва ўша суратни ҳайкалтарошнинг қўлида кўриб, кўн-
глинг жойига тушади... Шу билан ҳаммаси тамом! Шу
билан ҳаммаси тугайди...

2006 йил, апрель

ТЎЛҒОҚ

Мен негадир одамларга қараб уларнинг мурдаларини кўз олдимга келтирадиган, чиройли ёки бадбашара бўлишлари ҳақида ҳаёл сурадиган бўлиб қолдим. Бунга қўшни хотиннинг ўлими сабаб бўлди. Ҳамиша турмуш ўртоғи, фарзандлари ҳақида қайғуриб юрадиган бу аёл ўлмасидан уч кун олдин тирик эди. Биз бир томони боғ, иккинчи томони бизнинг уй билан туташ йўл ўртасида чамаси ярим соатлар суҳбатлашган эдик. Ўшанда кимдир бу фаришта аёлнинг уч кундан сўнг ўлади, деса, зинҳор-базинҳор ишонмаган бўлардим.

Хуллас, унинг ўлими ҳақидаги хабар қулоғимни тешиб ўтгандай бўлди. Нимаси биландир яқин бўлиб қолган, онамдай меҳрибон бу аёл билан видолашиш учун шошилдим. Унинг уйига иккинчи маротаба киришим эди. Аввал бундан икки йилча бурун нима иш биландир кирганимда мени қўярда-қўймай ҳозир ўзи ётган уйнинг бериги хонасига олиб кирган ва елиб-югуриб меҳмон қилган эди. Бугун эса мен унинг оқариб кетган мурдаси ёнида турарканман, (менда камдан-кам бўладиган ҳолат) негадир кўз ёшларимни тийёлмасдим. Бу ҳолат ўзимга ҳам ғалати туйилмоқда эди. Чунки мен ҳаётимда жуда кўп мурдаларга дуч келдим. Бувим, бувам, амаким, кўп қаватли уйдаги тўртта-бештача қўшним ва ҳоказо...

Ҳар гал ҳаётнинг бу дахшатли ўйини қаршисида ўзимни йўқотиб турсам-да, менинг бу ишга дахлим йўқдай ўзимнинг ўлимим ҳақида ўйлаб ўтиришдан нарига ўтмасдим. Ҳатто бир гал катта аммамнинг мен-



га эшиттириб қизини уришгани, «Йиғла, одамлар кулиб кетади», дея берган танбеҳини ўз қулоғим билан эшитганман. Ҳолбуки, қизи белларини боғлаб, дунёни бошига кўтараётган эди...

Қайсидир куни яқин бир танишимнинг уйига меҳмонга бордим. Ўта оққўнгил бу аёл билан олдинлари қандай суҳбат қурганимни ўйлаб даҳшатга тушдим. Чунки у мен бу дунёда суҳбатлашсам бўладиган ягона аёл эди. Мен бу гал унинг уйида худди тўлғоқ тутаётгандай ўтирдим. Ҳатто хаёл сурсанг ҳам хаёлингни уқиб оладиган бу аёл негадир буни сезмаётган эди. Ниҳоят, менинг хаёлларим унинг мурдасига урилиб портлаб кетди. Чунки у мен кўз олдимга келтирган мурдалар ичида энг ёқимтойи эди.

2006 йил, июль

АДАБИЁТСИЗЛИК БИЛАН ИМТИҲОН ҚИЛМА!

Мени суяниб турганим ҳам адабиёт! Агар у бўлма-са, мен мувозанатимни йўқотаман! Шу куннинг, шу лаҳзанинг ўзида ернинг остига тушиб кетаман! Аллоҳим, мени адабиётсизлик кўйига солма, адабиётсизлик билан имтиҳон қилма! Ёлвораман, ҳаёт қўлимдан чиқиб кетади, ўзимни ҳам ушлаб қололмайман...

2007 йил, апрель

ҲАР ОЛГАН НАФАСИМ УНИКИ

Бу севги оғирлик қияпти, кўтариб юролмаяпман!
Жуссам эгилиб кетяпти ерга! Қаерда эди бу қадар
соғинч, қаерда эди бу муҳаббат? Юрагимда яшаётган-
миди, ўзини кўрсатгиси келмаётганмиди? Қаерда яши-
ринган эди у? Ҳар олган нафасим Уники, ҳар босган
кадамим Унга! Кўзларимнинг атрофга жавдирашига
дош бериб бўлсайди? Киприкларимнинг жонимга сан-
чилиб оғриқ беришига чидасам, юрагим жойида тур-
ганига ишонч ҳосил қилсам ва яна озгина, озгина қол-
ганига ишонтиролсам эди... Ҳаммаси барҳам топади!
Ҳаммаси...

2009 йил, ноябрь





ҲАЛИЯМ БУ ДУНЁГА ЖОЙЛАШГАНИМ ЙЎҚ!

Менинг туғилмаган кунларим неча ёшда, билмайман. Ҳалиям ёш боламан! Ҳалиям одамлар билан қандай гаплашишни, ўзимни қандай тутишни билмайман. Бизга қайси кўлимизга қошиқ, қайси кўлимизда санчқини ушлашни ўргатишган, аммо ўзимизни қандай ушлашимиз мумкинлиги ҳақида лом-мим дейишмаган. Ҳалиям бу дунёга жойлашганим йўқ! Ҳалиям муаллақ турибман! Дунёни яқиндан кўргим келади. Ушлагим келади баъзан осмонни! Юлдузлар оралаб кезсам... Ва чўнтақларимни юлдузга тўлдириб кўчага чиқсам! Ҳаммадан қочиб юрадиган шамолни тутиб, узоқ-узоқ суҳбат қилсам... Менга нималар ҳақида гапирар экан? Нариги дунё ҳақида гаплашгим келади дарахтлар билан! Қаерга ботиб бораётгани ҳақида куёшдан сўрагим келади. Қаердан келаётганини тонгдан! Қушларнинг қаерга бориб яшаб келишларини, денгизнинг сўнгги манзилини билгим келади. Мен ҳам бу дунёга куёшдай ботармиканман? Баъзан ернинг оғриқлари елкамга кўчади. Чинқириқлар эшитилади қулоқларимга. Тушларимга киргим келади. Ухлаётган тасаввурларимни уйғотгим келади. Кўчада ёмғирни кутаётган пайтларим мен сени кўзимнинг олди-га келтира оламан! Киприкларимни ушлаб, кўзларимдан тушиб келасан бармоқларимга. Мен шу манзарани яхши кўраман. Мен шу манзарани кўриш учун яшаяпман.

2010 йил, февраль

ҲАРФЛАРДАН ХАФА БЎЛАРДИМ...

Бир сўз... бир кун яшашим учун кифоя! Бир сўз... бу дунёдан кетишим учун етади! Нега сўзга бу қадар эҳтиёжим баланд? Менинг ҳаётимга ҳарфлар бир-бирини қўлларида ушлаб, бир-бирини етаклаб кириб келган... Ҳамиша кичкина ҳарфларга раҳмим келарди. Қачон қарасам, йиқилиб тушаётган кичкина ҳарфларни катта ҳарфлар тургизиб, чанглари қоқиб қўяётгандай туйилаверарди... Кўзимни катта-катта очиб қарардим, кичкина ҳарфчалар қорачиқларимга яширinarди! Фақат вергул ва нукта билан чиқишолмасдим, уларни ўлдириб қўйгим келарди... Ҳарфлардан хафа бўлардим, шуларни эргаштириб юрмаса, нима қиларкин? Кейинчалик уларни ҳам яхши кўриб қолдим... Матнлар ичида ухлаб қолган тунларим улар менинг пинжимга кириб оладиган одат чиқарди, нуктага-ку тез ўргандим, аммо вергулга ўрганиш сал қийин кечди. Чунки бир вергулдан 20 дона нукта яшаш мумкин эди. Ҳозир эсласам, куламан, мен ўзимни уларсиз тасаввур этолмайман.

2015 йил, апрель



МУҲАББАТ УЧУН ИМКОН БЕРАДИ

Табиатан бахтли одамман! Бу ҳақда энди-энди ўйлайдиган бўлдим. Бировдан хафа бўлмайман, хафа бўлсам ҳам қисқа вақт ичида ўз ишларим билан батамом унутаман. Ҳаммани яхши кўраман! Ёмон одамлар бор бўлса, бордир, лекин менга дуч келишмаган. Бировдан ёмонлик кўрмаганман. Ўзим билмай ёмонлик қилган бўлишим мумкин. Фақатгина одамлар эмас, кўзимга кўриниб турган ҳамма-ҳамма нарсга менга тегишлидай туйилади, яхши кўравераман. Узилиб тушаётган барглар билан бирга ер билан битта бўлганларим эсимда. Жонзотларнинг жавдираган кўзларига қарасам, ичимда нимадир чирт узилиши, уларни бағримга босиб йиғлагим ва нимадир дегим келиши ҳам бор гап. Улар билан гаплашиш менга жуда ёқади... Уларнинг кўзларидаги ҳар бир ҳарф сўзга айланганда, ҳаёт мендан озгина нарига сурилади, менинг муҳаббатим учун имкон беради.... Ҳаётнинг яшаётганини ҳис қилишим билан мен ўзимни ҳавога солинган ҳалинчакларда ҳис қиламан, унинг кулгилари атрофимда рақс туша бошлайди...

2017 йил, январь

ЎЗИМ КЎТАРГАН ДУНЁ

Дунё билан чиқишолмай қолган кунларимнинг бирида мен бошқа одам бўлиб уйғондим. У менга кўзларини лўқ қилиб қаради... Мен индамадим ва уйга кириб, бошқа кийимларимни кийиб чиқдим! Худдики, у мени танисмай қоладигандек. Ҳамиша менинг калта, очик кийимларимга ўрганган теварак-атроф эсанкираб қолди биринчи марта. Мендан кутмаган эди! Энг қизиғи, у менинг ичимдаги кийимларимни алмаштиргангани билмади. Мен биринчи бўлиб ичимдаги дунёمنى алмаштирган эдим. Қанча чиройли бўлмасин, мен уларнинг ҳаммасидан бир кунда воз кечдим ва қутулдим! Албатта, йиллар давомида ўрганиб қолган нарсангдан бир кунда кечиш кетиш қийин, бу ўзимга ҳам осон бўлмади... Ўзимдан ажралиб чиқишни хоҳлаган ўзимга қараган пайтим ғалати бўлиб кетдим. Чунки, у ҳам менга ўрганган ва уни ҳам ўзим кўтариб, катта қилган эдим!

2017 йил, август



ХУДОНИ КЎРГАНДИМ...

Бир вақтлар Худойим шундай кунларни берди... Йиғласам, йиғиларим қофияга тушди! Кўз ёшларим шеърга айланди... Атрофимда оҳанглар учиб юрганини ўз кўзим билан кўрдим. Булутларни соябон қилган осмонни ўз қўлим билан ушлаб кўрдим! Қуёшнинг этагидан тутдим, юлдузларни пинжига кирдим... Шамол билан ҳар кун ўйнадим, ҳеч кимга, ҳеч кимсга айтмаган дардларини айтди ёмғирлар. Қорларни оёғим остида кўрдим... Дарахтларда қушдай яшадим! Қушлар юрагимни дон деб ўйлади ва юрагим дон эди қушлар учун! Ва мен ҳамма нарса эдим... ҳаво эдим ўлганлар учун! Бу дунёда тирик одам борлигига шубҳам бор эди, ўзим ҳам тирик эмас эдим... Ҳарфлар билан ўлгандим, ёзувларимда жон таслим қилгандим. Мен жуда бахтиёр ўлгандим. Шеър билан ёнма-ён бўлгандим, Худони кўргандим... Худони кўргандим... Ҳаммага пичирлаб айтганман, ўзимни ғижимлаб айтганман... Айтганман, айтганман... айтганман!

2018 йил, май

ЁЗИШ ҲАМ ЎЗИНГА БОҒЛИҚ ЭМАС

Бу дунёда бизлар ҳам арча шохларидаги ўйинчоқлар каби илиниб турибмиз. Бир шамол турса, тўкилиб кетадиган аҳволимиз бор. Лекин оёғимизда турган пайтимизда йиқилмайдиганга, тириклигимиз учун ўлмайдиганга ўхшаймиз... Биз ҳаётни ўзимизники деб ўйлаймиз, аммо ўлим ҳақида негадир бу гапни айтмаймиз. У жуда узокда, ҳали-бери келмайдиганга ўхшайди. Ҳатто яқинимиздаги одамларни олиб кетганда ҳам унинг яқинлигини ҳис қилмаймиз. Бугун кундаликка мукка тушганимда ҳам бошқа нарса ёзсам керак, деб ўйлагандим, афсуски, ёзиш ҳам ўзинга боғлиқ эмас... Балки бу йил алмашаётгандаги бир ҳолатдир, йилнинг сўнгидаги кайфиятдир. Нима бўлгандаям, бугун тунда ҳали биз яшамаган бошқа бир йил кириб келади. Бори-йўғи бир рақам алмашади... Аммо шу рақам ҳаётимизнинг қайсидир саҳифаларида муҳрланиб қолиши ва биздан кейин ҳам яшаб қолавериши мумкин... Биз ҳеч нарсани билмаймиз, Аллоҳ билгувчидир! Биз фақат кўрганларимизга, кўрсатгани учун Кўрсатганга шукр қиламиз...

2018 йил, 31 декабрь

АДАБИЁТ ҲАМ...

Тузоққа кўп тушган одам ўзини қандай ҳимоя қилишни яхши билади. Тузоққа кўп тушган одам ов қилишниям яхши ўрганади! Адабиёт ҳам одамга сўз билан жанг қилишни, тафаккури билан ўзини ҳимоя қилишни ўргатади.

2019 йил, январь



ДУНЁГА КЕЛГАНИМНИ НИМА БИЛАНДИР ОҚЛАГИМ КЕЛАДИ

Дунёга келганимни нима биландир оқлагим келади... Сўз қидираман! Қушларнинг ҳам ўз осмонлари бўлгани каби менинг орзуларимнинг ҳам чек-чегараси бормикан? Йўқлик дунёсида борлигим, ўлик сукунат ичида мавжудлигимни нима биландир исботлагим келади... Бошимни кўтариб теваракка аланглайман... ҳар томоним сўз! Фақат сўзлар билан гаплашаман! Ҳарфлар билан сирлашаман. Кичик ҳарфлар катта ҳарфлар билан қўлтиклашиб келади, узун-қисқа соялар кама-лак рангида умримнинг ўртасидан чизик тортади. Худдики осмондаги булутлар каби ёпирилиб келаётган сўзлар қуршовида ўзимни йўқотиб қўймаслик учун оҳанглардан ҳавога арғимчоқ соламан. Кўзларим неча марта ўлиб-тирилади... титроқ қўлларим билан Худога мактуб ёзаман. Муҳаббатдан таскин қидираман ва мана шу яхши кўриш ичида тирик қоламан. Сочларимнинг ҳар толасидан меҳр ўсиб чиқади. Томирларимда муҳаббат оқаётганини, ҳужайраларимда севги қанот ёзаётганини кўзим билан кўриб тураман! Мен ҳар бир кунимни шундай кузатаман! Йўлнинг охиригача бораман. Кунларим кўринмай кетгунча қараб тураман... Мен ҳар куни дунёга келганимни нима биландир оқлагим келади...

2019 йил, январь

ХАЙР, ТОШКЕНТ, АССАЛОМ, ВЬЕТНАМ!

Худо хоҳласа, бугун учаман! Кунлар шу даражада шошилтирдик, на тун, на кундузга қарай олдим... Ҳаётга бугун келган ва бугундан яшай бошлаган каби бу дунёнинг исмини инглиз тилида ахтардим. Одамлар билан гаплашганда уларнинг юз-кўзларига қараб турган бўлсам ҳам икки хаёлим инглиз тилида бўлди. Ҳар заррам, бўгин-бўгинларимгача Унга пешвоз чикдим! Аммо ҳамма жойдан менинг кадрдон немис тилим чиқиб келаверди. Икки, баъзан тўрт-беш тил орасида адашиб юрдим! Бу адашишлар шу қадар ҳузурли эдики, ҳар бир нафасимда Худони ҳис қилиб турдим!

2019 йил, 14 февраль



ШЕЪР ДУНЁСИДА ЭДИМ

Деяри қўлимга қалам ушламай қўйгандим. Кунларни икки дунё орасида яшаб ўтказаяётгандим... Умримнинг қуёшини қаердан чиқиб, қайси тарафга ботишини ҳам узук-юлуқ билмасдим. Ёмғирлар эътиборимдан четда, шамоллар эсимдан чиққанди. Тонглар деразамни чертганида, синиққина жилмайиб кўярдим. Қўлимни кўтаришга куч қайда? Ўша куни каттиқ ёмғир ёғди Ханойида... Шеър кайфиятида паришон юрган сочларимиз ивиб кетди. Ҳамма шеър ўқирди. Ҳамма Вьетнамни тараннум этарди. Мен эса ҳеч нарсага тушунмасдим. Шеър дунёсида эдим. Ўзим биринчи марта дуч келиб тургандай, ҳали ҳеч қачон бўлмаган дунёларда юардим. Ҳаёт мени шу аҳволга солганди. Ва мени мутлақо қизиқтирмай қўйган бу дунё билан ўша куни орани очиқ қилдим!

2019 йил, февраль. Вьетнам

ТУҒИЛМАГАН КУНЛАРИМДА ҲАМ...

Туғилганингни туғилган кунингда кўпроқ ҳис қиласан. Тўғриси, кечаги табригу тилаклар куршовида қироличадай ҳис қилдим ўзимни. Ватанимдаги ва бутун дунёга сочилиб кетган дўстларим эътиборидан ўсиб чиқдим. Туғилмаган кунларимда ҳам туғилгим келди. Кечасидан бошланиб, ҳали давом этаётган табриклардан бошим айланди, яхши кўриб кетдим ҳаётни. Соат роппа-роса 00:02 да келиб тушган смс: «Хосият, сизнинг туғилган кунингиз билан негадир бугун бутун дунёни ва шу дунёнинг бир зарраси сифатида ўзимни табриклайман! Қўчқор Норқобил!» Ва хонам эшигининг шиддат билан очилиши, ҳамма-ҳаммаси умрим давомида қанчалар акс садо беришини тасаввур қиляпман. Ҳаммангизга раҳмат, ҳаммангизга ташаккур, менинг қадрлаган дўстларим!

2019 йил, март



КИМНИ СОҒИНАЁТГАНИМНИ БИЛМАЙМАН

Қачонлардир бошланиб, ханузгача давом этиб келаётган ичимдаги бир йиғи хаёлимда уммонларга айланадигандек... Оғзимни чурқ этиб очолмайман, гўёки ер ютиб юборадигандек... Кимга беришни билмайдиган саволларим кўп... Бош қўйиб йиғлашга арзийдиган елка йўқ! Ёнингдаги яхши одам ҳам ўзининг дунёлари билан банд. Кўзимдаги ёш билан кўнглимга жавдирайман. Сочимни силаб ўтади шамол, юрагимнинг ховурини босади ёмғир. Тўсатдан қаерга кетаётганини билиб қолган йўловчиман! Ичимда улкан бир соғинч, кимни соғинаётганимни билмайман! Қушларнинг қанотларида қаергадир кетгим келади... Ким биландир гаплашгим келади қушларнинг қанотларида!

2019 йил, октябрь



МЕН БУ ТИЛГА ТУШУНМАЯПМАН

Мен бу тилга тушунмаяпман! Наҳотки, захирасида бир миллион сўзи бўлган инглиз тили мени шеърларимни ўзим айтганимдай ифода этолмаса? У ҳолда Эрнест қандай қилиб Эрнест Хемингуэй бўлди? Жорж Байрон, Томас Элиот, Эдвард Лир, уч опа-сингил Бронтьелар, Эмили Дикинсон... Рўйхат эса тугамайди. Бу шоир-ёзувчилар бу дунёга исмларини қандай қолдириб кетдилар? Қандай яшаб юрибдилар биз билан бирга? Мен, ахир, бошқача айтганман, дейман таржимонга! «Инглиз тилида бошқача айтиб бўлмайди, уларда сиз айтмоқчи бўлган туйғулар йўқ!» «Нега?» Кўзим чиқиб кетмайди ҳар тугул. Лекин кўз косалари ичида бир айланиб олади. «Билмадим», дейди тилмоч елкаларини қисиб. Мен яна айтаман: «Бўлиши мумкинмас». Жуда кўп инглиз ўртоқларим бор, улар билан гаплашаман. Тўғри, фарқли томонларимиз бор, лекин инсондаги ҳамма феъл-атвор мужассам! Улар қандай ифода этишади ҳолат, кайфиятларини? Йўқ, бизнинг тортишувлар тугамайди. Хуллас, бу тилни ўзим ўрганмасам бўлмайди! Астойдил бўлишим керак! Аслида, олдинроқ бошлашим керак экан. Жилла қурса, фарзандларим билан бирга! Ўша йиллари ўғлимнинг устози айтганди: «Сизга ҳам ўргатайми?» «Йўқ, бу тилни ўрганишга умрим етмайди». Менинг жавобимдан ўқитувчи ҳайрон қолган. Орадан қанча йиллар ўтиб, энди ўрганишни бошладим. Жуда умр етмай қоладиган тил эмас экан, муҳаббат билан ўрганса бўладиган тил! Инглиз тилида ёзиш учун эмас, инглиз ти-



лида гапириш учун ўрганиш керак. Чунки биз фақат ўз она тилимиздагина ўзимизни баён эта оламиз! Худонинг бизга айтгани шу. Мен бошқа тилларда ёзишга ҳаракат қилганман, ёзганман ҳам. Лекин худди ҳозирги таржима каби... қаерингиздир бўш қолади. Туйғуларингиз етиб бормайди, узоқ масофалар бор... Қани кўрайлик-чи, биз ҳаётнинг қаерида хато қиляпмиз, қаерида адашяпмиз? Таржимон ҳақми? Наҳотки, Худо инсонни ҳар хил яратган бўлса? Наҳотки, тилларимиз бизни ифода этолмаса? Агар шундай бўлса, Худо мени кечирсин-у, бу тилни чайнаб ташлаш керак!

2019 йил, ноябрь

ҲАЁТ БИЛАН КЕЛИШИБ ЯШАЁТГАН ЎЛИМ

Инсон ҳаёти давомида бир неча марта ўлади. Ва бир кунда эмас, йиллар давомида секин-секин ўлиб боради. Бу дунёдан секин-секин йўқолади. Бу кўринадиган жараён бўлмагани учун кўрмаймиз, йўқолиб бораётганимизни ҳис қилмаймиз! Бир кунда туғилиб, бир кунда ўлганга ўхшаймиз. Аслида, бизнинг ҳар кунимизда ўлим бор, ҳар бир кунимизда ҳаёт билан келишиб яшаётган ўлим бор. Биз баъзан касал бўлганимизда унга дуч келамиз ва кўп нарсаларни тушуниб етамиз.

2020 йил, июнь

ҚЎРҚУВ

Касал одамлардан кўра касал сўзлар ва касал туйғулар хавфлироқ бўлади. Уларнинг юқиши осон... Ёнидан ўтиб кетсанг ҳам, сени ўз домига илинтиради, тафаккурингни захарлайди. Мен касал одамлардан кўра касал сўзлар ва касалланган туйғулардан кўпроқ қўрқаман.

2020 йил, июнь



БУТУН ДУНЁ БИР ТИЛДА ГАПЛАШСА ЭДИ...

Дунёдаги муаммоларнинг асосий сабабчиси, бир-биримизни тушунмаслигимиз, бир-биримизни тушунмаслигимизнинг сабаби эса тил билмаганимиз эмасмикан? Тасаввур қилиб кўринг, инсонлар қаерда яшамасинлар, бир-бирларини тушунсалар, қайси миллатга мансубликларидан, иркларидан қатъи назар, бир-бирлари билан гаплашолсалар... Тил муаммоси бўлмаса! Баъзан муаммоларимизнинг негизида биз ўзимизни етарлича тушунтириб беролмаётганимиз тургандай туйилади. Шу ерда фикр туғилиши мумкинки, инсонлар аввал юраклари билан гаплашиб бир-бирларини англасин! Тўғри, бу нарса бизда етарли. Биз қаерда, қайси миллат билан рўбарў келсак, бир-биримизни кўзларимиз билан тушуниб, қалбларимиз билан англаймиз! Лекин гаплашганимизда янаям кўпроқ яқинлашасан, янаям кўпроқ тушунасан. Шу ўринда бизга ёрдам берадиган биринчи кўмакчи Техас университети профессори Гекё Маринай асос солган протанизм назарияси бутун дунё одамларини бир-бирларига меҳрли бўлишлари билан бирга, Худо яратган ҳамма нарсага мухаббат билан қарашларини тарғиб этади! Унинг китобида айтилишича, агар биз дунё одамлари бутун дунёга яхши кўриб қарамас эканмиз, дунёни ўзгартиролмаймиз, фақат кун кечириб кетишимиз мумкин, холос! Бу каби фикрлар бизнинг муқаддас китобларимизда бор! Биз бувиларимиздан бировни дилини оғритиш гуноҳ эканини, жонзотлар-

га озор бериш, уларни хўрлаш жиноят қилиш билан баробарлигини қайта-қайта эшитиб улғайдик. Шунинг учун бўлса керак, бир инсон билан сал гапимиз тўғри келмай қолса, яхши бўлиб кетганимизга қадар қийналиб юрамиз! Озор чекамиз! Чунки бизни Худо яратган! Биз Уникимиз! Биз қаерга кетаётганимизни биламиз, шубҳасиз! Фақат баъзан хаёлингдан кечадиган фикрлар ҳақида фикрлаганингда, ҳақиқатан ҳам бутун дунё бир тилда гаплашса, муаммолар ўз-ўзидан бартараф этиладигандек туйиларкан. Ва бизлар тил ўрганишга сарфлайдиган вақтимизни китоб ўқишга ёки бошқа бир хайрли ишларга сарфлармидик! Ҳа-миша инсонларни қийнайдиган вақт етишмовчилиги озгина барҳам топармиди! Ўқишга улгуролмаётган китобларимиз олдида хижолат чекишдан озгина қутулармидик? Бу ҳам қизиқ, ҳам бизни мушоҳада қилишга ундайди! Сиз нима дейсиз, азиз ўқувчим, ҳаёт қандай бўлиши мумкин эди, БУТУН ДУНЁ БИР ТИЛДА ГАПЛАШСА?



БИЗ БУ ДУНЁГА АЙЛАНИБ КЕТИШ УЧУН КЕЛМАДИК!

Биз бу дунёга айланиб кетиш учун келмадик! Бир туни ва бир кундуздан иборат бўлган бу дунёни ҳар куни қайта-қайта кўравериш ҳам унчалик қизиқ эмас. Бизнинг мақсадларимиз бор. Бизнинг амалга ошиши шарт булган орзуларимиз бор. Биз ҳар куни уйғониб кўраётган янги кун фақатгина биз учун янги! Биринчи марта кураётганимиз учун бизга қизиқарли. Аслида, бу дунё учун ҳеч нарсанинг ёки ҳеч кимимизнинг қизиғи йук! Биз бўлсак ҳам, бўлмасак ҳам, шу тонг отаверади, шу қуёш заррин нурларини сочаверади. Айниқса, мен жон-дилим билан яхши кўрадиган ёмғирни ўйлаганимда, кўзимга ёш келади! Уни мендек, ҳа, мендек севадиган одам топилмайди, деб ўйлайман! Ёмғир эса пинагини бузмайди... У ўзига ишонади! Уни севадиганлар мендан кейин ҳам кўплаб топилишига сидқидилдан ишонади. Биз ҳам ишонсак эди! Биз ҳам эртага ҳеч йўқ ёмғир каби бу дунёга қайтиб келишимизга ишонсак эди...

* * *

Газетамиз («Китоб дунёси») сабаб (чунки уларнинг кўпчилиги ҳали бизнинг ижодимиз билан таниш эмас) бизга ҳам таклифлар бўлади, асарингни юбориш сўралади. Шундай вақтда таржимонларимга ҳам эслатиб тураманки, буни кескин рад этиш лозим. Сабаби, сенинг хизматингга уларнинг ҳам одамгарчилик қилмоқ-

чи бўлаётганлари маълум! Ҳолбуки, адабиёт ҳеч қандай «одамгарчилик»ни тан олмайди! Шу ўринда яна бир нарсани айтмасам бўлмайди! Биз ижтимоий тармоқларда ҳар хил дабдабали номлар билан, энг ёмони, адабиётнинг номини қўшиб, адабиётдан хабари бўлмаган одамлар қандайдир «адабий» ташкилотлар тузиб, ўртамиёнадан ҳам паст бўлган шоир-ёзувчиларга фахрий ёрлиқ ва қаердадир ясалган қандайдир медаллар инъом этмоқдаларки, бу энди ачинарли ҳолат! Уларга бир гап айтмоқчиман... Адабиёт виждон, эътиқодга хилоф иш қилганни кечирмайди.

Адабиёт сиз ўйлагандек арзон матоҳ эмас! Адабиёт сиз ўйлагандек ёрдамга ҳам муҳтож эмас. Мен, аввало, мукофот бераётганлар ҳақида гапирмоқчиман! Сиз адабиёт учун нима қилдингиз? Нимани ёлчитдингиз? Ва сизга мукофот бериш ҳуқуқини ким берди? Ҳўп, майли, мукофот бериш ҳуқуқингиз ҳам бор, дейлик, аммо сиз танлаётган ижодкорнинг ижоди билан танишмисиз? Ваҳоланки, биз сиз танлаётган одамларингизга қараб, сизни танияпмиз! Сизнинг дидингиз, аслида, ҳеч нарсани белгиламайди, лекин ҳали адабиёт билан таниш бўлмаганлар наздида, «Адабиёт шумикин?» деган фикр пайдо қилади. Ва яна сиздан илҳомланганлар қадамларини чет давлатлар томон босишга ҳаракат қиляптиларки, бу бизнинг миллат ва адабиёт учун жуда уят ва ачинарли ҳолатдир.

Сиздан илтимос, мукофот бергингиз келса, энг зўрларга беринг! Энг ёмони, энг зўрларга сизнинг мукофотингиз керак эмас...

МУНДАРИЖА

Саркаш рух ва ройиш вужуд тантанаси	3
Биз икки дунёдан келган икки мусофир эдик	14
Қушлардан ҳам рашк қилардинг	16
Мен сени худодан сўраб олганман	18
Сен шундай келдинг	19
Сенда эзилган юрак, менда эзгиланган қалб	20
Аммо сен қаердасан?	21
Матнлар ичида яшай бошладим	22
Мен жуда бойиб кетдим!	23
Энди бир умр	23
Энди сен бошқа кемалардасан	25
Мени сендан бошқа ҳамма нарсам бор	27
Сен мукофотмисан ёки жазоми?	28
Ўлсам ҳам сенда яшаётган бўлардим	29
Осмонча яхши кўраман	30
Кўзимдан кетиб тур!	31
Кўз ва сўз қурбонлари!	33
Менинг ҳаётим туғилади!	34
Мен сендан кетдим!	35
Яшаб туриш учун имкон бер	36
Қайтиб кетиш учун келмаган	37
Майли, мен ишимни қилай	38
Жоним ўсиб чикарди қайта	40
Мен озодликда эдим	41
Сен туфайли ҳаёт дурга айланди	42
Сўзларим ивиб кетади	44
Ўзимдан ҳам яқиндасан	45
Сен эҳтиётсизсан	46
Ҳаёт ишини қилсин!	47
Кўзларимнинг боши қоронғу эди	49
Одам шаклидаги фариштам!	51
Рухан сенга кетиб бўлганман	53
Ўлмайман, деб айт!	54
Мен яна кетяпман	55
Кетгим келмай қолиши мумкин	57
Қоғозга ёзилган сўз деб ўйлайсан	58

Бошқача яшаб бўлмади	59
Эртага, албатта, ёзасан, деб айт.....	60
Кечиқишим мумкин	61
Сени кўрмаслигим керак эди, ҳаёт!.....	62
Бир осмон соғинч.....	63
Ҳамма томоним муҳаббат	64
Худо деб юрган кунларим... ..	65
Сен томон йўлдаман	66
Мени ўз ҳолимга ташлаб қўйма.....	66
Атрофимдаги одамларнинг бири эдим.....	67
Сени соғиняпман!	69
Сен ёш бола эдинг... ..	70
Сени ўқияпман, ҳаёт!.....	72
Наҳотки, кетаётганларнинг бириман?	74
Онам туш кўрмаётган эди.....	76
Иккимизни тақдир тақдирлади.....	77
Мен сизни рашк килдим!	79
Оғримаган бошимни оғритдингиз.....	80
Сизсиз ва ёмғирларсиз.....	81
Энди мен сизман	83
Атрофимдаги ҳамма нарсасиз эдингиз	84
Қўлимдаги суратингиз биллурдай ялтирайди.....	86
Сиз нафас олмаган ҳаволар билан чиқишолмадим.....	87
Қўйлақларингизни ювиб... ..	88
Ёнимдан жимгина ўтиб кетинг... ..	89
Иккимизнинг хонамиз ёруғ.....	90
Мен нима деяётган эдим?.....	92
Бир осмон йиғи	93
Сизга мактуб ёздим	94
Ўзингиз тоғга айланасиз.....	95
Менинг чакагим тинмайди	96
Яхшиям борсиз!	97
Ўзимни ҳам сиз деб ўйлаганман.....	98
Кетиш жонига тегмаганларнинг бири менман.....	100
Тез юр, ер шаридан чиқиб кетамиз... ..	101
Белорус шоири, менинг гўзал таржимоним светлана быковага!.....	107
Дунё бир эшик бўлсайди... ..	110

Қор ҳам ёғаётгани йўк	111
Ўшанда ҳам шеър ёзган	112
Сиз оқибатлисиз, марина!	113
«1971 Йил. Олмос»	115
Сен ўйинчок эмассан, ўйинчисан!	116
Кел, бир кунга кетамиз!	118
Жуда ҳорғин эди у	120
Сизни ўлдиришган – сиз ўлмагансиз	121
Одамлар мени зериктиряпти	122
Чақирган заҳотим кел	123
Ёмғир	124
Есенин	126
Шаҳар ва шоирлар	127
Пушкин бу суратга биз учун тушган	128
Ёзув столимда	129
«Дуэл»	130
Пушкин!	132
Бошқача бўлиши керакмасми?	134
Кема чайқалади	135
Бир-бирига ўхшамаган шоирлар	136
Биз жони бор дарахтлар эдик	137
Шоирнинг ватани – ижод	138
Қаердасан, вьетнам?	139
Адабиёт ибодатхонасида	141
Ҳаво нафас олмай тургандай	142
Уйғоқ сукунат ичра	143
Дунё шоирлари, келинг, бошқатдан туғиламиз	144
«Пушкинни топдингизми?»	145
Шоирнинг миллати бўлмайди	147
Орзулари тирик болакай	148
Меҳр-муҳаббат вируси керак!	149
Адабиётнинг ҳам қарғиши бор	150
Менинг ҳаётим	154
Ўшанда ҳам ёмғир эди	157
Мен буткул ўзимники эмасдим	158
Осмон жим эди	160
Дунёнинг ҳамма нарсаси бор	162
Мен қаерга жойлашганман?	163

Нимадир қоляптими ўзи?	165
Қорачиқларингда кимнинг акси бор?	166
Йўқолиб қолишдан қўрқардим!	167
«Балиқчи йигитни кўрмадингизми?»	168
Қарз	170
Қаергадир кетсам	171
Энди мактабга борган кунларим эди	172
Шу билан ҳаммаси тугайди	173
Тўлғоқ	175
Адабиётсизлик билан имтиҳон қилма!	176
Ҳар олган нафасим уники	177
Ҳалиям бу дунёга жойлашганим йўқ!	178
Ҳарфлардан хафа бўлардим... ..	179
Муҳаббат учун имкон беради	180
Ўзим кўтарган дунё	181
Худони кўргандим... ..	182
Ёзиш ҳам ўзингга боғлиқ эмас	183
Адабиёт ҳам	183
Дунёга келганимни нима биландир оқлагим келади	184
Хайр, тошкент, ассалом, вьетнам!	185
Шеър дунёсида эдим	186
Туғилмаган кунларимда ҳам	187
Кимни соғинаётганимни билмайман	188
Мен бу тилга тушунмаяпман	189
Ҳаёт билан келишиб яшаётган ўлим	191
Қўрқув	191
Бутун дунё бир тилда гаплашса эди... ..	192
Биз бу дунёга айланиб кетиш учун келмадик!	194

Адабий-бадий нашр

ХОСИЯТ РУСТАМ

ТУННИНГ БОШИ ҚОРОНҒУ

Қундаликлар

Мухаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Бадий муҳаррир
Дилфуза САЛИХОДЖАЕВА

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АІ № 252. 02.10.2014 да берилган.

Босишга --.03.2021 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Гарнитура «Cambria». Офсет қоғози.

Босма табағи --- Шартли босма табағи --.

Адади -- нусха. Буюртма № ----.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими – (98) 128-78-43.

Факс – (71) 273-00-14;

email: yangiasravlodi@mail.ru